

Наргис ҚОСИМОВА

**ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ:
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА УСУЛЛАР**

Ўқув-амалий қўлланма

Тошкент-2017

УДК
ББК:
М

Ўқув қўлланма оммавий ахборот воситалари вакиллари, Олий Мажлис, сиёсий партиялар ахборот хизмати ходимлари ҳамда олий таълим муассасаларининг журналистика факультетларининг талабалари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Гулнора БОБОЖОНОВА,
филология фанлари номзоди

Муҳаррир:
Дармон ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
“Sport” телерадиоканали директорининг биринчи ўринбосари

Тақризчилар:
Турсунали КАРИМОВ,
Ўзбекистон ФА академиги.

Фотима МЎМИНОВА,
филология фанлари доктори, профессор.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети Илмий Кенгашининг 2017 йил “30”августдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашр этишга тавсия қилинди.

	КИРИШ	5
1-БОБ.	ПАРЛАМЕНТ: МОЗИЙГА НАЗАР	7
1.1§.	Парламент ва парламентаризм: мозийга назар	7
1.2§.	Ўзбекистонда олий давлат вакиллик органи – қонун чиқарувчи органнинг шаклланиши	20
1.3§.	Парламент фаолиятида фракцияларнинг ўрни	31
2-БОБ.	ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ТАРИХ ВА БУГУН	35
2.1§	Парламент журналистикасининг пайдо булиши омиллари ва конституциявий асослари	35
2.2. §.	Ўзбекистонда парламент журналистикаси: ютуқ ва камчиликлар	52
3-БОБ.	ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ – ИХТИСОСЛАШУВ МАСАЛАЛАРИ	55
3.1 §.	Мавзу топиш маҳорати ва парламент журналистининг ахборот манбалари	55
3.2§.	Ахборотни текшириш усуллари	59
3.3§.	Депутатлар фаолияти ҳақида материаллар тайёрлаш технологияси	61
3.4§.	Таҳлилий материалларнинг ўзига хосликлари	65
3.5§.	Парламент фаолиятини ёритишда мультимедиавий воситалардан фойдаланиш. Мультимедиавий лонгрид	71
3.6§.	Мультимедиавий сторителлинг	75
3.7§.	Замонавий парламент журналистикаси тилининг холислиги	79
4-БОБ.	САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЁРИТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ	84
4.1§.	Оммавий ахборот воситаларида сайлов кампаниясини ёритишнинг ҳуқуқий асослари	88
4.2§.	Журналистларнинг сайлов жараёнида қатнашиши ва уни ёритишдаги ҳуқуқлари	89
4.3§.	Сайлов жараёнида журналистлар	90

	аккредитацияси	
4.4§.	ОАВ орқали олиб бориладиган сайловолди ташвиқоти ва унинг ўзига хосликлари	91
4.5§.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати ва унинг вазифалари	95
4.6§.	Сайловни ёритаётган журналистнинг касб одоби тамойиллари	100
5-БОБ.	ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИНИНГ КАСБИЙ АХЛОҚИ	103
5.1§.	Депутатлар фаолияти ҳақидаги материалларда стереотиплар	103
5.2§.	Парламент журналистининг касбий мажбуриятлари ва ахлоқий тамойиллари	106
6-БОБ	ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ ХИЗМАТИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ	110
6.1§.	Парламент имижини шакллантириш ва халқ билан мулоқотда транспарентликни таъминлашда ахборот хизмати фаолиятининг ўрни ва аҳамияти	110
6.2§.	Медиарежалаштириш асослари	118
6.3§.	Парламент имижини тараққиётида янги медиавоситалар	120
6.4§.	ОАВ ва жамоатчилик учун тадбирлар ташкил этиш	122
6.5§.	Парламент ва депутатлар фаолиятини тақдим қилиш сирлари	133
6.6§.	Журналистларга интервью бериш	138
6.7§.	Ахборот узатишда ОАВ вакиллари билан мулоқотда юзага келадиган камчиликлар	143
	ГЛОССАРИЙ	146
	Фойдаланилган ва ўрганишга тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати	150

КИРИШ

Парламент журналистикаси демократик кадриятларни илгари суриш, давлат институтларини назорат қилиш, кенг жамоатчиликка қабул қилинаётган қонунларни тушунтиришда муҳим аҳамият касб этиб, у аҳоли билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзига хос кўприк ҳамдир. Парламент журналистларининг жамиятдаги ўрни жуда ҳам юқори, чунки айнан улар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий институтлар фаолияти ривожига муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки йиллардан бошлаб давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш сари қадам ташлади. Жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида мамлакатимизда Парламент ислохотларини эркинлаштириш сиёсатининг мантиқий давоми сифатида икки палатали Парламентга ўтилди. Бу ҳақда Республиканинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов шундай деган эди: “Икки палатали Парламентга ўтишдан асосий мақсад — Парламентнинг ҳаётимиздаги ўрнини ошириш, қонунчилик ҳокимиятини кучайтиришдир. Негаки, бунда Парламентимиз фаолияти янги босқичга кўтарилади, унинг ваколатлари анча кенгайди. Аввало, қуйи палатанинг иши анча ўзгаради. Бу палата эртага доимий фаолият кўрсатувчи, профессионал органга айланади. Унга депутат бўлиб келадиган одамлар таркиби ҳам сўзсиз, ўзгаради. Унинг моҳияти, иши, кўриладиган масалалар, қабул қилинадиган қонунлар сифати ўзгаради. Депутатлар бир чоракда йиғилиш билан чекланмасдан, ҳаётни чуқурроқ ўрганади, уларнинг сиёсий ўзгаришлар, ислохотларга таъсир қилиш имкониятлари кенгайди”¹. Ўзбекистонда икки палатали Парламентни ташкил этиш зарурати ижтимоий тараққиёт талабларидан келиб чиқди. Ўзбекистон Парламентининг ривожига ўз навбатида парламент журналистикасининг ривожига туртки берди.

Бугун парламент журналистикаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида, хусусан унинг “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” бобида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кенгроқ ёритиши, фуқаролар сиёсий жараёнда фаол қатнашишлари учун ўзгаришларни тушунтириб бериши лозим. Стратегиянинг ушбу боби мамлакат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унда демократик ислохотларни

¹ Ислоҳ Каримовнинг референдум куни сайлов участкасида берган интервьюсидан. 2002 йил, 27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентини Матбуот хизмати жорий архиви, 2002 йил учун ҳужжатлар тўплами, 21—22-бетлар.

чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш учун²: давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан Парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш; қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини қабул қилинаётган қонунларни амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда тубдан ошириш; сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш³ белгилаб берилди.

Ўзбекистонда парламент журналистининг роли йилдан йилга ўсиб бормоқда. Аммо, афсуски, бугунги кунга фадар мамлакатда парламент журналистикасига асосан депутатлар фаолиятини тарғиб қилиш воситаси сифатида қаралмоқда. Тахлилий материалларнинг камлиги, шарҳларнинг йўқлиги, Парламент фаолиятига баҳо берилмаслиги ушбу салбий қарашни кучайтиради.

Парламент журналистикаси борасидаги ихтисослашувга олий таълим муассасаларининг журналистика факультетлари яна ҳам кам соат ажратилган. Бу эса ўз навбатида тайёрланаётган журналист кадрларда мазкур йўналишдаги билимларнинг етишмаслигига, натижада Парламент фаолиятининг етарлича ёритилмаслигига олиб келиб, қуйи ва юқори палата депутатлари, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида ўз фаолиятини олиб бораётган депутатларнинг амалга ошираётган ишлари оммавий ахборот воситаларида деярли ўз аксини топмаяпти.

Ўзбекистонда парламент журналистикаси ҳали жуда ҳам ёш бўлишига қарамай, унинг ривожини йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Шундай экан, мазкур ўқув қўлланма Парламент фаолиятини ёритаётган ҳамда парламент журналистикаси билан қизиққан журналистлар учун амалий кўмакчи бўлишига ишонамиз.

² lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036

³ lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ТАРИХ ВА БУГУН

1 §. Прламент ва парламентаризм: мозийга назар

Жаҳонда парламент журналистикасининг ташкил топиши бевосита Парламентнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Парламент ҳақидаги замонавий тасаввурлар халқнинг минг йиллик бошқарув усули асосида шаклланган. Кейинчалик олимлар мазкур бошқарув усулини “демократия” деб аташган. Демократиянинг идеал шаклида барча фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиб, долзарб масалаларни муҳокама этиш учун бир жойда тўпланадилар. Натижада овоз бериш йўли билан қарор қабул қилинади. Албатта, бундай бошқарув усули кичик аҳоли пунктлари учун самаралидир, аммо бутун давлат миқёсидачи? Бир жойга бараваракайига 10 миллион ёки ундан ортиқ одамларни йиғиб бўлармиди? Йиққан тақдирда ҳам бундай йиғилиш неча кун давом этади? Чунки, қоидага кўра, ҳар бир фуқарога ўз фикрини айтиш учун сўз бериш керак. Шу сабабли кўп сонли фуқаролар номидан гапира оладиган битта вакилни сайлаш тақозоси пайдо бўлди. Албатта бу “соф демократия” эмас эди. Чунки сайланган фуқаронинг ўз дунёқараши, воқеа-ҳодисага нисбатан ўз фикри бўлади. Айнан соф демократия инъикосини биз замонавий Швейцария бошқарувида кўришимиз мумкин. У ерда бир йилга “амтман”, яъни депутатлар сайланиб, улар профессионал даражада қонун лойиҳасини ишлаб чиқишади, овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар эса уни ё тасдиқлашади ёки йўқ. Бундай бошқарув кўриниши плебисцитар демократия деб аталади⁴.

! “Плебисцитар” сўзи латин тилидаги *plebiscitum* сўзидан олинган бўлиб, умумхалқ муҳокамаси доирасида қарор қабул қилишни англатади.

Бунда қонун матнини ўзгартириш мумкин бўлмайди. Фақатгина “ҳа” ёки “йўқ” деган овоз берилади, холос. Аҳоли сонининг ўсиши, ижтимоий-сиёсий бошқарувнинг мураккаблашуви натижасида репрезентатив демократия, бундан ташқари айнан “демократия” сўзини “вакиллик” сўзи билан алмаштириш эҳтиёжи ҳам юзага келди. Ҳозирда мазкур функцияни Парламент тизими амалга оширмақда.

“Парламент” тушунчаси инглизча “Parliament”дан келиб чиқса-да, аслида у французча феъл – “parler” – “гапирмоқ”дан ҳосил бўлган. Айтиш жоизки,

⁴ Щербин А. Зарождение и развитие парламентаризма.
https://duma.tomsk.ru/content/1_zarozhdenie_i_razvitiie_parlamentarizma

француз революциясигача у ерда чекка ўлкалар даражасидаги судларгина Парламент деб юритилган ва шунинг оқибатида у инглизчада эквивалент сифатида қабул қилинган⁵.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, биринчи минг йиллик чегарасидаёқ халқ йиғинлари шаклланганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, Юнонистон шаҳарлари ва Римда, кейинчалик Англия ва Испанияда — йиғинлар, қадимий Новгородда — вечелар фаолият кўрсатган. Нисбатан ёши катта бўлган Парламентлар қаторига Испаниянинг кортесини ҳам қўшиш мумкин. Энг қадимги Парламент туғилган мамлакат билан Исландия бу борада рақобатлашади. Тарихчилар Исландия пойтахти Рейкьявик яқинида жойлашган бир нечта катта тошлар ўрнида “очиқ осмон остидаги дастлабки Парламент бўлган”лигини исботлашга ҳаракат қилишмоқда. У ҳозир ҳам олдинги номи билан “Альтинг” деб аталади. Исландияликлар бу ерда қадимги викинглар давлат фаолиятини муҳокама этиб, муаммоларини хал қилишган, деб ҳисоблайдилар.

Фуқаролар ёки “танланганлар” (оқсоқоллар, вакиллар, князлар, аслзодалар) бу мажлисларда у ёки бу ҳудуддаги долзарб муаммоларни муҳокама қилишган. Ҳудудларнинг чекланганлиги эса, бундай мажлисларни деярли мунтазам ўтказишга етарли имкон берган. Аста-секин муҳокама қилинаётган муаммолар янада аниқлаштирилиб шахсий, бахсли ва судга оид ишлар билан бир қаторда, умумаҳамиятли ишлар, яъни уруш ва тинчлик муаммолари, қўшнилар билан ўзаро муносабат масалалари муҳокама қилинган. Бундай муҳокамаларни Парламентнинг тарихий тимсоли ёки унинг шаклланишидаги **дастлабки босқич** сифатида қараб чиқиш мумкин⁶.

Парламент ривожланишининг **иккинчи босқичи**, унинг давлат форуми сифатида майдонга келиш даврига тааллуқлидир. Парламентнинг ватани Англия ҳисобланади. XII-XIII асрлардаги Англия Парламенти биринчи бўлиб бундай ролни қўлга киритиб, хатто мумтоз намуна сифатида тан олинган. Қирол ҳокимияти йирик феодаллар (лордлар), олий руҳонийлар ва шаҳарлар ҳамда графликлар вакилларининг йиғилишини чеклаган эди. Кейинчалик, XVI—XVII асрларда Парламент подшо ҳузуридаги кенгаш вазифасини бажарувчи табақавий-ваколатли идорага айланган. Қатламларга кўра ташкил этилган бундай муассасалар кейинчалик Польша, Венгрия, Франция, Испания ва бошқа мамлакатларда пайдо бўлди. Оқибатда улар ҳозирги типдаги ҳукумат муассасаси кўринишигача ривожланди ва шу орқали танилди⁷.

⁵ Белоусов М. Конституционное право зарубежных стран. <http://www.razlib.ru/>

⁶ Щербин А. Зарождение и развитие парламентаризма.

https://duma.tomsk.ru/content/1_zarozhdenie_i_razvitiie_parlamentarizma

⁷ Ўша ерда

Парламент тараққийетининг **учинчи босқичи** XVII аср охиридан бошлаб XIX аср охирларигача бўлган даврни қамраб олади. Бу даврда Парламентаризм ғоялари тўлиқ шаклланиб бўлди. Европа файласуфлари Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, Ш.Монтескье, Вольтернинг асарларида, шунингдек, 1787 йилги Америка Конституцияси “оталари”нинг сиёсий трактатларида халқ суверенитети, ҳукмдор ва оддий одамлар орасидаги ижтимоий шартнома ғояси ишлаб чиқилган эди. Парламентларнинг давлатлар механизми ва функцияларида тутган ўрнига келсак, ҳокимиятни бўлиш назарийетчилари Ж.Локк ва Ш.Монтескье уларнинг роли кўпроқ қонунчилик функциясини амалга оширишда дея чеклашган. XVIII-XIX асрларда юзага келган миллий (халқ) вакиллиги концепцияси қуйидаги принциплар мажмуи сифатида баён қилиниши мумкин⁸:

- 1) миллий (халқ) вакиллиги Конституция билан таъсис қилинади;
- 2) миллат (халқ) суверенитет тарғиботчиси сифатида Парламентни ўз номидан қонунчилик ҳокимиятига вакил қилади (кўпинча адабиётларда суверенитетни амалга оширишга вакил қилинган деб ноаниқ изоҳланади);
- 3) шу мақсадда миллат (халқ) Парламентга ўз вакиллари (депутатлар, сенаторлар ва ҳоказо) сайлайди.
- 4) Парламент аъзоси – уни сайлаганларнинггина эмас, балки бутун миллатнинг вакилидир, чунки улар сайловчиларга боғлиқ эмас, сайловчилар уларни чақириб олиши мумкин эмас.

Конституциявий ҳуқуқ бўйича файласуф Леон Дюгининг таъкидлашича: “Парламент миллатнинг вакиллик мандатидир”⁹, яъни вакилликнинг баён этилган конструкцияга нисбатан муносабати миллатлар ўртасида ва умуман Парламентлар ўртасида мавжуд.

Бироқ бу муносабатлар, “мандат” ва “вакиллик” сўзининг маъносидан келиб чиқилса, улар мўлжалланганидан бошқачароқ бўлиб чиқади. Л.Дюгидан ярим асрдан сўнг француз сиёсатчиси Марсель Прело бу ҳақда шундай ёзган эди: “Сайловчининг ўз иродасини ифодалаши у ёки бу шахсни сайлаш билан чекланади ва сайланган шахснинг ҳолатига ҳеч бир таъсир кўрсата олмайди. У фақат Конституция ва қонунлар билан аниқланади. Шу билан бирга “мандат” атамасини 1789 йил доктринада эълон қилинган мазмунда тушуниш лозим. “Вакиллик” сўзи унга лингвистик нуқтаи назардан мантиқ бериш мумкинлигига қарама-қарши маънода тушунилади. Бевосита ва эркин ҳолда

⁸ Ўша ерда

⁹ История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство “Зерцало”, 2000. – 322 с.

миллат истагини яратувчи сайланган шахс, тўлиқ мустақилликка эга бўлади”¹⁰.

Бошқача айтганда, Парламент миллат (халқ) нимани хоҳлаётганини аниқ биледи ва унинг қонунлардаги ҳамда бошқа актлардаги эркини ифодалайди. Бунда у ҳеч кимнинг назоратида бўлмайди. Парламент эрки миллат эркидир. Вакиллик бошқаруви ғояси мана шундан иборат. Уни XVIII аср француз революцияси арбоби Э.Ж.Сьейесдан тортиб М.Прелогача бўлган француз назариётчилари нодемократик, деб ҳисоблашган. Чунки у фуқароларга ўз эркини Парламентга боғлашни рад этади.

Француз мутафакири Ж.Ж.Руссо юқори ҳокимият бирлиги ғоясини асослаб берди ва шундан қонунчилик ҳокимиятининг ижро ҳокимиятини назорат қилиш ҳуқуқи келиб чиқди

Ҳокимиятнинг бўлиниши ҳақидаги маълум доктринада қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида Парламентга муҳим аҳамият берилди.

*! **Замонавий Парламент** - юқори турувчи орган бўлиб, халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган, қонун чиқариш йўли билан жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган, ижроия ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар устидан умумий назорат олиб борадиган марказий орган ҳисобланади.*

Ривожланаётган мамлакатларда, айниқса Африка ва Осиёдаги бир қатор давлатларда, Парламентлар расмиятчилик учун ривожланган Ғарб мамлакатлари модели бўйича қурилса-да, амалда одатда ҳокимиятсиз бўлиб, ҳақиқий ҳокимиятнинг Парламентдан ташқари марказлари қарорларини рўйхатга олади, холос.

Парламент - халқ номидан устувор бошқарув қарорларини қабул қилишга қонуний ваколатли орган бўлиб, у мазкур давлат барча фуқароларининг манфаати ва эркини ифодаловчидир. Унинг миллий ёки халқ вакиллиги сифатида аҳамияти шундан келиб чиқади.

Парламентнинг ривожланишидаги **тўртинчи босқич** XIX асрни ўз ичига олади. Бу даврда Парламент давлат органи сифатида батамом шаклланиб бўлди. Сайлов қонунлари Парламент аъзоларини мунтазам сайлаш асосини яратади. Парламент амалда ягона қонунчилик манбаига айланиб, қонунни қабул қилиш ҳуқуқи фақат унга берилди. Ўша вақтда Парламент институтлари

¹⁰ Heidotting Conley Patricia. Presidential Mandates: How Elections Shape the National Agenda. — University of Chicago Press, 2001, p.39.

қонун яратиш жараёни, депутатлар мақоми, ижро органлари, партиялар, матбуот билан муносабатлар шакллана бошланади.

Парламент ривожланишининг **бешинчи босқичи** XX асрга тўғри келди ва Парламент аҳамиятининг ўсиши билан характерланади. Агар асрнинг биринчи ярмида Парламентлар давлат тизимида ўзини исботлаши керак бўлган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Парламентнинг устуворлик ғояси оммавий тарзда тан олинди. Жаҳон ҳамжамияти ушбу ғоянинг кафолатига айланди. Парламентлар жамоатчилик фикрини фаол акс эттириш ва унга таъсир қилиш орқали ижтимоий ҳаётда тўлиқ маънода марказий ўринни эгаллади. Уларнинг етуклиги демократик фуқаролик жамиятининг кўрсаткичи сифатида хизмат қилади. Парламент институтлари катта тажриба орттирдилар ва уларнинг давлат ҳокимиятидаги бошқа тармоқлар билан нисбати давлатчиликнинг ҳаракатланувчи омили даражасига кўтарилди.

Парламент ваколатларининг ҳажмига қараб унинг қуйидаги уч хил турини белгилаш мумкин¹¹:

1. Чекланмаган ваколатли Парламент;
2. Мутлақ чекланган ваколатли Парламент;
3. Нисбатан чекланган ваколатли Парламент.

Парламентар бошқарув шаклига эга бўлган аксарият давлатларда Парламент ваколатлари чекланмаган ҳисобланади. Бунга Буюк Британия Парламенти классик мисол бўлиши мумкин. Инглиз ҳуқуқшунос олимларининг таъкидлашича, Парламентнинг устуворлиги қуйидагиларни назарда тутди:

1. Қонун қабул қилиш соҳасидаги устунлик. Қонун фақат Парламент томонидан қабул қилиниши мумкин, ўз навбатида қонун норматив ҳуқуқий актлар иерархиясида биринчи ўринни эгаллайди;
2. Давлат бюджетини тасдиқлаш ва солиқларни жорий қилиш ҳуқуқи;
3. Ҳукуматнинг Парламент олдидаги жавобгарлиги;
4. Судьяларни ўз лавозимига тасдиқлаш ҳуқуқи;
5. Парламент ваколатларига ўхшаш ваколатларни амалга оширувчи рақобатчи ҳокимиятнинг мавжуд эмаслиги.¹²

Ҳуқуқшунос П. Бромхед мутлақ ваколатли Парламент ғоясини ёқлаб чиқади. Унинг таъкидлашича, бунда қонун мазмунига доир ҳеч қандай чекловлар, уни қабул қилишга ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмас.¹³

Парламентни давлат ҳокимиятнинг олий вакиллик ва яқка қонунчилик органи сифатида белгилаган Япония Конституциясида Парламент ваколатлари

¹¹ Heidotting Conley Patricia. Presidential Mandates: How Elections Shape the National Agenda. — University of Chicago Press, 2001, p.39.

¹² Уэйд Е., Филлипс Г. Конституционное право. -М., ИЛ, 1950, с. 70.

¹³ Бромхед П. Эволюция Британской конституции. М., ЮЛ, 1978, с. 199.

аниқ санаб кўрсатилмайди. Бу эса, ўз навбатида, Япония Парламенти чекланмаган ваколатли Парламент органи эканлигини тасдиқлайди.

Парламентнинг қонунчилик соҳасидаги ваколатларининг муайян доирага киритилиши, уни мутлақ чекланган ваколатли Парламент сифатида эътироф этиш имконини беради. Франция Конституциясининг 34, 35, 49-моддалари Парламент қонунчилик йўли билан ҳал қилиши мумкин бўлган масалалар рўйхатини белгилаб беради. Қолган масалалар билан асосан ҳукумат шуғулланади. Франция Парламенти ўз ваколоти доирасидан четга чиқиб қонун қабул қиладиган бўлса, бу ҳужжат Конституциявий Кенгашнинг хулосасига асосан ҳукумат декрети билан бекор қилиниши мумкин.

Ривожланаётган давлатлар Парламентлари ваколатларини ҳам кўп ҳолларда мутлақ чекланган ваколатлар сифатида қайд этиш мумкин. Сенегал, Габон каби илгари Франция мустамлакаси бўлган давлатларда Парламент, айнан, француз модели асосида жорий қилинган.

Нисбатан чекланган ваколатли Парламентлар кўпроқ учраб туради. Бу каби Парламентлар асосан федератив ёки марказлашмаган унитар тузилиш шаклига эга бўлган мамлакатларга хос. Сабаби, бундай давлатларда марказий ҳокимият органларининг ваколатлари федерация субъектлари ҳуқуқлари билан чекланади, шунга асосан Парламент фақат маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқи билан чекланган доирадагина ўз фаолиятини юритиши мумкин. Масалан, АҚШ Конгресси фақат Конституцияда аниқ кўрсатиб кўйилган ваколатларнигина амалга ошириши мумкин.

Испания Конституциясида ҳам шунга ўхшаш тартиб ўрнатилган бўлиб, унга биноан, Конституцияда бевосита давлат ваколоти доирасига киритилмаган масалалар, Автоном уюшмалар ихтиёрига уларнинг Низомларига асосан берилади.

Умуман олганда, Парламент қандай турдаги ваколатларга эга бўлиши кўп жиҳатдан унинг тузилиш ва бошқарув шаклига, сиёсий тартибига боғлиқ. Бундан ташқари Парламент ваколатларига бевосита давлатнинг демократиявийлик даражаси, у юритаётган сиёсат ҳам таъсир этиши мумкин. Масалан, Президентлик республикаларида Парламент ҳукуматни шакллантиришда деярли иштирок этмайди, ижроия ҳокимияти устидан назорати ҳам у қадар кенг эмас. Парламентар Республикаларда эса Парламент ижроия ҳокимиятини шакллантиришда фаол иштирок этади, ҳукумат раҳбарини сайлайди, фаолияти устидан кучли назорат олиб боради. Тоталитар сиёсий тизим шароитида Конституция ва жорий қонунларда Парламентга кенг ваколатлар берилиши мумкин, бироқ амалда улар қийинчилик билан ҳаётга тадбиқ қилинади.

Парламентнинг энг муҳим ваколатлари сифатида қонун қабул қилиш, молиявий функцияларни амалга ошириш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш кабиларни эътироф этиш мумкин.

Молиявий ваколатлар қаторига давлат бюджетини тасдиқлаш, солиқларни жорий қилиш киради. Давлат бюджети, одатда, қонун ҳужжати кўринишида қабул қилинади. Франция, Германия, Россия каби давлатларда айнан шундай тартиб ўрнатилган. Бироқ Япония, Буюк Британия, АҚШ каби давлатларда давлат бюджети дастур сифатида ишлаб чиқилади ва бир қанча қонунлардан таркиб топади.

Парламентнинг солиқларни жорий қилиш ваколати ниҳоятда муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Айнан шу ваколат орқали давлатнинг бутун иқтисодий ҳаётига таъсир кўрсатиш мумкин. Кўп ҳолларда бу ваколат бевосита Конституцияда кўрсатиб ўтилади Масалан, Болгария Конституциясининг 60-моддасига биноан, солиқ ва йиғимлар, бу соҳадаги имтиёз ва мажбуриятлар қонун билан белгиланади, уларни жорий қилиш Халқ мажлиси мутлақ ваколатига киради.

Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ҳам Парламентнинг ниҳоятда муҳим ваколатларидан бири ҳисобланади. Ратификация – у ёки бу шартномага қўшилишда давлатнинг сўнги розилигидир. Муайян вақт давомида халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ваколати анъанавий тарзда давлат бошлиғига берилган. Бироқ вақт ўтиши билан халқаро шартномалар давлат ички ҳуқуқ тизимида тобора чуқурроқ кириб борди, халқаро шарномани имзолаган давлатга ўз ички қонунчилигини унда кўрсатилган қоида ва тамойилларга мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилди. Ҳозирда халқаро шартномалар Германия ва Австрия Федерал Конституцияларига мувофиқ федерал ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Франция Конституциясига кўра эса, давлат томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар давлат чиқарган қонунлардан устун ҳисобланади.

Халқаро шартномаларнинг ички қонунчилик тизимида бу қадар кучли таъсири, Парламентнинг халқаро шартномаларга қўшилиш борасидаги ваколатни амалга оширишда иштироки заруратини келтириб чиқарди. Акс ҳолда, давлат раҳбари бу борадаги мутлақ ваколатидан фойдаланган ҳолда, хатто, Парламент қабул қилган қонунларни халқаро шартномага қўшилиш орқали ўзгартириши ёки умуман бекор қилиши мумкин бўлиб қолар эди.

Парламентнинг давлат механизмида тутган ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, Ж. Локк ва Ш. Монтескье каби давлат ҳокимиятининг бўлиниши ғояси тарафдорлари унинг ваколатларини асосан қонун ижодкорлигини амалга

ошириш билан чеклашга интилишган. Ж. Ж. Руссо эса давлат ҳокимиятининг яхлитлиги ҳақида сўз юритади ва қонунчилик органининг ижроия ҳокимиятни назорат қилиш ғоясини илгари суради¹⁴.

Замонавий Парламент – қонун қабул қилиш функциясини амалга оширувчи давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи. Бу функция ўз навбатида бир қатор молиявий ваколатларни, жумладан, давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш ваколатини ҳам қамраб олади. Давлат бошқарув тизимига қараб, Парламент ҳукуматни у ёки бу даражада назорат қилиш ваколатига ҳам эга ҳисобланади. Масалан, Испания Конституциясига мувофиқ, Генерал Кортеслар (Испания Парламенти) қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, давлат бюджетини қабул қилади ва ҳукумат фаолиятини назорат қилади. Бироқ жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, баъзи ҳолларда Парламентнинг ўзи ҳукумат сиёсати таъсири остида қолиб кетиши ва нисбатан мустақиллигини йўқотиши мумкин. Бу жараёни собиқ Совет давлатлари Парламентлари мисолида яққол кузатиш мумкин. Қолаверса, айрим ривожланаётган Африка ва Осиё мамлакатлари олий вакиллик органи гарчанд ривожланган мамлакатлар модели асосида шакллантирилган бўлсада, амалда реал ҳокимиятдан маҳрум ҳолда фаолият юритадилар.

Парламентнинг вакиллик хусусияти шундаки, у бутун миллат, фуқаролар номидан иш юритади. Шу сабабли кўп ҳолларда Парламентни номлашда “миллий”, “халқ” атамаларидан кенг фойдаланилади.

VII – XIX асрларда вужудга келган миллий вакиллик концепцияси қуйидаги тамойилларнинг мажмуи сифатида эътироф этилиши мумкин¹⁵:

1. Миллий вакиллик конституция воситасида жорий қилинади;
2. Суверенитетнинг мутлақ эгаси сифатида миллат Парламентга ўз номидан иш юритиш ваколатини беради;
3. Парламент аъзоси уни сайлаган фуқароларнинг эмас, балки бутун миллатнинг вакили ҳисобланади, шу сабабли ўз сайловчиларига қарам бўлмайди.

Л. Дюги ва М. Прело каби олимларнинг таъкидлашича, Парламент бутун миллат ўз номидан иш юритиш ваколатини берган орган, у халқ иродасини мустақил тарзда англаб етади ва конституция доирасида фаолият юритади, яъни Парламент ҳеч кимга, шу жумладан, фуқароларга ҳам бўйсунмаган

¹⁴ Heidotting Conley Patricia. Presidential Mandates: How Elections Shape the National Agenda. — University of Chicago Press, 2001, p.39.

¹⁵ История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство "Зерцало", 2000. – 123 с.

тарзда миллат манфаатидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб боради, унинг миллийлик хусусияти ҳам айнан шунда.¹⁶

Баъзи олимлар Парламентнинг вакиллик хусусиятига бу каби ёндашувни қоралаб чиққанлар, уларнинг фикрича бу ҳолат Парламентнинг демократик табиатини бутунлай йўққа чиқаради ва Парламентни фуқаролар таъсири доирасига тушириш имкониятидан маҳрум қилади.

Бироқ тажриба шуни кўрсатмоқдаки, амалда Парламентни тўлалигича фуқаролар таъсири доирасига тушириш жуда мушкул. Бу ҳолат, айниқса, икки палатали тизимга эга давлатлар мисолида яққолроқ кўринади. Жумладан, Франция Конституциясига асосан, Парламентнинг юқори палатаси – Сенат маъмурий-худудий бирликлар вакиллигини таъминлайди. Сенаторларнинг маъмурий-худудий бирликлар – департаментлар аҳолиси томонидан сайланишини ҳисобга олиб, бу вакилларни Парламентда тегишли департамент аҳолисининг бевосита манфаатини таъминлайди, деб ҳисоблаш мумкин эди. Аммо айнан департамент фуқаролари, сенаторга бевосита таъсир ўтказиш, уни назорат қилиш бўйича конституциявий имкониятдан маҳрум ҳисобланади. Бу ҳолат Парламент аъзосини сайловчиларнинг доимий таъсир доирасида ушлаб туриш имкониятини йўққа чиқаради.

Бунинг акси сифатида Германия Парламентининг юқори палатаси – Бундесратни келтириш мумкин. Бундесрат аъзолари Германия ерлари ҳукуматининг расмий вакиллари ҳисобланадилар ва ўз ҳукуматларига бўйсунушга мажбур ҳисобланадилар.¹⁷

Парламентнинг юридик нуқтаи назардан аҳоли таъсири доирасидан четда бўлиши, унинг демократиклик хусусиятини амалий жиҳатдан истисно қилмайди. Сабаби, Парламентни шакллантиришда партиялар муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида партия рўйхати асосида депутатлик ўринларига эга бўлган Парламент аъзолари аксарият ҳолларда партия кўрсатмаларидан четга чиқмайди, ўз навбатида партиялар келажакда Парламентдаги ўз ўринларини сақлаб қолиш мақсадида, сайловчиларнинг фикри, иродаси ва манфаатлари билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Бу ҳолат миллат иродаси ва депутат фаолияти ўртасидаги узвий боғлиқликни келтириб чиқаради.

Хорижий мамлакатларнинг Парламентлари ўз ваколатларини амалга оширишда бир қанча назорат функцияларини бажарадилар. Жумладан, Парламентлар маълум даражада суд тизимини шакллантиришда ҳам иштирок этади. Масалан, яна ўша АҚШ Конституциясига мувофиқ, Президент Сенат билан бамаслаҳат ва унинг розилиги билан Олий суд судьяларини тайинлайди.

¹⁶ Дюги Л. Конституционное право. -М., 1908, с.416 Прело М. Конституционное право Франции. -М., 1957, с.436

¹⁷ Государственное право Германии. М., ИГП РАН, 1994, с.51 .

Франция Парламенти Президентнинг давлатга хиёлати билан боғлиқ ишларни кўриб чиқувчи Одил судловнинг Юқори судини ва мансабдорлик жиноятлари бўйича ҳукм чиқарувчи Республика Одил судлов судини сайлайди. Германия Федерал Конституциясига мувофиқ, Парламент Конституциявий суд судьяларини ва Судьяларни сайлаш бўйича кўмита аъзоларини сайлайди.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан назорат олиб бориш ваколати ҳам айнан Парламентга берилади. Бу борада Япония Парламенти фаолияти анча яхши йўлга қўйилган. Япония Парламенти ўз ваколати нуқтаи назаридан ҳукуматга юқори даражада таъсир этиш имкониятига эга ҳисобланади, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Парламент ҳукумат фаолияти устидан назорат олиб боради.

Парламент назоратининг одатий шакли ҳар сессиянинг бошида Бош Вазирнинг ҳукумат сиёсати борасидаги ҳисоботига асосан ҳукумат сиёсатини умумий тарзда муҳокама қилиш ҳисобланади. Бироқ Япония парламентаризми тажрибасида анча кенг қўлланиладиган назорат шакли интерпелляция ҳисобланади. Назоратнинг бу кўринишини қўллаш ҳуқуқига Вакиллар палатасининг аъзолари эга. Интерпелляция ёзма тарзда палата раисига тақдим этилади, раис сўровни рад этиш ҳуқуқига эга, у бу ҳуқуқдан фойдаланган тақдирда сўров муаллифи палата пленумига мурожаат қилиши мумкин. Маҳкама етти кунлик муддат ичида депутат сўровига ёзма ёки оғзаки тарзда жавоб бериши лозим.

Парламентнинг муҳим назорат шаклларида бири бу Парламент тергови ҳисобланади. Япония Конституциясининг 62-моддасига мувофиқ, ҳар бир палата давлат бошқарувига доир терговларни юритиши, тергов давомида гувоҳларни жалб қилиши мумкин. Бундан ташқари у ёки бу юридик жараён қонун талабларига асосан амалга оширилганини текшириш мақсадида тегишли баённомаларни талаб қилиш ҳар бир палата ваколати доирасига киритилган.

Японияда Парламент тергови анча кенг қўлланиладиган жараён эканлигини қайд этиб ўтиш лозим, кўп ҳолларда Парламент тергови натижаси ўлароқ ҳукуматнинг йирик мансабдор шахслари жавобгарликка тортилган.

Маҳкамага ишончсизлик билдириш резолюциясига ҳам Парламент назоратининг натижаси сифатида қараш мумкин. Ишончсизлик резолюцияси, одатда, парламентарийлар ташаббусига кўра киритилади ёки ишончсизлик Бош Вазир томонидан тақдим этилган ҳукуматга ишонч билдириш резолюциясини рад этиш асосида амалга оширилади. Вакиллар палатаси томонидан ишончсизлик билдириш тўғрисидаги резолюция қабул қилинган ёки ҳукуматнинг ишонч билдириш тўғрисидаги резолюцияси рад этилган тақдирда, Маҳкама тўлиқ таркибда истеъфога чиқиши лозим. Бу тартиб ўн

кунлик муддат ичида вакиллар палатаси тарқатиб юборилмаган тақдирдагина қўлланилади.

Судлов ваколатларининг Парламент томонидан амалга оширилиши ноодатий ҳол, сабаби Парламентнинг бу ваколоти ҳокимиятлар тақсимланиш тамойилига бир қадар раҳна солиши мумкин. Бироқ жаҳон мамлакатларининг баъзи Парламентлари бевосита судлов функцияларини амалга ошириш имкониятига эга эканлигини кўриш мумкин.

Баъзи Парламентларга амнистия эълон қилиш ваколоти берилади. Амнистия эълон қилиш гарчанд судлов ваколоти бўлмасада, у ёки бу даражада суд ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган. Парламентга муайян давлатнинг бошқарув шакли, ҳудудий тузилиши нуқтаи назаридан бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

Парламент ҳақида сўз юритилар экан, шу ўринда парламентаризмга ҳам тавсиф бериш лозим.

***! Парламентаризм** — вакиллик қонун чиқарувчи орган бўлган Парламентнинг бошқа давлат органлари муносабатида расмий устувор бўладиган шароитда қонун чиқарувчилик ва ижро этувчилик вазифаларининг аниқ тақсимланиши билан ифодаланадиган бошқарув тизими.*

“Парламентаризм” атамасига тўхталадиган бўлсак, олимлар уни турлича таърифлайдилар. Одатда парламентаризм деганда, Парламент, унинг ривожланиши ва шаклланиш босқичлари ҳақидаги фикрлар, қарашлар ва ҳуқуқий меъёрларнинг йиғиндиси тушунилади. Парламентаризм тарихи эса Англияда 1215 йилда қабул қилинган “Буюк озодлик Хартияси”дан бошланади. Парламентаризмнинг бугунги кундаги ўрнини ва аҳамиятини куйидаги хусусиятларда ифодалаш мумкин:

Биринчидан, Парламентлар қонун қабул қилиш вазифасини бажаради. Бу билан инсон, жамият ва давлатнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда бирламчи қатламни яратишга имкон вужудга келади. Аксарият мамлакатларда қонун ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланиб, фуқаролар, давлат органлари, хўжалик ташкилотлари ва демократик институтларнинг қонунга риоя қилиши ўзига хос қатъий ижтимоий талабга айланиб бормоқда.

Иккинчидан, давлатнинг барча институтлари орасида Парламент халқ вакиллигининг ягона органи сифатида намоён бўлди. Бу Парламентни фуқаролар назарида барча учун демократик институт тарзида, партиялар ва ижтимоий ташкилотларга эса мақсад тарзида кўрсатади.

Учинчидан, ҳокимиятнинг учга бўлинишида Парламент асосий институт сифатида намоён бўлиб, ҳар бир давлат органига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ижтимоий манфаатларнинг жамланиши ва уларни очиқ билдириш имконияти Парламентни давлат ҳокимияти ва бошқа идоралари, “марказ” ва “худудлар” ўртасидаги тафовутни йўқотиш йўлида ҳамкорлик майдонига айлантиради. Аксарият давлатлар Парламентларининг доимий вазифаси ўз ваколати доирасида манфаатлар мувозанатини таъминлашдир.

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви натижасида Парламентлар олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Ижтимоий манфаатларни акс эттирувчи марказ сифатида унинг аҳамияти сезиларли даражада ортди. Ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш, плюралистик давлатда манфаатларнинг кўпқирралигини акс эттириш, давлат қарорларини бажариш, умумий жараёнга сезиларли таъсир кўрсатиш, айтилган анъананинг ўсаётган таъсирини кўрсатади. Парламентлар фаолияти ва уни ташкил этиш даражасини атрофлича ошириш зарурияти тобора ортмоқда. Шунинг учун, Парламентни ахборот билан таъминлаш, депутатларнинг касбий малакасини ошириш, қонун яратиш жараёнини, Парламент назоратининг шаклларини, ижтимоий фикрни жамлаш воситаларини такомиллаштириш каби вазифалар парламентаризм тажрибаси нисбатан бой бўлмаган ҳукуматларнинг кун тартибида турибди.

Парламентаризм босқичлари. Парламент ва парламентаризм тарихи бир неча асрларни ўз ичига олади. Агар биринчи Парламент XIII ёки XIV асрларда шакланган деб ҳисобласак, Парламент ва Парламентаризм тарихини тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич *Парламентаризм институтининг ўрнатилиши.* Бунда Парламент давлат органи сифатида ўрнатила бошланган. Парламент ўз ўрни ва ролини қидириб, биринчилик учун курашган; уни шакллантириш усуллари ишлаб чиқила бошланган (XIV - XIX асрлар)¹⁸.

Иккинчи босқич – парламентаризмнинг олтин даври – Парламент ва парламентаризм гуллаб-яшнаган давр. У ўз ичига Парламентаризм тарихида ёрқин из қолдирган XVIII асрнинг охири ва XX аср бошларини қамраб олади. Бу даврда Парламент сайлов цензи асосида шакллантирилган бўлиб, фақат бир синфнинг – туғилиб келаётган буржуазиянинг манфаатларини ифодалаган. Айнан шу даврда Парламент аёлни эркакка айлантиришдан ва эркакни аёлга айлантиришдан бошқа ҳар қандай ишни амалга ошира олади, деб айта бошлаганлар. Бу ибора унинг ўша вақтдаги куч-қудратидан далолат беради. Бу даврда аёллар сайлаш ҳуқуқига эга

¹⁸ История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство "Зерцало", 2000. – 302 с.

бўлмаган ва Парламент сайлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар гуруҳининг 10 фоизи томонидангина сайланган.

Учинчи босқични шартли равишда *парламентаризмнинг инқироз даври* деб аташ мумкин. XX асрнинг бошларида тараққий этган давлатларнинг кўпчилигида ҳолат ўзгарди: бошқа ижтимоий қатламлар ҳам сиёсий ҳаётда қатнашишни талаб қила бошладилар, ушбу қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи партиялар ташкил топа бошлади, цензли сайлаш ҳуқуқи анахронизм деб аталди. Парламент олдингидек қарорлар қабул қилишда тезкор бўлмай, у бир қатлам манфаатларини ифодалашдан тўхтади¹⁹.

Парламент ўз ўрнини ижро ҳокимиятига бўшатиб бериши кераклиги талаб қилинди ва ҳақиқатда ҳам ижро ҳокимияти лидерлик позициясини эгаллади. Инглиз профессори Женингс Парламентнинг вазифаси мамлакатни бошқариш эмас, балки жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир кўрсатиш ва ҳукумат хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, деб ҳисоблади²⁰. “Парламент инқирози” деярли узоқ вақт ҳукм сурди. Охирги йигирма йилликда эса Парламент ўзининг *парламентларнинг қайта тузилиши* деб аталувчи янги босқичига кўтарилди. XX асрнинг 70-90-йилларида Парламент халқ йиғилишининг фаол ва вакиллик органига айланди.

Замонавий парламентаризмнинг муҳим жиҳатларидан бири қонунчилик органи таркибидаги палаталар миқдоридир. Айни пайтда қонунчилик ҳокимиятининг бир палатали ва икки палатали шакли нисбатан кенг тарқалган. У ёки бу шаклни танлаш кўп жиҳатдан мамлакатнинг тарихий анъаналари, миллий хусусиятлари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда дунёнинг етакчи ва ривожланган давлатларида асосан икки палатали Парламентлар фаолият кўрсатади. Бундай ҳолатни ҳам федерал, ҳам унитар давлатлар мисолида кузатиш мумкин. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Голландия, Чехия, Польша, Япония, Швецария, Руминия каби унитар давлатлар шулар жумласидандир. Агар XX асрнинг 70-йилларида икки палатали Парламентлар 45 та давлатда амал қилган бўлса, XXI асрнинг бошига келиб уларнинг сони 70 тага етди. Бундан ташқари ўнлаб давлатларда икки палатали Парламент тузишга тайёргарлик кўрилмоқда.

¹⁹ История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство "Зерцало", 2000. – 235 б.

²⁰ Ўша ерда. 238 б.

2000 йилда аҳолисининг умумий сони 600 млн. кишини ташкил қилган 19 та Европа мамлакатларида икки палатали Парламент фаолият кўрсатди²¹. Бу эса жахонда асосан икки палатали Парламент тузиш анъанаси таркиб топаётганидан далолат беради.

2000 йилда аҳолисининг умумий сони 600 млн. кишини ташкил қилган 19 та Европа мамлакатларида икки палатали Парламент фаолият кўрсатди²². Бу эса жахонда асосан икки палатали Парламент тузиш анъанаси таркиб топаётганидан далолат беради.

2000 йилнинг 14-мартида Парижда бўлиб ўтган ҳуқуқий давлат қуриш ва демократияни мустахкамлашда икки палатали Парламентнинг ролини таҳлил қилишга бағишланган дунё сенаторларининг махсус форумида икки палатали Парламент ҳудудлар, майда ташкилотлар ҳамда давлатнинг алоҳида қисмларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиради, деган хулосага келинган.

“Парламент” сўзи универсал ва деярли дунёнинг ҳар бир мамлакатида тушунилади. Аммо турли давлатларда бу органнинг бошқача қабул қилинган номи мавжуд. Масалан, “конгресс” сўзини биринчи бўлиб америкаликлар қўллаган, кейинчалик бу тушунча Лотин Америкаси ва баъзи бир Осиё давлатларида қабул қилинган. Масалан, Венесуэла ва Филиппинда Парламент конгресс деб аталади,

Чилида эса Парламент миллий конгресс деб аталади. Мазкур тушунча, шунингдек Депутатлар палатаси (Люксембург), Миллий йиғилиш (Португалия, Иордания, Жанубий Корея, Панама, Покистон ва бошқалар), Федератив йиғилиш (федератив мамлакатларда), мажлис (кенгаш), Андорада - Бош мажлис, Сан-Маринода - Катта бош мажлис, Монакода - миллий мажлис, Швецияда - риксдаг, Исландияда - альтинг, Даниянида - фолькетинг, Норвегияда - стортинг сифатида ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. “Парламент” ва “парламентаризм” тушунчаларига изоҳ беринг.
2. Ваколатларига кўра Парламент қандай фарқланади?
3. Парламентаризмнинг ўрин ва аҳамиятини тушунтириб беринг.

1.2§. Ўзбекистонда олий давлат вакиллик органи – қонун чиқарувчи органнинг шаклланиши

²¹ История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство “Зерцало”, 2000. – 219 с.

²² История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство “Зерцало”, 2000. – 219 с.

Ўз келажаги ва тараққиёти хақида қайғурадиган ҳар қандай адолатли давлат, албатта, давлат бошқаруви ва давлат ҳокимиятини ташкил этишда демократия қонун-қоидалари ва тамойилларига таянади. Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб қўйди ҳамда давлат бошқарувида демократия йўлини танлаб олди. Бу мақсад йўлида эса Ўзбекистон кенг қамровли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширди. Бу ислохотларнинг марказида давлат ҳокимиятини ташкил этиш соҳаси долзарб масала сифатида кўтарилди. Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов мамлакат Парламентини ташкил этиш борасида қуйидаги фикрни билдирган эди: “Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади”²³. Шу ўринда сиёсий ҳаётни тубдан ўзгартириш ишларининг қўламини англаш учун собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай сиёсий мерос қолганини яна бир қарра эшлаш зарур. 1924 йилда амалга оширилган миллий-худудий чегараланиш натижасида ЎзССР ташкил топди²⁴. ЎзССРнинг 1927 йилги Конституцияси ЎзССР ташкил топган ва шаклланган даврда пайдо бўлган давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг тизими ва таркибий тузилишини мустаҳкамлаб берди. 1927 йилги Конституцияга биноан ЎзССР Советларининг съездлари, МИК, МИК Раёсати ва ХКС ЎзССРнинг қонун чиқарувчи органлари эди. 1927 йилги Конституция — очик овоз бериладиган кўп поғонали ва билвосита сайлов ҳуқуқини белгилаб берди. 1978 йил қабул қилинган янги Конституцияга кўра ҳам Олий Совет Ўзбекистон қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи сифатида ҳамон давлат қурилишининг энг муҳим масалаларини ҳал эта олмас эди. Бутун собиқ Иттифоқ даврида қонун чиқарувчи ҳокимият фақат бажарувчилик вазифаси билан фаолият олиб борди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач бундай чекловларнинг бари ортда қолди. 1991 йил 31 августда қабул қилинган — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида қайд этилганидек, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг

²³ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – б. 16

²⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”, 2000. –б.146.

Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади”²⁵. Кейинчалик, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида ҳам бу тизим қуйидагича белгиланди: “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади”²⁶. Ҳуқуқий асослар яратилгач, Ўзбекистон қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи – парламентни шакллантиришга қаратилган бир қатор ислохотларни амалга оширди. Ўзбекистон мустақилликни энди қўлга киритган пайтда 1990 йил 18-февраль ва 4-март кунлари ўтказилган сайлов натижаларига кўра сайланган қонун чиқарувчи ҳокимият органи – Олий Кенгаш фаолият юритар эди. Амалдаги, яъни Собиқ Игтifoқдан мерос бўлиб қолган қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Кенгаш бир палатали парламент бўлиб, республика мустақилликка эришгач ҳам у тарқатиб юборилмади, балки у ўз фаолиятини яна давом эттирди. 1990 йил 20 июнда —Мустақиллик Декларацияси қабул қилиниб, у давлат бошқарувида асосий қонун вазифасини бажариши белгиланди. Бу Декларация келгусида қабул қилинадиган Конституцияга тамал тошини қўйди ва Олий Кенгашнинг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Миллий Парламентаризмнинг шаклланишига назар ташлар эканмиз, уни шартли равишда уч учта асосий даврга бўлиш мумкин²⁷:

биринчи давр: 1991-1994 йиллар;

иккинчиси: 1995-2004 йиллар;

учинчи давр: 2005 йилдан ҳозирги пайтгача.

Биринчи давр: 1991-1994 йиллар. Ўтиш даври Парламенти деб аташ мумкин бўлган охириги чақириқ Олий Кенгаш давлат бошқарувининг мутлақо янги органларини ташкил этишнинг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий негизи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Парламент ёш давлатнинг суверенитетини мустақкамлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги

²⁵ Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – б. 74.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992. 11-модда.

²⁷ Парламент тарихи. <http://parliament.gov.uz/uz/about/history/index.php>

ва бошқа бир қатор қонунларни қабул қилди. Олий Кенгашнинг ўн иккинчи сессияси 1994 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди²⁸.

Уч босқичда (1994 йил 25 декабрда, 1995 йил 8 ва 22 январда) бўлиб ўтган сайлов якунларига биноан 245 нафар депутатдан иборат таркибдаги Парламент шакллантирилди. Сайлов кўп партиявийлик асосида ўтказилди.

Иккинчи давр: 1995-2004 йиллар. Олий Кенгаш ўрнига Ўзбекистон Республикасининг бир палатали Парламенти — Олий Мажлис шакллантирилди. *Биринчи чақириқ* (1995-1999 йиллар) Олий Мажлис таркибида Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан кўрсатилган 69 нафар, “Адолат” социал-демократик партиясидан 47, “Ватан тараққиёти” партиясидан 14 ва “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган 7 нафар депутат бўлиб, депутатларнинг қолган қисмини ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган шахслар ташкил этди²⁹.

Иккинчи чақириқ (2000-2004 йиллар) Олий Мажлисга сайлов ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда бешта сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирокида бўлиб ўтди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлисида 11 нафар депутатни бирлаштирган “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси, 10 нафар депутатдан иборат “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси, 20 нафар депутатга эга бўлган “Ватан тараққиёти” партияси фракцияси, 34 нафар депутат ташкил этган Фидокорлар миллий-демократик партияси фракцияси, 49 нафар депутатдан иборат Халқ-демократик партияси фракцияси, 107 нафар кишидан иборат ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ва 16 нафар сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоки рўйхатга олинди. Кейинчалик “Ватан тараққиёти” ва “Фидокорлар” партиялари битта “Фидокорлар” партиясига бирлашганлиги муносабати билан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида уларнинг Парламентдаги фракциялари аъзолари ҳам бирлашиб, 54 нафар депутатни бирлаштирган битта фракцияни ташкил этдилар.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлис таркибида сиёсий партияларнинг фракциялари ва депутатлар блокларидан ташқари қуйидаги 13 та кўмита ҳам фаолият кўрсатди:

- Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси;
- Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитаси;
- Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси;

²⁸ <http://parliament.gov.uz/uz/about/history/index.php>

²⁹ Ўша ерда

- Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси;
- Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси;
- Матбуот ва ахборот қўмитаси;
- Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси;
- Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси;
- Халқаро ишлар ва Парламентлараро алоқалар қўмитаси;
- Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси;
- Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси;
- Ёшлар ишлари қўмитаси;
- Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси.

Парламентда, шунингдек 3 та доимий комиссия ишлаган: Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси; Оила ва аёллар муаммолари комиссияси; Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси.

Мазкур босқичда қонун ижодкорлиги депутатлар ишининг бош йўналишига айланди. 1995-2004 йилларда Олий Мажлис 240 та қонун, 778 та қарор қабул қилди, амалдаги қонун ҳужжатларига 1573 та ўзгартиш ва қўшимча киритди, 130 тадан зиёд халқаро шартнома ва битимни ратификация қилди. Мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи мазкур босқичда давлат суверенитетини, фуқаролар тинчлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга, жамиятда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга кўмаклашадиган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишга интилди. Натижада Парламент мамлакатнинг демократик ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожланиб боришининг ҳуқуқий негизини анчагина кенгайтди ва мустаҳкамлади. Мисол учун, биринчи чақириқ Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунларда, бошқа қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асос солинган нормалар янада ривожлантирилди³⁰.

Парламент назорати ҳам Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари қонунлар, конвенциялар, миллий дастурлар ижросини назорат қилиш тартибида ҳар йили 60 га яқин масалани кўриб чиқдилар. Бундай назорат Қорақалпоғистон Республикаси, мамлакатнинг барча вилоятлари, шунингдек Тошкент шаҳрини қамраб олди. Бир палатали Олий Мажлиснинг назорат фаолиятини таҳлил этиш бир қатор қонуниятларни намоён этди. Биринчидан,

³⁰ <http://parliament.gov.uz/uz/about/history/index.php>

мамлакат тараққийетининг янги босқичини ва ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда муқаддам қабул қилинган қонунларни такомиллаштириш тамойили йил сайин кучая борди. Иккинчидан, қонун ижодкорлиги иши борган сари тармоқ тусини касб этиб, айрим соҳалардаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга интилди. Учинчидан, бир неча қўмита ва комиссияларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан тайёрланган ҳамда муҳокамага киритилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ортиб борди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ва икки палатали Парламентга ўтиш (2004 йил декабрь — 2005 йил январь).

Икки палатали Парламентга ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш асосида амалга оширилган конституцион ислохотлар, шунингдек асосий конституциявий қонунлар қабул қилиниши натижасида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилиб, у икки босқичдан иборат бўлди. Сайлов ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, сайлов участкаларига бўлинган 120 та сайлов округи ташкил этди. Сайловнинг биринчи босқичи 2004 йил 26 декабрь куни ўтказилиб, 62 нафар халқ ноиб, 2005 йил 9 январда бўлиб ўтган иккинчи босқичда Қонунчилик палатасига 58 нафар депутат сайланди. Сайловлар ҳам Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, ҳам сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари кўрсатган депутатликка номзодлар иштирокида бўлиб ўтди. Сайловда қуйидаги сиёсий партиялар иштирок этди: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий-демократик партияси (2000 йилнинг июнида “Фидокорлар” партияси “Ватан тараққийети” партияси билан бирлашган), Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, шунингдек Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси.

Учинчи давр. Миллий Парламентаризм ривож топишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар. Мамлакатимиз қонун чиқарувчиларининг ана шу тарихий анжуманида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов дастурий маъруза қилиб, унда жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилашнинг аниқ ва теран асосланган концепциясини, шунингдек мамлакатимизни 2005 йилда ва узоқ муддатли истиқболда ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишнинг асосий вазифаларини илгари сурди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг давлатимиз раҳбари томонидан олға сурилган устувор йўналишлари ҳамда аниқ мақсадли вазифалари асосида ишлаб чиқилган 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурини қабул қилди. Икки палатали Парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини албатта эшитиш амалиёти шаклланди.

Икки палатали қонун чиқарувчи Парламент олдида турган муҳим вазифалардан бири – жаҳон парламентаризми анъаналарини, демократик парламент тарзида ишлаш илмини ва парламент маданиятини пухта ўзлаштиришдан иборат эди. Бу вазифани адо этиш асосида кўплаб ислохотлар амалга оширилиб, Олий Мажлис фаолияти янада такомиллаштириб борилди. Икки палатали Олий Мажлис 2005-2009-йилларда ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлган 250 дан зиёд қонун қабул қилди³¹. Мазкур қабул қилинган қонунлар сифати такомиллашиб, халқнинг ҳуқуқий билими ва маданияти янада бойиб борди. Биринчи марта чақирилган икки палатали Парламент ваколат муддати тугагач, 2009 йил 27 декабрь куни сайловлар – 2010 йил 10 январь куни такрорий сайловлар демократия, муқобиллик ва ошкоралик руҳида бўлиб ўтди. Аввалги чақириқда Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат сайланган бўлса, бу галги сайловларда 150 нафар депутат сайланди. Улардан 15 нафари Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференциясида, 135 нафари сайловчилар томонидан сайланди. 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган “Сайлов тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг кучга кириши биринчи галда сиёсий партияларнинг фаоллигини оширишга кўмаклашган бўлса, иккинчи томондан уларга катта масъулият ҳам юклади. Яъни, ушбу қонунга мувофиқ, Қонунчилик палатасидаги 150 та депутатлик ўрнидан 135 тасига фақат сиёсий партиялар номзод кўрсатиш, ҳуқуқига эга бўлди, 15 та ўрин эса, сайлов квотасига биноан, Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди. Сайлов


³¹ Таджиханов У., Одилқориев Ҳ., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001. – б. 559.

натижасига кўра Қонунчилик палатасида Халқ демократик партияси–32, “Адолат” социал-демократик партияси–19, Миллий тикланиш демократик партияси–31, Ўзбекистон либерал-демократик партияси–53, Ўзбекистон Экологик ҳаракати–15 ўринга эга бўлди. 2014 йил иккинчи чақириқ икки палатали Олий Мажлиснинг ваколат муддати тугаши муносабати билан декабрь ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида парламент сайловлари ташкил этилди. Сайлов яккунларига биноан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан 20 нафар депутат сайлангани маълум бўлди. 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакиллари бўлишди. Сайланган 150 депутатнинг 24 нафари хотин-қизлардан иборат бўлди. Шундай қилиб, парламентни бир палатали тизимдан икки палатали тизимга ўтказилиши халқнинг хоҳиш ва иродаси билан амалга оширилди. Аввало, бу ислохот учун қулай муҳит ва шарт-шароит яратиб олинди. Бу жиҳат халқнинг давлат томонидан ўтказилаётган чуқур ислохотлар ва модернизация жараёнларини қўллаб-қувватлашини исботи дейиш мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистонда миллий парламентаризмнинг шаклланиш даврларини айтиб беринг.
2. Бир палали Парламентдан икки палатали Парламентга ўтишнинг зарурати нималардан иборат эди?
3. Икки палатали Парламентга ўтилиши муносабати билан қонун ижодкорлигида қандай ўзгаришлар кузатилди?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тузилмаси



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тузилмаси



Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг намунавий тузилмаси



1.3§ Парламент фаолиятида фракцияларнинг ўрни

Парламент фаолиятида фракциялар ташкил этилиши муҳимдир.

! Фракция- лотин тилидаги *fractio* сўзидан олинган бўлиб, емириш, бузиб ташлаш деган маънони англатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 54-моддасида “Фракция — сиёсий партиядан сайланган депутатларнинг партиа манфаатларини парламент палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир³², деб белгилаб қўйилган. Фракциялар ташкил этишнинг хорижий тажрибасига назар ташлар эканмиз, турли мамлакатларда мазкур жараён турлича кечишини кўриш мумкин. Германия Федератив Республикаси Бундестаги Регламентининг 10-параграфига кўра, “айни бир партиага ёки айна бир йўналишдаги сиёсий мақсадларга эга бўлиб, ҳеч бир ўлкада ўзаро рақобатлашмайдиган партиаларга мансуб бўлган депутатлар бирлашмаси фракциялар ҳисобланади”³³. Болгария Халқ Мажлиси Регламентининг 16-моддасида эса бу хусусда шундай дейилган: “Хусусий, маҳаллий ва касбий манфаатларни ҳимоя қилувчи парламент гуруҳлари ташкил этилиши мумкин эмас”³⁴. Бундай тақиқлар бошқа давлатлар (Арманистон, Грузия, Украина, Франция) парламентларининг регламентларида ҳам мавжуд.

Партиявий фракциялар ташкил қилишда сон мезони ягона партиага мансуб депутатлар сонининг энг кам миқдори мавжудлигини билдиради. Унга биноан ҳозирги мамлакатлар парламент қонунчилиги бир-биридан анча фарқ қилади, чунки амалда бундай мезоннинг белгиланиши ҳар бир мамлакат учун ўзига хос бўлган кўплаб турли омилларни инобатга олишни талаб этади. Мазкур мезон ё депутатларнинг муайян энг кам сонини белгилаш орқали (Францияда – Миллий Мажлисида 20 нафар, Сенатда 10 нафар депутат; Австрия ва Швейцарияда – 5 нафар депутат ва ҳ.к.), ё палата умумий сонининг муайян фоизини белгилаш орқали (ГФР Бундестагида 5 %) таъминланади. Баъзан фракция ташкил қилиш учун бирор бир минимум умуман белгиланмайди, бунда биттадан ортик мандатга эга бўлган ҳар қандай мустақил партиа парламент гуруҳини ташкил қилишга ҳақли бўлади (Арманистон, Португалия)³⁵.

³² Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонун. 54- модда, 2005. www.lex.uz

³³ Федеративная Республика Германия: Конституция и законодательные акты. – М., 1992. – с. 216.

³⁴ Държавен вестник. – 1991. – Бр. 105; Бр. 1, 6. 43

³⁵ Очерки парламентского права. Парламенты мира. – М., 1991. – с. 257.

Партия фракцияси билан биргаликда депутатлар гуруҳлари деган тушунча ҳам мавжуд. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақли. Депутат фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли. Депутатнинг фракцияга ёки депутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади. Одатда Парламент фракцияси таркибига партиянинг етакчилари ва кўзга кўринган арбоблари киради. Парламент фракцияси партиявий интизом билан боғланган бўлади.

Партия фракциясига махсус органлар бошчилик қилади. Алоҳида муҳим овоз беришлардан олдин парламент фракциясилари кенгашиб олади. Парламент фракцияларини ташкил этиш ва улар фаолияти масалаларини парламент ва унинг палаталари регламентлари, шунингдек, конституциявий одатлар бошқариб туради. Фракция тузиш учун камида тўққиз нафар депутат бўлиши талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 55-моддасида белгиланишича, фракция тузиш учун яна қуйидаги жиҳатлар талаб қилинади: фракция ёки депутатлар гуруҳининг таъсис йиғилишини ўтказиш; фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш тўғрисидаги таъсис баённомасини қабул қилиш; фракция ёки депутатлар гуруҳи раҳбарини сайлаш зарур бўлади.³⁶ Фракция ёки депутатлар гуруҳининг раҳбари фракция ёки депутатлар гуруҳи тузилгани тўғрисидаги таъсис баённомасини Қонунчилик палатасига тақдим этади ва тегишли фракция ёки депутатлар гуруҳи тузилгани ҳақида Қонунчилик палатасига ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилади. Белгиланмаган тартибда тузилган депутатлар бирлашмалари фракция ёки депутатлар гуруҳи ҳуқуқларидан фойдаланмайди.

Қонунчилик палатаси фракция ва депутатлар гуруҳи тузилгани тўғрисида қарор қабул қилади, уни Қонунчилик палатаси мажлисида раислик қилувчи имзолайди. Фракциялар Қонунчилик палатасида ўз умумий манфаатларини ифодалаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида фракциялар блокига бирлашишлари мумкин. Депутатларнинг ярмидан кўпини бирлаштирган фракция ёки фракциялар блоки парламент кўпчилигини ташкил этади. Ташкилий жиҳатдан парламент кўпчилигига кирмаган фракция ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилиши мумкин. Ўзбекистон

³⁶ Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонун. 55- модда, 2005. www.lex.uz

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 58-моддасида парламент фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг ваколатлари белгилаб берилган³⁷. Унга кўра, парламент фракциялари Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади. Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан мунозараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади; келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўяди.

Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади. Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини депутатлар ўртасида тарқатади ва яна бир қатор ҳуқуқларга эга. Юқорида тилга олинган қонуннинг 61-моддасида фракциялар фаолиятининг тугатилиш ҳолатлари белгилаб берилган. Яъни, фракция ёки депутатлар гуруҳининг ўз ташаббусига биноан Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугаганда; фракция ёки депутатлар гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда; тегишли сиёсий партиянинг фаолияти тугатилганда. Фракциялар ёки депутатлар гуруҳлари фаолиятининг Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугашидан олдин тугатилиши Қонунчилик палатасининг қарори билан расмийлаштирилади.

Қонунчилик палатасида биринчи марта парламентдаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон-Либерал демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Адолат” социал-демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Айтилган вақтда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси тимсолида парламентдаги муҳолифат ташкил топди³⁸. Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллади. Шунини таъкидлаш керакки, парламентимиз суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва

³⁷ Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонун. 58- модда, 2005. www.lex.uz

³⁸ Беков И.У. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шаклланиши ва фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асослари. Юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2009. – б. 110.

либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди.

2017 йил мамлакат Парламенти учун туб бурилиш йили бўлди, десак хато қилмаймиз. Мамлакатда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб³⁹, у изчил амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Президентнинг 500 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатларда сиёсий партиялар дастурларига киритилган ва улар томонидан сайлов жараёнларида кўтарилган долзарб муаммоларнинг ечими бўйича ҳам чоралар белгиланган. Лекин уларнинг ижросини таъминлашда сиёсий партиялар фаоллиги сустдир. Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида⁴⁰ қайд қилиниб, унда Президент “сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди “мудраб ётган” сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак”⁴¹лигини таъкидлаб, мавжуд партиялар ва фракциялар фаолиятидаги камчиликларни кўрсатиб, уларни ҳал қилиш борасида тавсиялар берди. “Ҳаракатлар стратегияси ва унинг асосида қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашда сиёсий партиялар, Олий Мажлис палаталари ўз электорати манфаатлари, сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишлар, ваколатларидан келиб чиқиб, ўз ғоя ва таклифлари билан фаол қатнашиши лозим.

Айниқса, партиялар бундан манфаатдор, чунки Ҳаракатлар стратегиясининг босқичма-босқич, сифатли амалга оширилишини таъминлаш орқали улар ҳам ўз дастурий вазифаларини амалда бажаришга эришади.

Айни пайтда шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан партияларнинг фаоллигига боғлиқ. Хусусан, биз келгусида вилоят, туман,

³⁹ Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036

⁴⁰ Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижросиси бўлиши керак. \\\Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/> 20.08. 2017 й.

⁴¹ Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижросиси бўлиши керак. \\\Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/> 20.08. 2017 й.

шаҳар ҳокимларини сайлаш тартибини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар белгиладик. Бироқ ана шу илғор, демократик ғояни ҳаётга татбиқ этиш учун, аввало, сиёсий партиялар бу масъулиятли лавозимларга ўз номзодларини кўрсатишга тайёр бўлиши, салоҳиятли кадрлар захирасига эга бўлмоғи лозим.

Сизларнинг фаоллигингиз, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасининг ўсиб, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, келгусида Ҳукумат таркибини, жумладан, вазирлар, давлат қўмиталари раислари лавозимларини сайлов якунлари бўйича эришилган депутатлик ўринларини инобатга олиб, сиёсий партиялар томонидан таклиф этиш тизимига ўтамиз.

Бир фикрни такрор ва такрор айтишни ўринли, деб биламан: олиб бораётган ислохотларимизнинг муваффақияти, авваламбор, сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг жонажон Ватанимиз олдидаги масъулиятни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир”, - деди Ш.Мирзиёев ўз нутқида⁴².

Фракциялар фаолиятини кучайтириш Парламентга халқнинг ишончи ортишига олиб келади. Бунда албатта Парламент журналистикаси муҳим аҳамият касб этади.

Назорат учун саволлар:

1. Парламент фаолиятида фракциялар қандай аҳамиятга эга?
2. Фракцияларни ташкил этиш ва тугатиш тартиби қандай?
3. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли қандай бўлиши керак?

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ТАРИХ ВА БУГУН

2.1. § Парламент журналистикасининг пайдо бўлиш омиллари ва конституциявий асослари

Парламент журналистикасининг шаклланиши бевосита Парламентнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, унинг илк кўриниши сиёсий

⁴² Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. \\\Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/> 20.08. 2017 й.

публицистика сифатида намоён бўлган. Зеро, сиёсий публицистика сиёсий ҳаётда юз бераётган муҳим ва долзарб воқеа-ҳодисаларга эътибор қаратиб, уларни тадқиқ, таҳлил қилишда, жамоатчилик эътиборини шу жараёнга жалб этиб, улар онгига таъсир кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга. Тарихга назар ташлар эканмиз, Туркистон халқлари, жумладан, ўзбек халқи ёзма ижодининг тарихий томирлари жуда қадим замонларга бориб тақалишини кўриш мумкин. Қадимда нотиклик, воизлик, қаландарлик кўринишидаги фаолият ҳозирги публицистиканинг илк кўринишлари сифатида ривож топган.⁴³ Илк ёзма ёдгорликлардан Ўрхун-Энасой битиклари публицистик чақириқ руҳига тўлаллиги билан ижтимоий фикрга таъсир ўтказган. Бу битиклар нафақат бадий адабиёт, балки публицистиканинг ҳам қадимий ва илк намунасидир.

Милоддан аввалги V асрда Эрон шоҳи Доро I Гистасп ўғли фармони билан Беғустун қоясига ўйиб ёздирилган тош битикдан қадимги тарих ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Тош битиклар тарихгина эмас, балки публицистиканинг ҳам илк ёдгорликлари, десак муболаға бўлмайди.

Мўғулистоннинг Баин Цокто манзилдан топилган Тунюқуқ битиги бу борада ғоят қимматли манба ҳисобланади. VIII аср тарихидан ахборот берувчи бу манба турк хоқони Элтаришнинг саркардаси Тунюқуққа бағишланган бўлиб, 712-716 йилларда битилган. Унда лашкарбошининг фаолияти, юрт мудофааси ва бошқарувига доир тадбирлари ҳикоя қилинади. Мард саркарданинг хизматлари юқори баҳоланади, тадбиркорлиги ва жасорати кўп ғалабаларнинг гарови сифатида таъкидланади. Битикдан парчани ўқир эканмиз, сиёсий публицистиканинг илк кўринишлари мазкур битикда ўз аксини топганига гувоҳ бўламиз: “Турк халқи ўзининг хони билан ҳам бўлмай, Табғач хоқонлигига кўшилди. Тангри шундай деган экан: Хон бердим. Хонингни кўйиб таслим бўлдинг. Табғачга таслим бўлгани учун тангри ўл деган шекилли”.⁴⁴

Тунюқуқ битиги юксак савияда ёзилганлиги, ҳокимиятни сақлаб қолишга ва ижтимоий фикр жараёнига кучли таъсир кўрсатганлиги билан аҳамиятлидир. У сиёсий-ижтимоий шарҳлар, давлат арбобининг фаолияти, салтанатни бошқариш тажрибалари тўғрисидаги мулоҳазалар сифатида эътиборлидир.

Тунюқуқ ўз фаолиятини баён этар экан, шундай дейди: “Қопағон хон йигирма етти ёшида тахтга чиқди, кундуз ўтирмади, кеча ухламади. Мен ҳам қизил қонимни тўкиб, қора теримни оқизиб, унинг хизматида бўлдим. Элтариш хоқон ҳиммат қилмаса ёки ишламаса эди ва мен ҳам ишламасайдим, бирлашган турк юрти эгасиз қоларди. Улар билан бирга бўлганим боис турк миллати

⁴³ Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. – Т.: Академия, 2000. 67 б.

⁴⁴ Ўша манба

бирликка эришди. Бугун Билга хокон ана шу хизматларнинг шарофати билан турк ва Ўғуз миллатини идора этмоқда”.⁴⁵

Ўрхун-Энасой битикларида акс эттирилган давлатни бошқариш хусусидаги фикрлар, қарашлар бугунги қонунчилигимизга ҳам мос. Бу эса, ўз навбатида, демократик давлат куриш ғояси ва бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар азал-азалдан халқимиз дунёқарашининг асосий тамойилларидан бири бўлган, деган хулосага келишимизга асос яратади.

Ўзбек халқи шаклланишининг иккинчи босқичи ва ўша даврдаги салтанатлар тарихи ҳақидаги ёзма манбааларда ҳам сиёсий публицистика бўй кўрсатади. Маҳмуд Қошқарийнинг “Девони луғотит турк” асари ҳам ана шундай бебаҳо дурдоналардан биридир.⁴⁶ Бу асар ўз даври маданий ҳаёти учун янги саҳифа очган эди. Унинг аҳамияти бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини сақлаб турибди. “Девон”да туркий сўзларнинг изоҳига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса-да, ундан ажодларимизнинг руҳиятини, миллий шуурини, маданий, ижтимоий-сиёсий турмуш тарзини англаймиз.

XI-XIII асрлар воқеалари ҳақидаги ахборотлар Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида ҳам келтирилган.⁴⁷ Буюк бобокалонимиз Амир Темур мактубларини ҳам сиёсий публицистиканинг ёрқин намунаси, дейиш мумкин.

“Қудратли ва музаффар хукмдор, – деб ёзади у Франция қиролига, – шавкатли қироллар ва ном таратган подшолар ўзларининг диний мазҳабларидан, забони, дунёқараш ва қонунларининг турли-туманлигидан қатъи назар, хоҳиш билдириб, иттифоқ бўлсалар, ошна тутинсалар, улар қўл остидаги аҳли фуқаронинг ҳам тинч-осойишталиги таъминланган бўлур эди”.⁴⁸

Шундай намуналарни биз Навоийнинг ижтимоий-публицистик хатларида ҳам кўрамиз. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий, бадий публицистик асарлари “Муншаот” тўпламида жамланган.⁴⁹ Бу асарда хат публицистикасининг асосий белгилари шаклланган. Шу боис Алишер Навоийни ўзбек хат публицистикасининг асосчиларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Публицистик жанрлар назарияси бўйича тадқиқотлар олиб борган олим Очил Тоғаевнинг фикрича, сиёсий публицистикнинг хатида ижтимоий-сиёсий тафаккур муҳим ўрин тутди. Навоий хатларида муҳим ижтимоий масалаларни фақат шунга бевосита дахлдор кишилар орасида талқин этади, уларнинг онгига сингдириш вазифасини ўз олдига қўяди. Ана шундай тарбиявий аҳамияти

⁴⁵ Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. – Т.: Академия, 2000. 68 б.

⁴⁶ Ўша манба. 73 б.

⁴⁷ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. – Т.: Адолат, 1997, 204 б.

⁴⁸ Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. – Т.: Академия, 2000. 123 б.

⁴⁹ Ўша манба. -89 б.

билан Навоий хатлари бир жиҳатдан Кайковуснинг “Қобуснома”сига яқин туради⁵⁰.

Навоий хатларида ўз ватани, халқи ҳақида ғамхўрлик туйғуси билан яшаган, халқ аҳволини яхшилаш ҳақида кўп ўйлаган, ўз сиёсий тушунчаларига мувофиқ амалий тадбирлар таклиф этган фуқаропарвар шоирнинг оташин овози эшитилиб туради. Бу эса, ўз навбатида, Навоий хатларининг ижтимоий-публицистик аҳамиятини белгилайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари⁵¹ Туркистон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид маълумотларни ўз ичига олган ва ўша давр публицистикасининг ёрқин намунасидир. Унинг ҳар бир саҳифасида таҳлилий публицистикани кўриш мумкин. Йўл, саёҳат ва портрет очерки, хат ва публицистиканинг турли жанрлари мазкур асар асосини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий публицистиканинг тарихий илдизлари юртимизда оғзаки ва ёзма ахборот шакллариининг вужудга келишига бориб тақалади. Дастлабки ёзма матнларда ҳам, ўтмишдаги ўзбек адиблари ва алломалари ижодида ҳам сиёсий публицистика белгиларини кўришимиз мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, қадимги тош битиклари, илк ёзма манбалар, Махмуд Қошқарийнинг “Девони луғотит турк”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарлари, Алишер Навоийнинг “Муншаот” тўплами, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ҳамда Амир Темурнинг хат ёзишмаларида сиёсий публицистика руҳи бўй кўрсатган.

Ўзбекистонда сиёсий публицистиканинг вужудга келиши ҳақида гап кетганда, беихтиёр жадидлар публицистикаси кўз олдимизда намоён бўлади. Боиси жадидлар сиёсий фаолиятининг негизи, озодлик ғоялари жадидлар публицистикасида намоён бўлди. Жадидлар мазлум халқни озодлик курашига даъват этиб, публицистик асарлар яратишди. Шу ўринда Абдурауф Фитратнинг қуйидаги сатрларини келтириш kifоя: “Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси. Сенга на бўлди. Дунёни “Урхавалари” билан титратган йўлбарс болаларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир?... нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун қўйдилар”⁵². Ёхуд “Эллик йилдан бери, — деб ёзган эди Фитрат, — эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди. Тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди, молимиз таланди. Шарафимиз емирилди, номусимиз ғасп қилинди. Инсонийлигимиз оёқости қилинди. Тузумли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар бир буйруққа бўйсундик. Бутун борлигимизни бердик”⁵³.

⁵⁰ Ўша манба. — Т.: Академия, 2000. 124 б

⁵¹ Абдуазизова Н. Туркистон матуботи тарихи. — Т.: Академия, 2000. 134 б.

⁵² “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992, 5 июнь

⁵³ “Шарқ юлдузи”, 1992 йил, 10-сон, 173 б.

Жадидлар мустамлакачиларга қарши биринчи навбатда, халқнинг саводини чиқариш ва жаҳон андозаси даражасида билимини ошириш орқали курашга киришдилар. Ўша давр ҳаётининг мазкур долзарб жараёнлари Бехбудийнинг “Эҳтиёж миллат” (1909), Ҳамзанинг “Муаллиф афандиларга улуғ рижомиз” (1914) ва Чўлпоннинг “Дўхтир Муҳаммадёр” (1915) сингари мақолаларида баён этилди. Жадидлар матбуотида эълон қилинган сиёсий публицистик асарлар орқали халқнинг кўзини очишга ҳаракат қилинди. Улар 1905 йилда “Ўрта Осиёнинг умр гулзаронлиги” номли газета чиқариб, унда ҳаётий муаммолар ёритилган публицистик материаллар эълон қилишди. Икки ойдан сўнг мазкур газета ёпилди.

1906 йилда жадидларнинг “Тараққий” газетаси ташкил этилиб, унда маориф ислохотларини ўтказишга ундовчи фикр-мулоҳазалар, ўлка сиёсий тизимини танқид қилиш ва мусулмонларнинг бирлигини таъминлашга қаратилган публицистик мақолалар чоп этилди. Афсуски, бу газета ҳам узоқ умр кўрмади. 1906 йилнинг сентябрида “Хуршид” газетаси чиқа бошлаб, унда эҳтиётлик билан сиёсий-ижтимоий бошқарув тизими танқид қилинди ҳамда халқнинг сиёсий онгини уйғотувчи мақолалар чиқарилди⁵⁴. Бу газета ҳам ўша йилнинг ўзидаёқ ёпилиб, 1908 йилдан “Шуҳрат” номли жадид газетаси чиқди. Унда Бехбудийнинг сиёсий ҳаётга доир ўткир сиёсий публицистик асарлари чоп этилди. Бу газета ҳам ёпиб юборилишига қарамай, жадидлар, 1913-1915 йиллар орасида “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” “Жонли тил”, “Бухорои шариф” ва “Турон” газеталарини ҳамда “Ал-ислоҳ” ва “Ойна” журналларини чиқаришга мушарраф бўлдилар. Уларда сиёсий ислохотларга доир долзарб публицистик материаллар чоп этилди.

Жадидлар орзусидаги давлат тузуми Бехбудий публицистикасида қуйидагича таърифланади: “Биз жорий этган қонунлар яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман, барчанинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргаликда ислохотлар ўтказишни истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, руҳонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак... Агар бизни мустамлакачилик қонунлари билан бошқараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоқлигимиздир!”⁵⁵

“Тарихдан яхши маълумки, - деб ёзади Бехбудий, - “Ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва

⁵⁴ Абдуазизова Н. Туркистон матуботи тарихи. – Т.: Академия, 2000. 137 б.

⁵⁵ Бехбудий М. Баёни ҳақиқат // “Улуғ Туркистон”. 1917. 12 июнь

миллатимизга таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ”⁵⁶.

Жадид публицистикасининг ривожини яна шу факт билан тасдиқлаш мумкинки, инқилобдан аввал унда кўтарилган масалалар фақат миллатнинг ички ҳаёти билангина чегараланиб қолганди, энди эса тематика кенгайди, мазмун чуқурлашади, муаллифлар дадиллик билан халқаро сиёсий ҳаёт ҳодисаларига мурожаат қила бошлайдилар. Бироқ бунда ҳам улар ўзларининг бош мақсадларини унутмадилар – йирик давлатларнинг шовинистик сиёсатларини фош қилиб, мустамлакачиликни кескин рад қилиш йўлидан борадилар. Бу жиҳатдан, яна Фитрат фаолияти диққатга сазовор. У бу йилларда — “Инглиз ўйинлари” (“Хуррият” 1918 й. 64-сон), “Инглиз ва Туркистон” (“Хуррият”, 1918 й. 32-сон), “Афғонистон ишлари” (“Иштирокиюн”, 1919 й. 30 апрель), “Афғон ва инглиз сулҳи” (“Иштирокиюн”, 1919 й. 13 сентябрь), “Шарқ сиёсати” (“Иштирокиюн”, 1919 й. 25-26 сентябрь) каби мақолаларни эълон қилдики, уларда империалистик кучларнинг мустамлакачилик сиёсатларини кескин фош қилди. Масалан, “Шарқ сиёсати” мақоласида ёзади:

“Уларнинг тилаклари бизга маданият бериб, бизда маориф тарқатиш, бизни тараққий эттириш эмас, фоҳишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соғлиғимизни хароб этмоқ ва уруғимизни қуритиб, бизни ишдан чиқармоқ ва қўлларига мухтож қилиб қўймоқдир. Шарқни ўзларига моя қилмоқчи эдурлар”.

Бу парча ҳеч қандай изоҳга мухтож эмас — унинг салмоғи ва теранлиги бугун ҳам яққол кўриниб турибди.

Чўлпон ҳам ўзининг 20-йиллардаги публицистикасида ички муаммолар ҳақида ёзиш билан бирга, халқаро долзарб сиёсий мавзуларда ҳам қалам тебратиб, мустамлакачилик сиёсатини фош қилишга катта ҳисса қўшди. Фақат унинг ўзига хослиги шунда эдики, у Фитратга ўхшаб умуман шарқ ҳақида эмас, балки муайян мамлакатлар, муайян халқларнинг кураши ҳақида ёзди.

Жадидларнинг ана шу ва шунга ўхшаш яна бошқа ўнлаб публицистик асарлари ўша кезларда ўзбек халқининг миллий онгини уйғотишда катта роль ўйнади ва унинг қалбида миллий ифтихор туйғуларини жўш олдирди⁵⁷.

Хулоса қилиб айтганда, жадидчилик матбуоти майдонга келиши билан сиёсий публицистика тараққиётига кенг йўл очилди. Бу борада Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва Мунавварқориларнинг хизмати катта бўлди. Уларнинг матбуотда эълон қилинган ўткир мушоҳада, таҳлил ва танқидга йўғрилган мақолалари ўша давр кишилари ҳаёти, тафаккури ва дунёкарашига таъсир

⁵⁶ Абдуазизова Н. Туркистон матуботи тарихи. – Т.: Академия, 2000. 139 б.

⁵⁷ Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тарққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. 29 б.

ўтказа олди. Ўз навбатида сиёсий публицистика Парламент журналистиканинг вужудга келишига замин яратди.

Собик Иттифоқ даврида Ўзбекистон Коммунистик Партияси фаолиятини “Совет Ўзбекистони” газетаси изчил ёритиб келган бўлса, жойларда вилоят ва туман газеталарининг барчаси партия нашрлари ҳисобланган.

1991 йилнинг 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди. Ёш давлат олдида турган асосий вазифа мутлақо янги бўлган Парламентни шакллантириш эди. XX асрнинг 90-йилларида икки палатали Парламентнинг моҳиятини кўпчилик англаб етиши қийин эди. Шунинг учун муайян даврда тарғибот ишлари олиб борилди. Давлат тизимида, аҳоли орасида Парламент демократияси, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тушунтирилди, кўникмалар мустақамланди. Агар шундай қилинмаса, бу борада етарли тажрибанинг мавжуд эмаслиги, икки палатали Парламентнинг ишлаш механизмини яхши тушунмаслик ҳоллари келиб чиқиш эҳтимоли йўқ эмасди. Шуларни инобатга олиб, бу борадаги ислохотлар босқичма-босқич олиб борилди. Дастлаб бир палатали миллий Парламент шакллантирилди ва ёш мустақил давлатнинг демократик сиёсий тизими яратилди. Бу адолатли фуқаролик жамияти, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларнинг ҳуқуқий негизини яратиш, профессионал асосда ишлайдиган Парламентни шакллантириш бўйича тажриба тўплашда катта аҳамиятга эга бўлди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни шакллантиришда дунё Парламентларининг энг яхши тажрибалари ўрганилиб, собик Совет тузуми даврида Парламентнинг фаолият юритиши мобайнида тўпланган энг яхши тажрибалар сақлаган ҳолда, ислохотларни босқичма-босқич ривожлантириш усулига асосланиб, янги Парламентга асос солинди. Хорижий давлатларнинг ривожланиш тажрибаларидан фойдаланиш зарурлигини Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ўз чиқишларида бир неча марта таъкидлаган эди: “Ўзбекистон бошқа давлатларнинг тараққиёти жараёнида тўплаган ва республикамиз шароитида тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз фойдаланади”⁵⁸.

Бир палатали Парламентларнинг афзалликлари тузилишининг соддалиги ва ихчамлиги, аҳоли томонидан тўғридан-тўғри сайланиши, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига оид масалаларни ечишда катта ваколатларга эга бўлиши, қарор ва қонунлар бирмунча соддароқ кўринишда ишлаб чиқилишида кўринади. Шу билан бирга, бир палатали Парламентнинг заиф томонлари ҳам бор. Чунончи, бир палатали Парламент давлатнинг ҳудудий бирликлари

⁵⁸ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устивор мақсадими. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 28 январь.

вакиллигини тўлиқ таъминлай олмайди, Парламентнинг радикаллашуви, унда партиявий яккаҳоқимлик ҳоллари кучайиши, Парламент бошқа давлат органларига қарши туриб, барча вазифаларни ўз зиммасига олиши мумкин.

Икки палатали (бикамерализм) Парламентлар мураккаб тузилишга эга бўлган федератив давлатларда шакллантирилади. Одатда, федератив давлатларнинг юқори палаталари унинг субъектлари вакилларидан таркиб топади. Бундай Парламент унитар, яъни марказлашган давлатга мос эмас, деган нуқтаи назар ҳам мавжуд. Бироқ икки палатали Парламентларнинг сони, аксинча, унитар давлатларда ҳам ортиб бориб, улар ҳозир дунёнинг етмишта мамлакатада фаолият кўрсатмоқда⁵⁹.

Парламентнинг икки палатали шаклда ташкил этилиши натижасида жамиятнинг барча қатламлари кенг қамраб олинади. Бунда ҳудудларнинг хусусиятлари тўла ақс этади. Шунингдек, ҳар икки палата депутатларига нисбатан юқори талаблар қўйилади. Юқори палата таркибида малакаси, тажрибаси кўпроқ, ҳурмати ва ёши улуғ кишилар бўлса, қуйи палата депутатлари орасида эса, асосан юксак касб маҳорати ва ишчанлик қобилиятига катта эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳам юқори палата қуйи палатани мувозанатлаштириб туради ва унинг қарорларини такомиллаштиради. Энг муҳими, ортиқча эҳтиросларга йўл қўймайди, партия таъсирини умумдавлат манфаатлари фойдасига ҳал қилиш билан бирга қуйи палата радикаллашувининг олдини олади. Бундан ташқари, профессионал Парламентнинг ривожланиши сиёсий партияларнинг ўзаро рақобати, аҳоли турли қатламларининг қонунчилик жараёнида иштирок этишида намоён бўлади. Икки палатали Парламентнинг тузилиши қуйи палатани профессионал асосда шакллантиришга имкон беради.

Ўзбекистонда парламентаризм ва замонавий Парламентнинг қарор топиши, Парламент ҳуқуқининг замонавий назарияси, халқаро тажрибаси ютуқларини қўллаш жараёни босқичма босқич шаклланган бўлиб, у мамлакатда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг оптимал моделини излаш, унинг ваколатлари ва мақомини белгилаш билан боғлиқ ишлар олиб борилди. Парламент ислохотининг янги босқичига ўтиш ғояси 2000 йил 25-26 май кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида Биринчи Президент И.Каримов томонидан илгари сурилиб, миллий парламентаризмни ривожлантириш ва янада такомиллаштириш мақсадида яқин истиқболда икки палатали қонун чиқарувчи орган яратиш лозимлиги асослаб берилди. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий тараққиётининг навбатдаги босқичи бир

⁵⁹ Парламент мақоми ва ваколатлари. <http://huquqburch.uz/uz/view/1192>

палатадан кўра мураккаброқ бўлган, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни янада барқарор бўлишини таъминлаш мақсадида икки палатадан иборат қонун чиқарувчи идора ташкил этилишини тақозо этди. Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди⁶⁰. Қонун Конституцияга ва бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали Парламентга айлантирилди. Доимий равишда, профессионал асосида ишлайдиган Қонунчилик палата кўппартиявийлик, муқобиллик асосида шакллантирилиши демократиянинг ёрқин ифодаси бўлиб, ҳозирги кунда самарали фаолият юритмоқда, унинг тажрибаси ҳам, иш самарадорлиги ҳам борган сари ортиб, янги вазифаларни бажариш салоҳияти юксалиб боради. Икки палатали Парламентга ўтилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг чинакам демократик тақсимланишга олиб келди.

Ўзбекистонда икки палатали Парламентнинг қарор топиши давлатчилигимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берди. 2004 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтган сайловлар (2005 йил 9 январда амалга оширилган такрорий овоз бериш) натижасида Ўзбекистон Республикасида илк бор икки палатали Парламентнинг қуйи палатаси - Қонунчилик палатаси шакллантирилди. Сўнгра, Конституцияга мувофиқ, 2005 йилнинг 17-20 январь кунлари республикамиз маҳаллий ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси - Сенатга сайлов ўтказилди. Сенат аъзолигига номзодларни оқсоқоллар кенгашлари Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, катта амалий тажрибага эга бўлган энг обрўли депутатлари орасидан кўрсатдилар. Шунингдек, Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ тайинланди.

2005 йилнинг 28 январь куни эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни чуқурлаштириш, Парламент

⁶⁰ Саидов. А. Ўзбекистонда парламентнинг шаклланиши ва фаолиятнинг конституциявий - ҳуқуқий аолари. Маъруза матнлари. –Т., 2013. 11 б.

олдида турган асосий вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Маърузада “давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат” - деб таъкидланди⁶¹.

Парламент палаталарининг тенглик принципи қуйидаги ҳолатда кўзга ташланади:

- палаталардаги депутатлар сони деярли тенг бўлади;
- палаталар деярли бир вақтда ўз фаолиятини бошлайди;
- бир палатада кўриб чиқиладиган масала иккинчи бир палатанинг кун тартибида ҳам кўриб чиқилади, яъни Парламент кун тартиби ягона бўлади (қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва шу кабилар);
- палаталарда қўшма мажлислар тез-тез ўтказилиб туради;
- иккала палата манфаатлари бир тилда ҳимоя қилинади ва уларга тенг имкониятлар берилади (масалан, Парламентнинг раиси бўлмаса, қўшма мажлисларни палаталарнинг раислари навбатма-навбат олиб боради);
- палаталарнинг доимий ёки вақтинча иш олиб борувчи ишчи органларини яратишда ҳар иккала палатадан тенг миқдорда вакиллар бўлади;
- палаталар ўртасида ихтилофлар бўлишига йўл қўйилмайди, улар бир вақтда ўз фаолиятини якунлайдилар.

Шундай қилиб, палаталарнинг тенглиги принципида Парламент яхлит ҳолда иш олиб боради.

Қуйи ва юқори палаталар принципи амалга ошганда қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

- палаталар биргаликда иш олиб бормаيدилар;
- ҳар бир палатанинг ўз ваколатлари мавжуд бўлади;
- ҳар бир палата муаммоли масалаларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этади;
- палаталар бир вақтнинг ўзида ёки турли даврда иш олиб бориши мумкин;
- палаталар биргаликда умумий иш юритувчи органлар тузмайдилар;
- палаталардаги депутатлар сони турлича бўлади.

Ўзбекистон Парламенти – Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикасининг доимий амал қилувчи вакиллик ва қонун чиқарувчи органи бўлиб, Қонунчилик палатаси номли қуйи палата ва Сенат номли юқори палатадан иборат. Парламентимизнинг ушбу тарзда фаолият юритишига “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги конституциявий қонун (2002 йил 26 декабрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонун (2002 йил 26

⁶¹ Икки палатали тизим. <http://lex.uz/dictionary?word=%>

декабрь) ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун (2003 йил 24 апрель) асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қонунларда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг мақоми, энг муҳим ваколатлари ва фаолиятининг кафолатлари белгилаб қўйилган. Уларда депутатнинг унинг номзодини илгари сурган сайловчилар ва сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти, ҳуқуқ ва эркинликлари, депутатлик ахлоқи масалалари акс эттирилган.

Қонунчилик палатаси ўзининг ваколатларига киритилган, шунингдек, палатанинг ички фаолиятини ташкил этишга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан баёнот ва мурожаатлар билан чиқиши мумкин.

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли палата сессиялари даврида ўтказиладиган мажлисларидир.

Мажлисларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўз ишини ялпи мажлисларга ва қўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосан олиб боради. Сенатда ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосларда гуруҳлар тузишга йўл қўйилмайди.

Сенат фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни ва “Олий Мажлис Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

-Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

-Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

- бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан, Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;
- туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;
- давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат кўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ҳамда Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади⁶².

2016 йил сентябрь ойида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунига киритилган

⁶² http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=51961

қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг ваколатлари кенгайтирилди⁶³.

Улар қуйидагилардан иборат:

- фракциялар, депутатлар гуруҳлари таклифига биноан жойларда бюджет маблағларидан мақсадли сарфлаш ва самарали фойдаланиш масалаларини ўрганиш;
- вақти-вақти билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганади.
- янги қабул қилинган қонунлар ижроси юзасидан қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Қонунчилик палатаси қўмиталари қонунчилик ҳужжатларига биноан бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин экани ҳужжатда назарда тутилган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунда Сенат қўмиталари ҳам қўшимча вазифаларга эга бўлди.

Улар қуйидагилардан иборат:

Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолияти бўйича ахборотларини тинглаш масаласини ўртага қўйиш;

- вақти-вақти билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси, Сенат қарорларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганиш;
- янги қабул қилинган қонунлар ижроси юзасидан қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириш.

Сенат қўмиталари қонунчилик ҳужжатларига биноан бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин экани ҳужжатда назарда тутилган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунга қўшимчалар киритилди.

Бюджет лойиҳасини тинглаш. Давлат бюджети лойиҳасини Қонунчилик палатаси Спикери нафақат Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар, фракциялар (депутатлар гуруҳлари) қўмитасига, балки уни олдиндан кўриб чиқиш, фикр ҳамда таклифлар ишлаб чиқиши учун Қонунчилик палатаси қўмиталарига ҳам тақдим этади.

Давлат бюджети лойиҳасини олдиндан муҳокама этиш чоғида фракциялар (депутатлар гуруҳлари) ва Қонунчилик палатаси қўмиталари тааллуқли

⁶³ http://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/parlament_vakolatlari_kengaytirildi

органлардан Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари билан боғлиқ қўшимча маълумотларни талаб этишлари мумкин.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджети лойиҳасини одатда уч ўқишда эшитади.

Давлат бюджети ижро этилиши масаласининг муҳокамаси чоғида Қонунчилик палатаси фракциялари (депутатлик гуруҳлари) ва қўмиталари тааллуқли органлардан Давлат бюджетининг даромади қисми бажарилиши, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳолати, мақсадли сарфланиши ва самарали фойдаланишига алоқадар керакли қўшимча маълумотларни талаб этишга ҳақлидир.

Шу билан бирга фракциялар (депутатлик гуруҳлари) бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва самарали фойдаланилиши масалаларининг жойларда Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари томонидан ўрганилишига ташаббускорлик қилишлари мумкин.

Бош вазир ҳисоботларини тинглаш. Фракциялар (депутатлик гуруҳлари), Қонунчилик палатаси қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботларини олдиндан тинглашади ва Қонунчилик палатаси мажлисида ҳар томонлама кўриб чиқирилиши шарт бўлган фикр ва таклифларни ишлаб чиқишади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботларини тинглаш яқунларига кўра Қонунчилик палатаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг алоҳида долзарб масалалари бўйича ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин бўлган қарорни қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботларини тинглаш яқунларига кўра Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Парламент текширувларини ўтказиш. Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига тажовуз қиладиган, хавфсизлик асослари, мамлакатнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган аниқ фактлар ва ҳодисаларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси ва Сенат Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларидан таркиб топган комиссияни ташкил этишади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:
давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакиллари, мутахассислар, экспертлар ва олимларни комиссия ишига жалб этиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек, фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф қилиш.

Комиссия Олий Мажлис палаталарининг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия бажарилган иш тўғрисида Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланган муддатда уларни хабардор қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Регламенти тўғрисида”ги қонунга ҳам ўзгартиришлар киритилган

Бош вазир ва Ҳукумат аъзолари ҳисоботларини тинглаш. Сенат қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботларини олдиндан кўриб чиқишади ва Сенат мажлисида ҳар томонлама кўриб чиқилиши шарт бўлган фикр ва таклифларни ишлаб чиқишади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботларини тинглаш яқунларига кўра Сенат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг алоҳида долзарб масалалари бўйича ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин бўлган қарорни қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботларини тинглаш яқунларига кўра Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Қонунчилик палатаси зарур бўлган ҳолларда ўзининг мажлисида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини тинглаши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини тинглаш масаласи фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг ташаббусига кўра Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади.

Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини тинглаш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, ҳукумат аъзоларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ундан жой олиши ҳамда уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф -муҳит муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ҳисоботини тинглаш

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Сенатга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ҳисобот аввалига Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги ва экология кўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ҳисоботни тинглаш якунларига кўра Сенат қарор қабул қилади ва бу қарор Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига юборилади.

Марказий Банк раиси ҳисоботини тинглаш. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Сенатга тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини тинглаш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини тинглаш. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар йили Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси билан биргаликда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини тинглаш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади⁶⁴.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали тизимда шакллантирилганидан кейин ўтган даврдаги фаолияти давомида том маънодаги профессионал Парламент сифатида ўзини оқлади. Мамлакатда янги парламентаризм мактабига асос солинди. Мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимиятининг фаолиятида янги сифат кўрсаткичларига эришилди. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, аҳоли кенг қатламлари манфаатларини Парламент ва унинг депутатлари томонидан муносиб ҳимоя қилишга кенг имкониятлар яратилди.

Конституциявий қонун қоидаларининг амалга оширилиши қонун чиқарувчи органдан давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилишнинг яқин ва узоқ муддатли мақсадларини, шунингдек уларга эришиш йўллари ва воситаларини аниқ тушунишга қаратилган юксак касб маҳоратини талаб этади. Бу иш

⁶⁴ http://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/parlament_vakolatlari_kengaytirildi

жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда манфаатли иштирокини назарда тутди.

Мустақиллик йилларида икки палатали Парламентнинг шаклланиши депутат ва сенаторларнинг оммавий ахборот воситалари билан муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, жамоатчилигимиз орасида ахборот эркинлигини таъминламай, ОАВни бўлиб ўтаётган воқеаларга нисбатан одамлар ўз фикрлари ва ғояларини, нуқтаи назарлари ва муносабатларини эркин билдира оладиган маконга айлантирмай, демократия ва аҳолининг сиёсий фаоллигини чуқурлаштириш, мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида унинг реал иштироки тўғрисида сўзлаш мумкин эмас, деган тушунча ортиб бормоқда ва мустақамланмоқда.⁶⁵

Парламент фаолиятининг тезкор ва сифатли ёритилиши у қандай суръатларда ривожланаётганини, қабул қилинаётган қонунлар мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш қай даражада таъминланаётганини жамиятга кўрсатиб беради. Ўз мазмун-моҳиятига кўра, оммавий ахборот воситалари жамият ҳолатининг реал манзарасини шакллантиради.

Мустақилликнинг илк давриданок Парламент ҳаётини изчил ёритиш “Халқ сўзи” –“Народное слово” газеталари фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолди. Бугунги кунда Парламентнинг senat.uz, parliament.gov.uz сайтлари бевосита палаталар ҳаётини, партияларнинг Парламентдаги фракциялари фаолиятини “Ўзбекистон овози”-“Голос Узбекистана” (Ўзбекистон ХДП нашри), “Адолат” (Адолат СДП нашри), “XXI аср” (ЎзЛиДеП нашри), “Миллий тикланиш” (Миллий тикланиш ДП нашри), шунингдек Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жамият” газетаси, eko.uz (Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг сайти) ёритиб келмоқда. Парламент фаолияти матбуот ва интернет саҳифаларида махсус рукнлар ва саҳифаларда акс этади.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистонда Парламент журналистикасининг пайдо бўлиш омилларини айтиб беринг.
2. Нега бир палатали Парламентдан икки палатали Парламентга ўтилди?
3. Парламент журналистикаси қандай ҳуқуқий асос ва тамойиллар асосида иш олиб боради?

⁶⁵ Каримов И.А. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. //”Халқ сўзи”, 28 январь, 2005 й.

2.2§. Ўзбекистонда парламент журналистикаси: ютуқ ва камчиликлар

Оммавий ахборот воситалари Парламент фаолиятининг очик-ошкоралиги, транспарентлигини таъминлайди ҳамда депутат ва сайловчилар ўртасида қуйидагиларни амалга ошириш учун ишончли муносабатлар ўрнатилишига кўмаклашади:

- депутатлик фаолиятининг очик-ошкоралигини таъминлаш;
- депутатлик ваколатларининг қай даражада бажарилаётганини сайловчиларга, жамиятнинг бошқа институтларига кўрсатиш;
- депутатнинг аҳоли, электорат манфаатларига ва ташвишларига қай даражада яқинлигини, жорий сиёсий, ижтимоий ва бошқа жараёнлар тузилмасида унинг фаолиятига қай даражада эҳтиёж сезилаётганлигини кўрсатиш.

Депутатлар қонун қабул қилиш жараёнлари, сайлов округларидаги ишларнинг ҳолати, Парламентга уларнинг номзодини қўйган партиялар ғоя ва мафкураларининг мазмун-моҳияти ҳақида ахборотга эга. Шу сабабли депутатларнинг Парламентдаги фаолиятини, қонун ижодкорлиги жараёнларини, назорат-таҳлилий фаолиятни, сайлов округларида, партия фракцияларида, ишчи гуруҳларда олиб бориладиган ишларни ёритиш ҳам депутатлар корпуси, ҳам журналистлар учун икки томонлама манфаатли эканлигини унутмаслик лозим. Парламент фаолияти тўғрисидаги ҳар бир материал депутатлар ва журналистларнинг ҳамкорликдаги ижодий саъй-ҳаракатлари натижасида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш “аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш”га хизмат қилади.⁶⁶ Бу эса Парламент фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламентининг 2-моддасида Олий Мажлис тузадиган органлар, у сайлайдиган мансабдор шахслар Олий Мажлис олдида масъул бўлиши ва унга ҳисоб бериб туришига, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олишга асосланиши қайд этилган. Мазкур норма ҳам қонун чиқарувчи органнинг фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёслигини кўрсатади. Бинобарин, “матбуот ижтимоий онг кўриниши сифатида фаолият кўрсатар экан, ижтимоий онгнинг марказини ташкил этувчи мафкура билан яқин алоқада бўлади, унинг хизматини қилади”⁶⁷.

⁶⁶ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005, 38-бет.

⁶⁷ Худойқулов М. ОАВ назарияси. – Т.: Университет, 1999. 34 б.

2017 йил 12 июль куни мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи⁶⁸да Олий Мажлис палаталарининг сенаторлари ва депутатлари фаолиятидаги камчиликларни кўрсатиб берган эди. Президент таъбири билан айтганда: “...Биринчидан, бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай олмади. Сиёсий партиялар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида партия фракциялари томонидан устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар деярли сезилмаяпти”; “...Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги қонунларимизда бир-бирига зид ўринлар ҳам йўқ эмас. Лекин бугун қайси бир партиянинг ташаббуси билан уларнинг шунчаси ўзгарди, деб айта оламиз? Очиқ айтиш керак, сиёсий партияларда бу соҳада ҳалигача хотиржамлик, қандайдир мудраб ўтириш кайфияти ҳукм сурмоқда. Ҳеч кимга фойдаси бўлмаган мажлислар соатлаб давом этмоқда, танқидий таҳлил ўрнига майда масалалар билан ўралашиб, долзарб муаммоларнинг ечими четда қолиб кетмоқда”;

“...Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига сайловлардан кейин, мана, икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Бироқ сиёсий партиялар томонидан сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение орқали берилган ваъдалар бажарилдими? Нима учун сиёсий партиялар фақат сайловлар пайтида фаоллашиб, кейин, таъбир жоиз бўлса, дами чиққан шардек бўшашиб қолади?” Президент томонидан Парламент фаолиятининг танқиди кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситаларининг мазкур йўналишдаги фаолиятининг танқиди ҳамдир. Хўш, бугун оммавий ахборот воситалари жадал ривожланаётган бир пайтда Парламент журналистикасининг ривожига нима тўсқинлик қилмоқда?

Ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчилари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра⁶⁹, 15 фоизи “журналистлар томонидан Парламент фаолиятини ёритишга билим етишмаслиги”, 20 фоиз “Ўзбекистон

⁶⁸ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 12.07.2017. <http://qalampir.uz/news/shavkat-mirziyoevning-oliy-majlisi-qonunchilik-palatasida-sozlagan-nutqi-9940>

⁶⁹ <https://www.facebook.com/nargis.kosimova.5>

hc_ref=ARTEcNCKHsN0jnIPxQWPJOsIB32JybnesWdBJY15DUiPGcRFO4YSocJZrKgrR-Xw1Og&fref=nf&pnref=story

Парламентининг фаолиятининг самарасизлиги ва уни ОАВда бир қолипда ёритилиши”, 20 фоиз “қабул қилинаётган қонунлар шарҳининг содда тилда берилмаслиги”, 10 фоиз “депутатлар томонидан ўзларининг сайловолди дастурларининг амалга оширмаслиги, ёлғон ваъдалар, ўз навбатида уларнинг таҳлили ОАВда кўринмаслиги”, 25 фоиз “аксарият қонунларнинг ишламаслиги натижасида Парламент фаолиятига бўлган қизиқишни ўқувчида уйғота олмаслик”, 10 фоиз “журналистикада ихтисослашув масаласининг етарли эмаслиги” аниқланди. Бундан ташқари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партияларнинг депутатлик гуруҳлари орасида суст ишлаётганлари оз эмас. Улар партия электорати манфаатларини ҳимоялаш, турли ижтимоий масалаларни депутатлик ваколатлари асосида ҳал этиш жараёнларида етарли ташаббус кўрсатмаяпти. Ислохотларнинг ижтимоий самарадорлиги ошишига халақит бераётган камчиликларни бартараф қилишда қатъият ва талабчанлик етишмаяпти.

Парламент журналистикаси ривожини йўлидаги мазкур камчиликларни бартараф этиш учун аввало:

- Парламент журналистикасига ихтисослашувни кучайтириш. Мазкур йўналишда ОАВ вакиллари ўртасида семинар-тренинглар ташкил этиш, олий таълим муассасаларининг журналистика факультетларида “Парламент журналистикаси” номли махсус курсларнинг ўқитилишини жорий қилиш;

- жамоатчилик эътиборини юртимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларга, ривожланишимизга тўсик бўлаётган муаммоларга қаратиш учун Парламент журналистлари томонидан журналистиканинг таҳлилий жанрларидан кўпроқ фойдаланиш;

- ОАВда Парламент ҳаётига оид кўпроқ танқидий-таҳлилий материалларни бериб бориш;

- жамият ҳаётидаги долзарб масалалар, муҳокама этилаётган қонун ҳужжатлари лойиҳалари юзасидан депутатлар ва сенаторлар иштирокида ОАВлар учун матбуот анжуманлари ва давра суҳбатлари ўтказиш амалиётини жорий этиш.

- Парламент назорати натижаларини эълон қилиб бориш зарур.

Шу каби кўплаб мавзу ва масалалар борки, уларнинг ҳал этилиши амалда Парламент ва ОАВ ўртасидаги алоқа ва муносабатларни, демакки аҳолининг Парламент ҳаётидан хабардорлиги ҳамда унга бўлган қизиқиши ортишига хизмат қилади.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистонда Парламент журналистикасининг асосий вазифалари нималарда намоён бўлади?

2. Парламент ва ОАВлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш учун нималарга эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблайсиз?

3. Сизнингча, Парламент журналистикаси ривожини йўлидаги камчиликларни бартараф этиш учун нима қилиш керак?

3-БОБ. ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ – ИХТИСОСЛАШУВ МАСАЛАЛАРИ

3.1§. Мавзу топиш маҳорати ва парламент журналистининг ахборот манбалари

Парламент фаолияти хусусида материалларнинг камлиги ҳамда бир хиллигини Парламент журналистлари ёритиладиган мавзуларнинг бир хиллиги, хаттоки сайлов кампанияси вақтида ҳам аксарият ҳолатларда миллий журналистикамизда чуқур илдиз отган “мақтов журналистикаси” қолипларидан чиқиб кетиш қийинлиги билан изоҳлашади. Бу қанчалик ҳақиқатга яқин? Парламент фаолиятини ёритишда мавзу топиш шунчалик қийинми?

Эндигина Парламент фаолиятини ёритишни бошлаган журналист ўз ишини нимадан бошлаши зарур?

Биринчи қадам. Аввало кузатинг. Қўмита, комиссия ва кенгашлар фаолиятдан бохабар бўлинг. Олий Мажлис ахборот хизмати билан алоқани мустаҳкамланг. Ахборот хизмати томонидан ўтказиладиган матбуот анжуманларида доим қатнашинг.

Иккинчи қадам. Сиз таклиф қилинган қўмита мажлисида муҳокама қилинаётган масала қанчалик долзарблиги, жамият учун аҳамияти хусусида ўйлаб кўринг.

Учинчи қадам. Пресс-релизлар орқали тавсия этилган, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда сўров орқали ҳамда кузатиш натижасида аниқланган мавзу учун ахборот манбаларини қидиришни бошланг.

Парламент ҳаётини ёритар экан, журналист албатта маълум бир мавзусидан келиб чиққан ҳолда турли хил манбалар ва бошқа ахборотни етказиб берувчилардан олинган маълумотлардан фойдаланади. Ахборот манбасини тўғри танлаш материалнинг ишончлилигини оширади. Хўш, Парламент журналисти учун ахборот манбалари қайсилар? Нега айнан улар ахборот манбалари деб аталади?

“Ахборот” тушунчасини турли замонларда тадқиқотчилар турлича талқин этишган. У маълумотлар, тадқиқот жараёнида олинган билимлар, тажриба ёки таҳсил олиш, шунингдек сигнал ёки белгиларни аниқлаши мумкин. Оддий

қилиб айтганда, ахборот –йиғилган, қайта ишланган ва изоҳланган, фойдаланиш учун қулай бўлган кўринишда тақдим этиладиган маълумотлар. Ахборотни бошқача тавсифи – “тушунишга осон шаклда берилган билимлар”. Латин тилида “informatio” – интилиш, баён қилиш демакдир. Тарихан мазкур тушунча ортида одамлар томонидан бир бирига оғзаки, ёзма ва бошқа усулда берилладиган маълумотлар тушунилган. Кенг маънода маълумотлар кибернетика томонидан тақдим этилади. Унинг асосчиси Норберт Винернинг ёзишича, “ахборот – биз унга ва унинг ҳиссиётларимизга мослашувчи, ташқи дунёдан олинган мазмун тавсифидир”⁷⁰. Шунингдек, “ахборот” тушунчаси “ахборот бериш”, ахборотни узатиш ва унинг тарқатиш маъносида ҳам қўлланилади. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, “ахборот олдиндан маълум бўлмаган бирор нарса ҳақидаги хабар ёки маълумотлар” демакдир⁷¹. Ахборот тақдим этаётган турли хил шахслар унинг ишончилигига, ҳаққонийлигига қаролат бериши шарт. Жамиятда ахборот манбаи сифатида майдонга оммавий ахборот воситалари чиқади. Аммо журналистлар учун жамиятнинг турли соҳалари, уларнинг ҳаёти, фаолият кўрсатаётган шахслар ахборотларидан ташқари бошқа ахборот манбалари ҳам мавжуд (масалан, тиббий шарҳлар, ҳукумат ҳисоботлари ва оғзаки хабарлар).

Ахборот технологиялари ёрдамида (масалан, телевидение орқали кўрсатилладиган сайловолди дебатлари) ёки шахсий мулоқот натижасида (масалан, шахар кенгаши йиғилишида) узатилиши мумкин. Уни медиа воситалар ва инсонлар ёрдамида тарқатиш мумкин. Бугунги кунда жуда ҳам кўп ахборот материаллари, ресурслар мавжуд бўлиб, хусусан интернетда, уларнинг барчаси ишончилиги жиҳатдан турличадир.

Ахборот турли шаклларда мавжуд (масалан статистик маълумотлар, электрон ёки қоғоз шакл) бўлиб, улар онлайн файллар ва порталларда, виртуал ва реал кутубхоналарда, ҳужжатлар жамланмасида, маълумотлар базасида, архивлар, музейлар ва бошқаларда сақланади. Аммо бундай ахборот манбалари тақдим этадиган ахборот “ишончли” ёки “ишончсиз” бўлиши мумкин. Ахборотни излай бошлар экан, журналист, аввало, унга қандай ахборот кераклигини англаб етиши керак.

Ахборотга бўлган эҳтиёж – бу айнан маълум бир ижтимоий роль ва вазифаларни бажариш учун лозим бўлган ахборотни олишга бўлган эҳтиёждир. Аксарият ҳолатларда истеъмолчи у ёки бу мақсадга эришиш учун ўзига нима кераклигини англайди ва қидирув ишларини маълум бир натижаларга эришиш учун йўналтиради. Масалан, инфляция шароитида ҳар бир фуқарони

⁷⁰ Винер И. Кибернетика и общество. - М, ИЛ. 1958, 31 с.

⁷¹ Ирназаров К.Т., Маматова Я.М. Информация в печати (Краткий курс лекций). -Т.: НУУз, 2000, 6 с.

нархларнинг ўсиши, иқтисодий ислохотларнинг бориши қизиқтиради. Абитуриент олий таълим муассасаларига кириш қоидаларига оид барча маълумотларни ўрганadi. Тижоратчи ва молиячини биринчи галда биржалардаги нархлар котировкаси қизиқтиради. Инсонга у ёки бу ахборот каналига мурожаат қилиш мақсади тушунарли. Танлов хабарларнинг тўлалиги, манбаларнинг ишончилиги ёки қизиқарлиги ва ҳоказолар асосида амалга оширилади. Аммо бу ерда ҳам манбанинг ишончли ёки ишончсиз эканлигини аниқ билиш лозим. Масалан, ўзини адабий танқидчи деб таништирган инсон томонидан янги адабиётларнинг тавсияси аввало бирор бир мақсадлар асосида амалга оширилган бўлиши мумкин.

Ахборот манбаларини баҳолашдан олдин, аввало, инсон ахборотни нима учун олаётганлигини аниқлаб олиш лозим. Мазкур жараён ишончли ахборот манбаларини аниқлашга ёрдам беради.

Қуйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз: ушбу ҳолатда қайси манба ахборот олиш учун энг ишончли? Қайси манбалар ҳаққаний, объектив бўла олади?

! Ахборот манбалари – ижтимоий аҳамиятга эга (яъни, кенг оммага қизиқ ва керак бўлган) ахборотга эга бўлган шахс ёки воситадир.

Журналистикада ахборот манбалари анъанавий (расмий манбалар, яъни хужжатдар, ОАВ материаллари, ҳукумат қарорлари, ҳаётнинг ўзи ва ҳоказо) ва ноанъанавий (“ишонч телефонлари”, ижтимоий соғломлаштириш марказлари, ахлатхоналар, макулатура, иккиламчи хомашё, шиша қабул қилиш шаҳобчалари, машина ювиш ва ёнилғи қуйиш шаҳобчалари, бозорлар ва ҳоказо)га бўлинади.

Контент сифатига кўра манбаларни учта тоифага бўлиш мумкин:

бирламчи манбалар – бу оригинал манбалар бўлиб, улар ахборотни изохламайди. Бу тадқиқот ҳисоботлари, прайс-варақалар, нутқ матнлари, электрон хабарлар, оригинал санъат асарлари, қўлёзмалар, фотосуратлар, кундаликлар, шахсий мактублар, оғзаки ҳикоя/интервью ёки дипломатик хужжатлардир. Кўпгина соҳа ва контекстда иложи борича бирламчи ахборот манбаларидан фойдаланиш тавсия этилади;

иккиламчи манбалар сифатида ахборотни етказиб берувчилар майдонга чиқади. Бу ҳолатда ахборот ўзгариши, таҳлил қилиниши ёки умумлаштирилиши мумкин (масалан, илмий китоблар, журналлар, танқидий таҳлил ёки маълумотлар талқини). Бирламчи манбалар иккиламчи манбаларга нисбатан ўзида авторитар ёки объектив ахборотни мужассам этмасида,

улардан фойдаланиш тавсия этилади. Ахборотни субъектив баҳолаш ва уни тахминий баён қилишнинг бошқа шакллари тўғрилаб, ишончли иккиламчи манбалардан фойдаланиш мумкин. Иккиламчи манбанинг тавсифи фан ёки контекстан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин;

учламчи манбалар— бу бирламчи ва иккиламчи манбалардаги ахборотни қайта ишлаб, ўзида сақлаган манбалардир (масалан, рефератлар, библиография, қўлланмалар, энциклопедиялар, кўрсаткичлар, хронологик жадваллар, маълумотлар базаси ва ҳоказо).

Парламент журналисти учун ахборот манбалари юқорида келтирилганлардан ташқари, шунингдек қуйидагилар асосий манбалар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати (<http://www.press-service.uz>);

- Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенати (<http://parliament.gov.uz>; www.senat.uz);

- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (<http://www.elections.uz>);

- Марказий сайлов комиссиясининг Республика матбуот маркази;

- Олий суд;

- Конституция суди;

- Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан чоп этиладиган нашрлар, сайти;

- Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси матбуот хизмати;

- Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг матбуот хизмати;

- “Адолат” социал-демократик партиясининг матбуот хизмати;

- Халқ демократик партиясининг матбуот хизмати.

Парламентдан ташқари манбалар:

Халқаро пресс-клуб;

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг пресс-клуби.

Ўзбекистон ва хорижда фаолият юритадиган ахборот агентликлари:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги, “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги, РИА “Новости”, ИТАР-ТАСС, Ассошиэтед пресс, Bloomberg, Reuters, United Press International (UPI), Deutsche Presse-Agentur (DPA), Франс-Пресс, EFE, Синьхуа ва бошқалар.

Энциклопедия ва маълумотномалар, радио, телеангиликлар, онлайн нашрлар ва ижтимоий тармоқлар.

Блиц-сўровлар ўтказиш:

Экспертларга оид (масалан сиёсий масалалар бўйича сиёсатчилардан, иқтисодий масалалар бўйича иқтисодиётчилардан бир хил йўналишдаги экспертлардан олинади);

Рейтингли сўров (янгиликлар тайёрлайдиган журналистлар ўртасида ўтказиладиган сўров);

Репрезентатив сўров (турли хил касб эгалари, масалан, иқтисодчи, хонанда, сиёсатчи, ўқитувчи, шифокор, хайдовчи, депутат ва бошқалар ўртасида ўтказиладиган сўров).

Мазкур сўров натижалари бўйича бевосита амалга оширилаётган ислохотлар, аҳолининг Олий Мажлис депутатлари фаолиятига бўлган муносабатлари аниқланади.

Журналист материални шакллантириш манбалари:

анонслар;

фракция, партиялар томонидан тайёрланган пресс-релизлар, йиғилишларнинг кун тартиблари ёки иш тартиби;

стенограммалар;

ҳамкасб журналистлар билан мулоқот;

Ишончли бўлмаган манбалар:

Фактсиз депутат чиқишлари;

Оддий фуқаро.

Албатта мазкур манбалардан фойдаланилганда журналист эксклюзив интервью ва репортажлар тайёрлаши, бир хилликдан қочиши, “эски” масалаларга янгича ҳамда манбалардан олинган маълумотларга объектив равишда ёндошиши, сўровномалар орқали жамоатчилик фикрини бера олиши, камида учта манбадан фойдаланиўи ва бунда фикрлар хилма хиллигига эътибор бериши лозим.

Назорат учун саволлар:

1. Ахборот тушунчасига таъриф беринг.
2. Парламент журналистининг ахборот манбалари нималар?
3. Ишончли ва ишончли бўлмаган манбалар қандай фарқланади?

3.2§. Ахборотни текшириш усуллари

Материал учун тўпланган маълумотлар журналистик фактга айланиши учун албатта уни текшириш зарур.

!Факт - (лот. *factum* — амалга ошган) — ҳақиқатни аёнлашувчи тушунча; амалга ошган, содир бўлган воқеа-ҳодиса.

Бунинг учун битта манбанинг ўзи камдан-кам ҳолларда етарли бўлади хоҳ у депутатнинг сўзи бўлсин, хоҳ бошқа манбалардан олинсин. Чунки депутатлар номи қораланмаслиги учун маълумотларни яшириб ёхуд ошириб ахборот беришлари мумкин. Манбанинг ишончилигига фақатгина иккита ҳолатда амин бўлиш мумкин: агарда воқеага журналистнинг ўзи гувоҳ бўлган бўлса ёки расмий ҳужжатлардан ахборот олинган бўлса.

АҚШ, Европа ва Лотин Америкасида қатор сиёсатчилар ва жамоат арбоблари чиқишларидаги маълумотларни текширадиган ташкилот ва порталлар мавжуд. Уларнинг орасида Factcheck.org, Politifact.com, FactCheckEU.org, Factcheck.kz, Fact Checket, газеталардан The Washington post ва бошқалар бор. Баъзи бир порталлар нафақат ҳокимият, балки ОАВни ҳам назорат қилишади.

! Фактчекинг – ҳужжатлардаги ва бошқа статистик маълумотларни, сиёсатчи ва жамоат арбобларининг чиқишларидаги фактларни қайтадан текшириб кўриши.

Сўнги йилларда дунё парламент журналистикасида фактчекинг қоидаларига амал қилиш кучаймоқда. Бу аксарият ҳолатларда сенатор ва депутатларнинг сўзлари ва ваъдалари реал ҳаёт билан тўғри келмаслигидан келиб чиқади. Маълумотларни текширар экан журналист:

- фактлар энг камида иккита ишончли манбалар орқали тасдиқлангандагина қўллаши;
- интернет, ижтимоий тармоқлар, блоглардан олинган ахборотни яна бир бор текшириши;
- ахборот манбаси қонуний бўлиб, у бераётган маълумот тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиши;
- фактларни миш-мишлардан ажрата олиши;
- ишончли ва ишончсиз фактларни фарқлай олиши;
- депутатларнинг интервьюсида келтирилган маълумотлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши;
- Парламент фаолиятини ёритишда интернет манбаларидан фойдаланганда албатта олинган фактларни бошқа манбалар орқали текшириб кўриши лозим.

Назорат учун саволлар:

1. Ахборотни текшириш нима учун зарур?

2. Фактчекинг нима?
3. Маълумотларни текширишда журналист нималарга эътибор қаратиши керак?

3.3 §. Депутатлар фаолияти ҳақида материаллар тайёрлаш технологияси

Парламент журналистикасининг марказида депутатлар фаолияти ҳақида материал тайёрлаш ётади. Кўпинча журналистлар Парламент ахборот хизмати томонидан ўтказиладиган матбуот анжуманига ташриф буюриш ёки пресс-релиздан фойдаланиш мақола ёзиш учун етарли, деб ўйлашади. Аммо камдан-кам ҳолатларда пресс-релизда ёки расмий хабарда ҳамма асосий саволлар, яъни “ким? нима? қачон? қаерда? нима учун? ва қандай қилиб?” саволларига жавоб топа олишади. Албатта бунда журналистиканинг барча жанрларидан, яъни мақола, шарҳ, журналистик суриштирув билан биргаликда интервью ва корреспонденциядан фойдаланиш, шунингдек мультимедиавий форматлар асосида материал тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Хўш, Сенат аъзолари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятини қай тарзда самарали ёритиш мумкин? АҚШнинг “National Public Radio” журналисти Мелоди Крамер “Ройтер учун 26 та ғоя” номли асарида⁷² АҚШ Президенти Дональд Трамп фаолиятини ёритиш бўйича тавсиялар берган. Мазкур ғоялар ниҳоятда универсал бўлиб, ҳар қандай давлатдаги Парламент фаолиятини ёритишда ҳам қўл келади. Мамлакатимиз Парламенти фаолиятини ёритаётган журналистлар учун ана шу қоидаларнинг мақбул 16 тасини ажратиб олдик. Демак:

1. Ўзингиз учун Парламентда муҳокама қилинаётган бирор мавзунини танланг. Мазкур мавзуда Президент ва сенаторларнинг чиқишларини ёзиб олинг. Бу сизга мавзунини англашга ёрдам беради.

2. Мультиплатформаликка амал қилинг. Ўз фикрларингизни баён қилишдан ташқари ижтимоий тармоқлардан ҳам кенг фойдаланинг.

3. Харита-жадвал чизинг. Сўнгги йилларда Президент ва Парламент хусусида жаҳон ОАВида жуда ҳам кўплаб материаллар берилмоқда. Уларни саралаш, таҳлил қилиш ва шарҳлаш учун хаританинг мувофиқ бўлимларига материаллар ва уларнинг тагига ўз хулосаларингизни ёзиб чиқинг.

4. Ўз хулосаларингизни доимо янгиланг. Жуда ҳам мураккаб хулосаларингизни соддалаштиринг. Материалингизни ўқилиши учун унинг концепциясини соддалаштириб, ёзишда атамалардан камроқ фойдаланинг.

⁷² <http://jmlst.ru/content/26-sovetov-kak-osveshchat-deyatelnost-glav-gosudarstv-0>

5. Парламент аъзолари, сенаторлар, депутатларга овоз берган сайловчиларнинг фикрлари билан қизиқинг. Сенаторлар ўз ваъдасини бажараяптими?

6. Мақолага сарлавҳа қўйишда бир нечта вариантларни синаб кўринг. Сиёсий материаллар учун энг яхши сарлавҳа бу иқтибосни қўллашдир.

7. Ҳамкасб журналистлар билан фикр алмашинг. Агарда улар хорижлик бўлса яна ҳам яхши.

8. Ўз аудиториянгиздан ижтимоий тармоқларда сўровнома ўтказинг. Улар Парламент ҳақида нималарни билишни исташади?

9. Материалингизни тарқатишнинг янги каналларини изланг.

10. Парламент ва депутатлар фаолияти хусусидаги материалларни фақат давлат тилида эмас, бошқа тилларда ҳам бериш маъқулдир, шуни мулоҳаза қилиб кўринг.

11. Парламент ҳақидаги материалингиз кимга қизиқ? У жамият ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга туртки бўла оладими?

12. Мақолани ёзиб бўлгач, унга бир кундан сўнг қайтинг ва қайтадан ўқиб чиқинг. Мақолада нима етишмаётганлигини дарҳол сезасиз.

13. Фақатгина марказга ўз эътиборингизни қаратманг. Худудлардаги депутатлар фаолиятини ёритишни ҳам унутманг.

14. Ўқувчиларингиздан ҳокимият фаолиятининг қайси жиҳатлари уларни қизиқтиришини сўраб туринг.

15. Ҳар тўрт йилда ўтказиладиган сайловлардан ўқувчиларингиз нимани кутади. Буни биласизми?

16. Айни пайтда аудитория деган тушунчанинг ўзи йўқ. Глобал тармоқда барча сизнинг ўқувчингиз ва бир вақтнинг ўзида ахборот манбаингиз ҳамдир. Буни унутманг.

Хўш, депутатлар фаолиятини самарали равишда ёритиш учун ишни нимадан бошламоқ зарур? Албатта, аввало, депутат аъзо бўлган қўмита фаолиятини ўрганишдан. Мазкур қўмита бугунги кунда ўз олдида қандай вазифаларни қўйган? Депутатлар ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришадими? Юқоридаги тавсияларда келтирилгандек, сиз ижтимоий тармоқлар орқали ўқувчиларга айнан Парламент фаолиятининг қайси жиҳатлари қизиқлигини ўрганиб чиқишингиз мумкин. Танланган мавзунини ўрганиб чиққач, албатта мақолангиз учун респондент, яъни мавзу бўйича ахборот бера оладиган депутат ёки қўмита раҳбари билан интервью олиш бўйича келишиб олинг. Бунда депутатларнинг вақтини инобатга олиб, жой ва вақтни айнан унинг ўзи танлашига имкон беринг.

Интервью.

Интервью ўқувчига ахборотни бевосита унинг манбасидан олиш имконини берганлиги учун “энг холис” жанрлардан биридир. Интервьюни самарали ўтказиш учун журналистдан маҳорат ва албатта тайёргарлик талаб этилади.

Интервьюгача:

Интервьюга саволларни олдиндан тайёрланг. Саволлар 5 тадан кам бўлмаслиги, иложи борича бир бирини тўлдириб келиши лозим. Жавобларни диктофонга ёзиб олган маъкул.

Интервью пайтида:

Интервьюни ола билиш ҳақиқий санъатдир. Чунки суҳбат чоғидаги кайфият, суҳбатдошга бўлган диққат-эътибор, хаттоки кичик имо-ишора ҳам унинг натижасига таъсир кўрсатиши мумкин. Депутат билан суҳбат жараёнида албатта кўтарилаётган мавзунини яхши билишингизни кўрсатинг, олдиндан тайёрланган саволларингизни дадил ва ишонч билан беринг. Агар журналист ўта жаҳлдор бўлса, суҳбатдоши жавоб беришдан бош тортиши, ўз фикрини эркин баён қилмаслиги мумкин. Шу билан бирга ёлвориш оҳангида берилган саволларга депутат киноя билан жавоб бериши мумкин. Агарда суҳбат депутат фаолиятини айблашдан бошланса, суҳбатдоши бутун интервью давомида саволларга эҳтиёткорлик билан жавоб беради. Суҳбат жараёнида бошни кўтармай суҳбатдошингиз айтганларини ён дафтарга ёзиб олиш эмас, аксинча унга қараб, суҳбатни жонли олиб бориш кўпроқ натижа беради.

Интервьюга қўйиладиган асосий талаблардан бири шундаки, журналист ва унинг суҳбатдоши қандай ахборот мақолага киритилиши ва қайсилари киритилмаслиги ҳақида келишиб олишлари керак. Интервью мобайнида олинадиган ахборот учта тоифага бўлинади: “матбуот учун”, “матбуот учун эмас” ва “манбаси кўрсатилмай бериладиган ахборот”⁷³. “Матбуот учун эмас” деган илмий атама шуни тақозо этадики, олинган ахборотдан ҳеч қандай шароитда фойдаланилиши ва аёнки унинг манбаи кўрсатилиши мумкин эмас. Агар ахборот манбаси журналистга: “Бу ёғи матбуот учун эмас”, - деса, у одатда “бу ахборотдан фойдаланиш мумкин, аммо унинг мендан олинганини айтиш мумкин эмас”, деган фикрни назарда тутди. Мазкур ахборот материал мавзусини очиш учун муҳим бўлиши мумкин ва ундан, ахборот манбаини кўрсатмасдан фойдаланса бўлади. Кўпинча интервью пайтида интервью берган шахс журналистга ниманидир хабар қилади, аммо биров муддатдан кейин ўйлаб кўради ва бу ахборот матбуот учун эмаслигини ёки ундан иқтибос сифатида фойдаланиш мумкин эмаслигини айтади. Бундай вазиятда журналист нима қилиши керак? Бунинг бир неча йўллари бор: рози бўлиши мумкин, аммо бунда интервью берувчи цензор родини ўйнаш ҳуқуқига эга бўлиб қолади; рози

⁷³ Жорж А. Кримски. Мустақил газеталар учун Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. –Т., 2003 й. 30 б.

бўлмаслик мумкин, аммо бунда интервью берувчи келгусида ҳамкорлик қилишдан бош тортиши мумкин; илтимосга жавоб бермаслик ва ахборотни бериш-бермаслик ҳақида кейинроқ бир қарорга келиш мумкин; ёки интервью берувчи билан фойдаланиш учун ахборотни қандай қилиб бошқача ифодалаш мумкинлиги ҳақида келишиб олиш мумкин. Айрим журналистлар “матбуот учун эмас” деган тамойилга бўйсунилган бош тортадилар. Бу ўринда иккала томон ахборотни матбуот учун эмас деган тўхтамга келгунларига қадар барча ахборот очиқ ҳисобланади. Диктофондан фойдаланиш интервью жараёнини расмийлаштиради. Аудиоёзув орқали интервью олиш ахборот узатишнинг аниқлигини таъминлаши мумкин ва журналистни ҳам, унинг суҳбатдошини ҳам айбловлардан сақлай олади⁷⁴.

Диктофон шунингдек репортёрни интервьюни сўзма-сўз қоғозга ёзиб ўтириш машаққатидан холос қилади, шунга қарамай ёзув дафтарининг ҳам бўлиши фойдалидир – ҳар доим берилиши керак бўлган саволлар рўйхатига қараб туриш ва дафтарга суҳбатдош берган муҳим ахборотни қайд қилиб бориш мумкин. Агар интервью берувчи шахс нозик бир гапни айтишни истаса, у журналистдан диктофонни ўчириб қўйишни сўраши мумкин (Одатда бундай илтимос қондирилади, чунки журналистда бирор-бир сирни шу онда билиб олиш истаги кучли бўлади)⁷⁵.

Интервьюдан сўнг:

Алоқа қилиш мумкин бўлган телефон рақамларини бир-бирингиздан олганингизга ишонч ҳосил қилинг. Интервью олиб бўлингач, материални интервью шаклида ёки мақола ҳамда бошқа сиз истаган жанрларда тайёрлашингиз мумкин. Қайси жанрда мақола тайёрламанг, албатта кўтарилган масалага сиз хулоса бермаслигингиз керак. Зеро, журналист муаммони кўтарувчи ва уни ечиш йўллари кўрсатиб берувчи, ҳокимият ва халқ ўртасидаги “воситачи”, холос.

Депутатлар фаолияти ҳақидаги материал таркибига кўра лид (кириш), асосий қисм, мазкур масала юзасидан мутахассислар, сайловчиларнинг фикри ва хулосадан иборат бўлади. Албатта бу таркиб қатъий бўлмай, ҳар бир журналист мақбул, ўқувчига қизиқарли бўлган форматни танлаши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Папламент фаолиятини самарали ёритишнинг қандай қоидалари мавжуд?
2. Парламент фаолиятини ёритишда интервьюга қандай талаблар қўйилади?

⁷⁴ Жорж А. Кримски. Мустақил газеталар учун Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. –Т., 2003 й. 31 б

⁷⁵ Ўша ерда.31 б

3. Интервью жараёнида диктофондан фойдаланиш нима учун зарур?

3.4§. Таҳлилий материалларнинг ўзига хосликлари

Парламент журналистикасида фойдаланиладиган самарали таҳлилий жанрларидан бири **мақоладир**. Газетани varaқлаган, сайтни кўрган ўқувчи ундан бирор янгилик олиш билан бирга, ўзини қизиқтирган ёки қийнаб юрган муаммоли масала юзасидан пайдо бўлган саволга жавоб излайди, ҳаётда тўқнаш келган жумбоққа ечим қидиради, ўз фикрини билдиради. Шу маънода жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларида содир бўлган муайян бир воқеа, ҳодиса, вазият, жараён хусусида жамоатчиликда фикр уйғотиш, муносабат кайфиятини пайдо қилиш ҳам Парламент журналистикасининг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири ҳисобланади.

*! **Мақола** – латинча “*articulus*” сўзидан олинган бўлиб, “*бўгин*”, “*аъзо*”, “*қисм*” деган маъноларни англатади. У таҳлилий журналистиканинг энг асосий жанрлардан бири бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги маълум воқеа, ҳодиса, жараён, вазият, хатти-ҳаракатларни аниқ факт ва фикр асосида таҳлил қилиш орқали исботланган журналистик асардир.*

Мақола моҳиятан предметнинг ҳаракати, унинг ташқи олам билан муносабати, улар орасидаги илганмайдиган боғлиқликка ойдинлик киритиш, юзага келган қарама-қаршиликнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш ва уларни ҳаққоний ёритишга бағишланади. Ўз-ўзидан булар бутун бир жараёнлар тизимини ташкил этадики, журналист уларни ўрганиб, муайян мавзуга бағишланган факт ва далилларни йиғиши, уларни бир-бири билан қиёслаши, таққослаши, муҳим ва иккинчи даражали маълумотларни ажрата билиши, тизимга солиши, муаммони келтириб чиқарган сабабларнинг воқеликка таъсири, муаммонинг ечимини топиши ва шу орқали мавзуни очиб бериши талаб этилади. Парламент фаолиятини ёритишда энг кўл келадиган мақола турлари бу мунозарали ва муаммоли мақоладир.

Мунозарали мақола. Ижтимоий ҳаётда содир бўладиган турли воқеа-ҳодисаларга тааллуқли масала, муаммо юзасидан кишиларда турли хил қарашлар, фикрлар мавжуд. Аслида фикрнинг ўзи нисбий тушунча бўлса-да, муаммони ҳал қилиш, тасаввур ва тахминларга ойдинлик киритиш, улар ҳақида аниқ тўхтамга келиш ва янгилик яратишда ана шу яқка, бир-бирига зид

фикрлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар, тортишувлар муҳим аҳамият касб этади. Илмда баҳсли мунозараларнинг объекти ва предмети сифатида мавжуд муаммо ёки амалий фаолиятда учрайдиган турли ғоялар юзага чиқади ва янгиликка асос бўлади. Рус олими А.Тертичний, ўзининг “Жанры периодической печати” номли ўқув қўлланмасида бундай турдаги мунозарали (полемика) мақолалар мақоланинг бошқа турларидан фарқ қилишини таъкидлайди⁷⁶.

Мунозарали мақолалар қачон ёзилади, у муаммоли мақоладан нимаси билан фарқ қилади? Одатда бундай мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва комиссиялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари фаолиятидаги муаммо атрофида баҳс-мунозара, тортишувлар пайдо бўлганда, қонун қабул қилиш жараёнида келишмовчиликлар юзага келганда, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг доимий комиссиялари фаолияти сайловчиларни қониқтирмаганда ёзилади. Мунозарали мақолада албатта, шу муаммо юзасидан бир-бирига қарама-қарши икки хил фикр бўлиши керак. Мунозарали мақола ёзаётган муаллифда, биринчидан, мунозарага сабаб бўлган масала юзасидан ўзининг шахсий кузатувлари, унинг пайдо бўлиши бўйича асосли тахминлари ва унинг ечими ҳақида аҳамиятли таклифлари бўлиши керак. Иккинчидан, унинг фикрига қарши чиқувчининг (оппонент) фикрига эътироз билдиришга қодир ёндашуви бўлиши ва у аниқ фактларга асосланиши керак. Бу мунозарали мақоланинг мантикий тузилишини белгилайди. Қўлланадиган фактлар, келтириладиган далиллар, мисоллар фақатгина муаллифнинг позициясини тасдиқлашга хизмат қилиши керак. Одатда мунозарага киришган муаллифларнинг ёндашувларини англаш қийин. Чунки улар ўзларининг ҳақ эканликларини исботлаш учун шундай мисоллар келтиришадикки, ўқувчи унинг нима демоқчи эканлигини дарров англолмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун мунозарали мақола муаллифига қўйиладиган принципиал талаб унинг чиқиши бошқаларда қаршилик уйғотмаслиги керак. Шу жиҳатдан у мақоланинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Мунозарали мақолада фактнинг “мазмуни” муҳим рол ўйнайди. Шунга қарамай, айрим мунозарали мақолаларда фактнинг ўрнига фикр, тахмин ёки баҳо бериш ҳолатлари ҳам кузатилади. Ваҳоланки, журналистикада факт бўлиб ўтган воқелик ҳақида қатъий билим, ўзгармас маълумот эканлигини унутмаслик лозим.

! Баҳо – фактга муносабат, яъни бўлиб ўтган воқеанинг ким учундир яхши ёки ёмон эканлигини тасдиқлашдир. **Тахмин** –ўрганилаётган ёки муҳокама қилинаётган мавзуда фактнинг борлиги ёки йўқлигига нисбатан тахминий муносабат, аниқ бўлмаган билимдир. **Фикр** фактга хос манбаларни ҳам, турли кўринишдаги тахминларни ҳам ўз ичига олади.

⁷⁶ Тертичный А.А. Жанры периодической печати. Учебное пособие. –М.: Аспект Пресс, 2000. 142 с.

Умуман олганда ўзбек матбуотда учрайдиган мунозарали мақолалар моҳиятан адабий-танқидий мақолаларга ўхшаб кетади. Баҳс-мунозара фикрларни чарҳлайди, дунёқарашни ошириб, муайян муаммо юзасидан ўйлашга, мулоҳаза қилишга, тадқиқ ва таҳлил олиб боришга ундайди. Шу нуктаи назардан мунозарали мақоланинг асосий мақсади ҳам номаълум, жумбоқли масалага ойдинлик киритиш, ҳақиқатни қарор топтиришга баҳслашиш орқали эришишдир. Донишмандлар айтганидек, “ҳақиқат – баҳсларда туғилади”. Шуни таъкидлаш жоизки, агар баҳс-мунозарага лойиқ мавзу, асосли муаммо бўлмаса, яхшиси баҳсни бошламаган маъқул. Аммо, афсуски, матбуотда айрим баҳсларда кўтарилган муаммони тушуниб-тушунмай, аниқ далилларга асосланмаган ёки эски, турғун (догма) ғояларга маҳкам ёпишиб олган баҳс иштирокчиларининг маънавий-ахлоқий етуклик даражаларининг қашшоқлиги кузатилади. Бу асосан Парламент хусусида ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрларда кўринади.

Сўнгги пайтда ўзбек матбуотидаги баҳслар кўпроқ партия нашрларида, асосан сайлов кампаниясидан кейин қизғин тус олаётганини кузатиш мумкин. Ўзбекистонда фаолият олиб борадиган партия нашрлари: Ўзбекистон Республикаси Халқ Демократик партиясининг органи “Ўзбекистон овози” – “Голос Узбекистана”, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси органи “Миллий тикланиш”, Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – либерал демократик партияси органи “XXI аср” ҳамда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси органи “Адолат” газеталари орасида 2016 йилда Президент сайловлари ҳамда партиялар фаолиятига тааллуқли баҳс-мунозарали мақолалар, танқидий чиқишлар бўлди.

Муаммоли мақола. Номини ўзи ушбу жанр соҳанинг мураккаб тури эканлигидан далолат беради. Босма оммавий ахборот воситаларида жамиятда, ижтимоий турмушда мавжуд ҳар қандай муаммо ёки камчиликларни кўтариб чиқадиган мақолаларга нисбатан муаммоли мақола атамаси қўлланилади. Хўш, аслида муаммонинг ўзи нима?

Тадқиқотчи, Ф.А.Брокгауза ва И.А.Эфронлар муаллифлигидаги энциклопедик луғатда ёзилишича: “Муаммо – турли хил ечимга эга бўлган илмий саволдир”⁷⁷. Россия Кичик энциклопедияда эса “Муаммо – кенг маънода ўрганишга, тадқиқ этишга ва ечим топишга ундовчи назарий ва амалий савол” дея таърифланади⁷⁸. Журналистикада эса **муаммо** – журналист асарининг асосини ташкил этувчи унсур. Мавзу каби асарнинг асосий мақсадига эришиш

⁷⁷ Основы творческой деятельности журналиста. под ред С.Г. Корконосенко. СПб.: Знание, СПБивЭСЭП, 2000 г. 150 с.

⁷⁸ Ўша ерда.

учун хизмат қиладиган воқеликни нотаниш жиҳати ва кўринишлари тўғрисидаги маълумот. Шу боис, журналист асаридаги муаммо ижтимоий аҳамият касб этади, ижтимоий тараққиёт зиддиятларини ифодалайди.

Одатда муаммонинг ўзи кишига салбий таассурот беради. Шунинг учун ўз-ўзидан уни ўрганиш жараёнида журналистлар бир ёқламалikka, фақат унинг салбий жиҳатларини тадқиқ этишга йўл қўядилар. Ваҳоланки, муаммо ҳар доим ҳам салбий ҳодиса бўларвермайди. Зеро уни ҳал этиш, энг аввало ривожланишга қаратилган бўлмоғи керак. Муаммоли мақолалар анъанавий тарзда куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- муаммоли мақола у ёки бу меъёрнинг ўша давр талабига, ижтимоий тарихий, сиёсий ва иқтисодий реаллигига мос келмаётгани ҳақида ахборот бериши керак;

- мақолада кўтарилган муаммони ҳал қилишнинг муҳимлигини мурасасиз исботлаш керак;

- мақолада кўтарилган муаммо билан бирга уни ечиш йўллари ва вариантларини ҳам тақдим этиши керак.

Муаммони воқеликдан ажратиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан журналистик муаммо илмий ва амалий томондан ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Муаммонинг турлари хилма-хил, у хоҳ ижтимоий, хоҳ иқтисодий, хоҳ маданий бўлсин, аммо **муаммолигича** қолади⁷⁹.

Муаммо сўзининг маъноси камчилик, жумбоқ, ҳал этилмаган масала сифатида умумий тасаввур беради. Лекин унга ҳар бир инсон ўзининг тасаввури доирасида таъриф бериши мумкин. Мақола муайян бир муаммони кўтариш, ундан жамоатчиликни хабардор қилиш, муаммони келтириб чиқарган сабаблар, унинг оқибатлари, етказган зарарини кўрсатиш билан бирга, унинг олдига ечимини топиш вазифасини ҳам қўяди. Бунинг учун мавзуга яна ҳам ойдинлик киритиш мақсадида муаммонинг ўзини аниқлаштириб олиш керак бўлади. Чунки муаммонинг ўзи нима эканлигини билмай туриб у ҳақда мақола ёзиб бўлмайди.

Кўтарилган муаммо журналист асарининг асосини ташкил этувчи предмет сифатида хизмат қилади. Журналистнинг мақола ёзишдаги дастлабки вазифаси асоснинг мавжудлигини кўрсатса, иккинчидан ўзининг олдига ана шу муаммони келтириб чиқарган сабаблар, омилларни кўрсатиб бериш ва унинг ечимини топиш мақсадини қўяди. Шу нуқтаи назардан муаммоли мақолани ёзиш журналистиканинг бошқа жанрларидаги материаллардан кўра анча мураккабдир. Шунинг учун ҳам унда фикрлар асосланган, ўринли мулоҳазаларга бой ва энг асосийси, таъсирчан фактларга эга бўлиши жуда муҳим.

⁷⁹ Ўша ерда.

Муаммоли мақола ёзишда асосий энг янги, зарур информация “тўнкарилган эҳром” усулида мақоланинг энг бошига жойлаштирилиши лозим. Ундан кейин эса долзарб ва қизиқарли фактлар бериш мумкин. Киришнинг “тўнкарилган эҳром” усули муаммоли мақолада журналист маҳоратини кўрсатувчи муҳим жиҳат.

Масалан: кириш (резюме-лид) – энг янги фактлардан ташкил топгани мақсадга мувофиқдир. Ундан кейинги уч-тўрт хат бошида фактлар тўлиқроқ баён этилади. Алоқали хатбошида бериладиган факт аввал содир бўлган фактлар билан боғланади. Уларга қўшимча тарзда яна бошқа маълумотларни келтириш воқеалар ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Муаммоли мақола тузишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Масалан, филология фанлари номзоди Максим Ким мақоланинг тузилишини қуйдагича таърифлайди: тезис (бошланиш) – исбот ва далиллар (асосий қисм) – хулосалар (якун).

Мақола одатда учинчи шахс номидан ёзилади. Аммо уни муаллиф ўзининг номидан ҳам ёзиши мумкин. Бу мақолага ҳаётийлик, жонлилик бахш этади. Ҳамма нарса мақоладаги мавзудан келиб чиқиши керак. Агар мақоланавис ёритаётган мавзунинг гувоҳи бўлиб, ўз кўзи билан мураккаб ижтимоий воқеликни кўрган бўлса ва уни ўқувчига ўз номидан баён қилса, ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Ҳақиқий муаммо ҳамиша жамият учун муҳим бўлиб, унинг ечимини топишга бўлган талаб билан боғлиқдир. Бунинг учун билишнинг эмперик ва шу билан бирга назарий методлари орқали муаммоли мақолани ёзиш мақсадини аниқлаштириб олиш керак;

- 1) муаммони келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш (тўсиқ, вазифалар);
- 2) муаммони кўтариш режасини ишлаб чиқиш ва муаммонинг ечими йўллари қидириш, яъни ҳаракатни шакллантириш;
- 3) муаммоли вазиятни тасвирлаш ва баҳолаш;

Муаммоли вазиятларни ўрганишда – журналист кенг кўламда иш олиб боради. Бунинг учун эса ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан махсус билим керак бўлади.

Демак, сиз материалнинг учун мақоланинг турини танладингиз. Аммо журналист парламант фаолиятига оид мунозаралими ёхуд муаммоли мақола ёзишга киришишдан олдин ўзига бир нечта саволларни бериши лозим.

- Мақола мавзуси долзарбми?
- Мен уни ким учун ёзаяпман?
- Барча фактлар теширилдими?
- Мақола натижа берадими?

Мақола натижа бериши ва унда кўтарилаётган масала юзасидан фикрлар билдирилиши учун унинг тузилиши содда, қисмлар битта мантиқий чизик бўйлаб бирлаштирилган бўлиши зарур. Яъни:

А) Кириш. Дастлабки хатбоши энг муҳим ахборотни ўзида жамлаган – нима, қаерда ва қачон юз берганлигини кўрсатган бўлиши лозим..

В) Кўмакчи ахборот. Кейинги учта хатбоши киришни кўшимча ахборотлар ва тегишли иқтибос билан мустаҳкамлайди. Аниқ рақамлар келтирилади (масалан, электр қувватининг 4 соатга ўчирилиши).

С) Иккинчи даражали ахборот ва дастлабки маълумотлар. Асосий қисмда берилиб ўқувчи учун муҳим саволга жавоб беради: нима бўлибди?

Е) Тафсилотлар. Мақоланинг қолган қисмида ҳикоя қилинаётган тарихнинг бўлимларини тўлдиришга хизмат қилади.

Асосий қисмда депутатлар, экспертлар, оддий фуқароларнинг фикри берилади. Хулосада муаммони ечиш борасидаги фикрлар умумлаштирилади.

Шу ўринда депутат фаолиятини ёритишда қуйидагилардан қочиш лозим:

1. Депутат номидан ёзадиган журналистга айланиш (афсуски кўп ҳолатларда депутатларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари айнан журналистлар ёрдамида тайёрланади). Чунки журналист депутат номидан халқ дарди акс этмаган, аҳоли томонидан берилган саволларга жавобларни ўзида мужассамлаштирмаган, умумий гаплардан иборат материални маълум бир ҳақ эвазига ёзиб беради.

2. Парламент ахборот хизмати, депутатларнинг ёрдамчилари томонидан қўйиладиган талаблар агарда материал объективлигига путур етказадиган бўлса, уларга ён босиш.

3. Материалдаги ўткир ахборотни ўз номидан бериш, иқтибосларни 7-8 тадан ортиққа кўпайтириш.

4. Кўтарилаётган мавзуни бир томонлама ёритиш (аксарият ҳолатларда бу сайловолди кампаниясида партиялар фаолиятини ёритишда содир бўлади).

5. Кўмиталар, фракциялар, партиялар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ёритишда уларни бир бирига қарама қарши қўйиш.

6. Депутатларнинг шахсий ҳаётини уларнинг фаолияти билан аралаштириш.

Буларнинг барчаси аудиторияда Парламент, хусусан депутатлар фаолияти ҳақида салбий фикрларни уйғотади ва мамлакатнинг қонун чиқарувчи органига бўлган ишончини йўқолишига олиб келади.

Назорат учун саволлар:

1. Муаммоли ва мунозарали мақола ўртасида қандай фарқ бор?
2. Мақоланинг тузилиши қандай бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади?
3. Парламент фаолиятини ёритишда журналист нималардан тийилиши зарур?

3.5§. Парламент фаолиятини ёритишда мультимедиавий воситалардан фойдаланиш. Мультимедиавий лонгрид

Ўзбекистон Парламенти фаолиятини мультимедиавий воситаларни қўллаган ҳолда ёритиш мамлакатимизнинг сиёсий имиджини жаҳон майдонида шакллантириш йўлида олдинга қўйилган қадамлардан биридир. Зеро, аксарият ҳолатларда интернет ўзининг **мультимедиа** хусусияти билан устундир.

! Мультимедиа – инглиз тилидаги “multi” ва “media” сўзларидан олинган бўлиб “кўп”, “бир неча” ва “ахборот узатувчи воситалар” маъноларини билдиради⁸⁰

“Мультимедиа” атамаси илк мартаба 1965 йили Боб Гольдштейн томонидан ўз ичига ёруғлик, мусиқа, кинони олган тадбирни тасвирлаш учун қўллаган. Ҳозирда мультимедиа тушунчаси ўз ичига – матн, расм, овоз, тасвирларнинг камида иккитаси бирлашган ҳолда ахборот узатишни ўз ичига олади. Фақат расмнинг анимацион ҳолатини ҳам мультимедиа сифатида эътироф этиш мумкин. Мультимедиа маълумотларнинг аниқ ва тушунарли етказиб берилишини таъминлайди.

! Мультимедиавий журналистика — бир мавзуга бағишланган, аммо бир нечта шакллар—фото, видео, матн, инфографика, интерактивни ўз ичига олган медиамаҳсулотдир.

Мультимедиавий журналистика ўқувчига ахборот билан танишишда турли хил элементларни танлаш имконини беради. У фақатгина матнни ўқиши ёки фақатгина суратларни кўриб ахборот олиши мумкин. Мультимедиадан фойдаланувчи доимо фаол бўлиб, материални фақатгина пассив ўзлаштирмай, уларни мантиқий боғлашга ҳам ҳаракат қилади.

Журналистиканинг ахборот жанрлари билан биргаликда таҳлилий жанрларининг деярли ҳар бирида турли мавзулардаги материалларни тайёрлаб,

⁸⁰ www.undp.org/content/dam/uzbekistan/.../UN_Doc_ICT%20Glossary

узатиш мумкин. Бу ерда журналистдан касбий маҳорат билан биргаликда масалани чуқур ўрганиш, унинг моҳиятини англаш талаб этилади. Бугунги кунда онлайн журналистикаси шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда аудиторияга бевосита ахборотни янгича, яъни замонавий мультимедиа технологиялардан фойдаланган ҳолда узатиш долзарблашмоқда.

Ахборотни янгича тақдим этиш усуллари билан бири – лонгриддир.

! Лонгрид – маълумотлар журналистиканинг ажралмас қисми сифатида бугунги кунда жаҳон журналистикасида тан олинган йўналишлардан бири. Мазкур ахборот узатиш технологияси долзарб мавзуларни ёритишнинг энг қулай ва таъсирчан шакллари билан биридир. Лонгрид (инг. “long read” – узок ўқиш) – ҳажмли ахборотни интернетда узатишнинг қулай усули.

Маълумки, бугунги кунда катта матнларни ўқишга ҳеч кимнинг вақти йўқ. Лонгрид эса ўз ичига матн билан биргаликда айнан шу мавзудаги видеоролик, инфографика, тақдимот, фон берувчи мусиқа, суратлар, иқтибосларни олган мажмуавий материалдир. Уларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, бир бирини тўлдириб туради. Лонгридда мантикий боғлиқлик, қисмларининг (видео, аудио, инфографика ва ҳоказо) уйғунлиги – иллюстратив қатор, шрифт, рангларнинг ҳажми ва сонининг бир хиллиги муҳим. Лонгрид бир бутун ҳикоя сифатида қабул қилиниши лозим. Яъни, Парламент фаолияти борасидаги материални очган фойдаланувчи ёритилаётган мавзунинг ичига кириши лозим. Лонгриднинг яна бир хусусияти ахборотни хилма хил тарзда намойиш этиш билан биргаликда, кўтарилаётган масалани ҳар томонлама таҳлил этиш. Бу ҳақиқий янги кўринишдаги таҳлилий материалдир. Лонгрид муаллифининг мақсади – Парламент фаолияти ҳақида тушунча бериш билан биргаликда, кўмиталар ҳаёти, депутатларнинг сўровлари тўғрисида қизиқарли ҳикоя қилиш, долзарб мавзунини мутлақо ўзгача нуқтаи назардан узатишдир. Бугунги кунда лонгридларнинг бир неча турини ажратиш мумкин:

Репортаж лонгрид. Репортаж ўзининг белгилари билан ахборот жанрларнинг барчасига (ахборот бериш, ҳикоя қилиш, тўғри нутқ, бўёкли чекиниш, персонажларни таснифлаш, тарихий чекиниш ва бошқалар) мос келади. Репортаж жанрига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Репортаж — журналистиканинг муҳим жанрларидан бири ҳисобланиб, содир бўлган муайян воқеа, ҳодиса, вазият, жараённинг бевосита журналист иштироки ва кузатуви орқали тасвирлаб бериш, оммани шу воқеликдан кенгроқ хабардор қилишдир. Репортажнинг предмети — содир бўлган воқеа-ҳодисадир. Репортажнинг асосий хусусияти воқеа, ҳодиса, жараён, вазиятни репортёрнинг шахсан иштирокида аниқлик, ҳужжатлилиқ, воқеликни қандай бўлса, шундайлигича ёритилиши билан белгиланади. Репортажнинг

методларига инфор­ма­цион жанрларга тааллуқли (маълумотларни йиғиш, кузатиш, фактларни қиёслаш, таҳлил, саволлар бериш, қисқа диалог, иштирокчилар гувоҳлигида содир бўлган воқеа ривожини баён қилиш каби) барча усуллар киради. Бу усулларнинг ичида кузатиш услуби етакчилик қилади.

Репортажнинг турлари. Репортаж воқеликнинг ривожини ва унинг натижалари кетма-кетликда ҳикоя қилиниши, содир бўлган ҳодисанинг долзарблиги, жамият учун қанчалик аҳамиятга моликлиги, мавзунинг ранг-баранглигига қараб воқебанд, мавзули ва муаммоли турларга бўлинади⁸¹. Репортажли лонг­рид тайёрлашда жанр хусусиятларидан фарқли ўлароқ, муаллиф “мен”ига урғу бермаслиги лозим. Чунки муаллиф воқеа қаҳрамони эмас, балки ҳикоя қилувчи холос. У кўрганларини шундай тасвирлаб бериши керакки, ўқувчи уларни ўз кўзи билан кўргандек ҳис қилиши лозим.

2.Реконструктор лонг­рид. Бундай материал маълум бир воқеликни қайта қуриш, мавзуларни таҳлил этиш, унинг сабаблари ва оқибатларини аниқлашдан иборат. Лонг­риднинг бу турида фон мусиқаси, видеоқўшимчалар муҳим роль ўйнаб, материал ўқувчисининг кайфиятини шакллантиради.

3.Портрет лонг­рид (people stories). Мазкур турга интервьюлар, очерклар, биографик лавҳалар киради. Мазкур турдаги лонг­риднинг асосий вазифаси қаҳрамонни кўрсатиш, муаммо оқибатларига мослашаётган шахснинг ҳаётий тамойиллари, масалага қарашларини таҳлил этиб беришдан иборат. Бундай материалнинг асосий жиҳатларидан бири юқори сифатли, бир бирига мантқан боғлиқ бўлган иллюстратив қаторнинг мавжудлигидир.

Хўш, лонг­рид қандай яратилади? Агарда сиз эндигина Парламент журналистикаси соҳасига қадам кўяётган бўлсангиз, лонг­рид сиз учун эмас. Чунки унинг матни оддий журналистик матндан бироз фарқ қилади. Матн ўз таркиби бўйича мураккабдир. Агарда матннинг бошида мақола сингари лид бўлса, унинг давоми бевосита аудио ёки видео лавҳа ёхуд интервью билан давом этади. Кейинги қисмда матн видеолавҳанинг узлуксиз давоми бўлиши лозим. Факт ва далиллар таҳлили, статистик маълумотларнинг кўплиги, қаҳрамонларнинг видеоинтервьюси ва ҳоказолар бўлиши зарур. Демак, сиз лонг­рид тайёрлашга аҳд қилдингиз. Материални тайёрлашдан олдин мавзу билан яхшилаб танишинг. Танлаган бир неча қаҳрамонларингизнинг мавзу юзасидан фикрини ўрганинг. Иложи борича бир бирига қарама қарши фикрларни йиғишга ҳаракат қилинг. Турли ахборот манбаларидан фойдаланинг. Лонг­рид фақатгина қизиқарли фактлар, ёрқин иқтибослар, мавзу юзасидан илгари маълум бўлмаган деталлар билан бойисагина қизиқ бўлади.

⁸¹ <https://www.overclockers.ru/softnews/52650/Mini>

Матнни ёзишдан олдин мақсадни аниқлаб олинг. Бирор бир масала хусусида ёзмоқчисиз. У маълум бир соҳага тегишли. Масалан, бевосита экологик кўмигага тегишли бўлган бутун Ўзбекистон бўйлаб кўп йиллик дарахтларнинг ноқонуний кесилиши. Материал ғоясидан сўнг унинг кўриниши юзасидан режа тузиб олинг, яъни унинг умумий кўриниши қандай бўлади, материалнинг таркибий қисмларини тайёрлашга киришинг. Замонавий Парламент журналисти мультимедиа технологиялардан хабардор бўлиши муҳим. Лонгридни medium.com ёхуд <https://tilda.cc> платформаларида тайёрлаш мумкин. Улар бепул. Лонгрид учун материал тайёрлашда мобиль қурилма ҳамда монтаж дастури юкланган ноутбуклардан фойдаланиш кифоя. Бунда сиз энг оддий Windows Movie Maker 2012 ёки Kate's Video Toolkit видеодастурларидан фойдаланишингиз мумкин. Windows Movie Maker 2012 дастуридан фойдаланиш жуда ҳам осон. Видеотасвирларингизни дастур ойнасига тортиб киритиш кифоя, улар дарҳол сиз киритган тартибда бир чизикқа тизилади. Тасвирдан тасвирга ўтиш, махсус эффектлардан фойдаланиш клик орқали амалга оширилади. Шунингдек, дастур орқали видеолавҳангизга титрлар ёзиш, мусиқа кўйиш мумкин. Олинган натижани ягона видеофайл сифатида сақлашингиз ёки танлаган сайтингизга дарҳол юклашингиз мумкин.

Kate's Video Toolkit видеодастури кўшимча равишда видеони тахрир қилиш имкониятини ҳам беради. Сиз ўз видеолавҳангиздан ортикча нарсаларни олиб ташлашингиз ёки етишмаётганини кўшишингиз мумкин. Шунингдек, видеони турли форматларга конвертация қилиш имконияти ҳам мавжуд. Ягона камчилиги, дастур ойнасини бутун экранга катталаштира олмайсиз. Қолганида эса мазкур дастур ўзининг соддалиги билан кўплаб мухлисларига эга.

Лонгриднинг яна бир асосий қисми инфографикадир.

! Инфографика -лотинча *informatio* —баён қилиш, хабар бериш; юнон тилидаги *γραφικός* — ёзма, ва *γράφω* — ёзаялман сўзларидан олинган бўлиб, маълумотлар, билим ва ахборотни графика кўринишида узатиш демакдир. Инфографика нафақат катта ҳажмдаги ахборотни узатиш, балки предметлар ва фактларнинг вақт ва макон бирлигидаги мувофиқлиги ва фарқини кўрсатиш имконига ҳам эга.

Инфографика газета саҳифасида камроқ жой эгаллаб, ахборотни матнга нисбатан тезроқ узатади. Фотосуратдан фарқли равишда инфографика тезис шаклдаги шарҳларни ҳам ўз ичига жамланиши билан бошқа ахборотлардан фарқ қиларди. Тезкор, долзарб фактларга, рақамларга қизиқиш, одамларда

кичик ҳажмдаги катта ахборотни қабул қилишга интилишнинг кучайиши натижасида инфографика ахборот узатишда биринчи ўринларга чиқмоқда. Ҳозирги замонда инфографика диаграмма ва графикаларда соатлаб чизилиб эмас, балки зарур фактларни кенг миқёсда кўрсатиш учун қулай ва осон бўлган усул - диаграмма кўрсаткичларини интерактив равишда бошқариш имкони бўлган интерфейсларда яратилади. Лонгрид учун инфографикани <https://infogr.am> сайти ёрдамида тайёрлаш жуда ҳам қулай. Бунинг албатта [gmail.com](mailto:) да электрон почта очишингиз лозим. Чунки юқорида тилга олинган барча сайтларга айнан ана шу почтангиз орқали кирасиз. Шунингдек, лонгридга инфографика тайёрлашда тайёр сервислар - <http://easel.ly>, <http://casoo.com> дан фойдаланиш ҳам мумкин.

<http://easel.ly> да рўйхатдан ўтишингиз билан, ўз ғояларингизни визуаллаштиришга киришинг. Сервисда тайёр шаблонлар мавжуд. Уларга ўзингиз йиққан маълумотларни жойлаштирамангиз кифоя.

<http://casoo.com> турли хил диаграмалар: блок-схемалар, майнд-карталар, графикалар ва хаттоки откриткаларни яратиш учун қулай. Унда инфографика учун шаблонлар йўқ, аммо барча қурилмалар ўрганилса, кўнгилдагидек инфографикани яратиш мумкин. Сервис бепул. Ундан фойдаланиш учун компьютерингизда албатта Microsoft Visio дастури ўрнатилган бўлиши лозим.

Назорат учун саволлар:

1. Мультимедиавий журналистика нима?
2. Лонгриднинг қандай турлари мавжуд?
3. Инфографика нима?

3.6 §. Мультимедиавий сторителлинг

Депутатлар фаолияти хусусидаги материаллар “ҳикоя қилиб бериш” характерида бўлса, ўзига кўпроқ ўқувчини жалб қилиши табиий. Ҳозир ёзувчи ва журналистлар ўртасида урф бўлаётган мазкур атама инглиз тилидан кириб келган бўлиб, “ҳикоя қилиш” маъносини англатади. Аммо ҳикоя қилиш оддий бирор воқеани сўзлаб бериш эмас, балки ўз ўқувчиларингизни айнан сиз билан биргаликда ана шу воқеа ичида бўлишига эришиш демакдир. Чунки қачонки воқеа сизнинг ҳиссиётларингизга таъсир этса, сизга “тегиб кетса”гина воқеага муносабат билдирасиз, муаммо ечимига ҳисса қўшасиз. Сторителлингнинг асосчиси Девид Армстронг ўзининг “Managing by Storying Around: A New Method of Leadership” китобида аудитория ва ходимларга жонли воқеалар

орқали таъсир этиш усуллари санаб ўтади⁸². Демак, сторителлинг, аудиторияга ахборотни тўлиқ, содда ва тушунарли тилда етказишдир. Бугунги кунда ривожланиб бораётган мультимедиа воситалари сторителлинг аҳамиятини янада кучайтирди.

Сторителлинг орқали қандай мақсадларга эришиш мумкин?

Аввало, сторителлингдан фойдаланган инсон қуйидаги мақсадларга эришади:

Ўқувчи, тингловчи, томошабиннинг онг остига таъсир кўрсата олади.

Зарур ахборотни биринчи уринишдаёқ етказишади. Ўқувчи “Муаллиф ўзи нима демоқчи?” деган савол билан қийналмайди.

Фуқароларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш.

Энг асосийси ҳикоя структураси тўғри тузилган ва оддий ўқувчига яқин бўлиши лозим.

*Муваффақиятли сторителлинг бир нечта қоидаларга асосланади*⁸³:

Қисқалик. Сизнинг ҳикоянгиз ўқувчи диққатини узоғи билан 10 - 15 дақиқа жалб этиши кифоя. Бу айниқса мультимедиавий сторителлинглар учун муҳим.

Ҳикоянгиз учун аудиторияни қизиқтира оладиган ёрқин қаҳрамон зарур.

Ҳикоядаги воқеа тугалланган бўлиши лозим. Сторителлингда хулосани очик қолдириш ярамайди. Ўқувчи воқеа нима билан тугагини ўйлаб ўтирмай, ўз саволларига жавоб олиши зарур.

Матн қизиқарли бўлиши ва ўқувчини давомини ўқишга қизиқтириши керак.

Муаллиф ҳикоя орқали ўз фикрини ўқувчи онгига сездирмасдан сингдириб, ҳикоя сўнггида ўқувчини маълум бир ҳаракатларга ундаши лозим.

Аудитория ҳиссиётларига таъсир ўтказиш сторителлинг вазифасидир.

Матн аниқ мақсадли аудиторияга йўналтирилган бўлиши лозим.

Агарда сторителлинг босма ОАВда берилса, унда фотосуратдан, интернетда эса мультимедиа имкониятларидан кенг фойдаланиш керак.

Сторителлинг нималигини тушуниб олдик, энди эса долзарб бўлган мультимедиавий сторителлинг хусусида сўз юритамиз. Зеро, у бугун жаҳон журналистикасининг етакчи жанрига айланиб улгурди. Хаттоки АҚШнинг Беркли шаҳридаги Калифорния университети журналистика факультетида Digital Storytelling, яъни рақамли сторителлинг асосий фанлар сирасига киради. Мультимедиавий сторителлинг ўз ичига видео-, фото-, графика ва аудиоинформацияни олади. Албатта, уларни бир жойга жамлаш ва бир

⁸² David Armstrong, *Managing by Storying Around: A New Method of Leadership*. New York: Doubleday Currency, 1992, -p. 246

⁸³ Сторителлинг – самый эффективный метод донесения нужной информации.
<http://www.publicsuccess.ru/info/articles/storitelling>

мантикий чизик бўлаб ҳикояни тузиш орқали ўқувчи ҳиссиётига сезиларли равишда таъсир кўрсатиш мумкин. Сторителлинг оддий лонгриддан фаркли ўлароқ чизиксиз форматга эга, яъни ўқувчи ҳикоядан ўзига қизиқарли бўлган қисмини кўриш, ўқиш ва эшитиш имконига эга бўлади. Шунинг учун ҳар бир қисм унга тугалланган ахборотни бера олиши лозим. Бундай журналистик сторителлинг ўз ичига нафақат асосий маълумотларни, балки мавзуга оид статистик маълумотлар, бошқа ресурсларга ҳаволаларни ҳам қамраб олиб, ўқувчига мавзуга янада чуқурроқ кириб бориш имконини беради. Қанчалик чуқур киришни ҳар бир ўқувчи ўзи танлайди.

Мультимедиавий сторителлингга нималар кирмайди? Интернетдаги ҳар қандай веб-саҳифа мультимедиавий сайтдир. Уларга матн, аудио, видеони жойлаштириш мумкин. Уларда аксарият ҳолатларда интерактив графика ҳам акс этади. Аммо мазкур сайтларга жойлаштирилладиган воқеалар, янгиликлар аксарият фақат графика ёки фотосурат билан безатилади. Ҳар бир матн, аудио ёки видео сайтда мустақил мазмун касб этади. Мультимедиавий сторителлингда эса ҳар бир кўриниш, яъни видео, матн, фотосурат, аудио ва графика битта ҳикояга интеграллашган бўлади.

Мультимедиавий ҳикояни яратиш қийинми? Мультимедиавий сторителлинг журналистдан универсаллик ва замонавий техника воситаларини яхши тушунишни талаб этади. Агарда сиз видеога тушириб, уни монтаж қила олсангиз, аудиороликлар ёзсангиз, яхшигина матн ёзиб, суратга туширсангиз, демак сиз конвергент журналистикада ишлай оласиз. Хўш, нимадан бошлаш зарур? Аввало, бирор бир мавзунини танлаб, дастлабки маълумотларни йиғишга киришинг. Улар аудио, видео, фотосурат ва рақамлар кўринишида бўлиши зарур. Биринчи босқичда журналистик материал структурасини чизиб чиқинг. Албатта материалнинг ҳар бир қисми бошқаси билан мантикий боғланган бўлиши лозим. Масалан, сиз бугунги кунда республикамиз депутатлари кўп эътибор бераётган маиший чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш мавзусини танлаган бўлсангиз, аввало чиқиндининг бир турига эътиборингизни қаратинг. Агарда чиқиндан азият чекаётган аҳоли пункти ва у ерда яшовчи қаҳрамонни топсангиз яна ҳам яхши. Бевосита аҳоли пунктининг бошқарув органлари, фуқаролар соғлиғини сақлашга ва санитария-гигиенага масъул шахслар, чиқиндини олиб чиқиб кетишга масъул идоралар, уни қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхона масъулларидан аудио ва видео форматда интервьюлар олиш, аҳоли пунктдан бир кунда қанча ва нечта турдаги чиқинди чиқиши, уларни қайта ишлашдаги муаммолар (масалан қоғоз, шиша, политиэлен қайта ишланади, қолганлари умумий чиқиндихонага ташланади), чиқиндининг аҳоли соғлиғи ва атроф-муҳитга зарари хусусидаги статистик маълумотлар йиғилгач, ҳикоянгизни мантикий қисмларга ажратиб чиқинг:

нега бу мавзу муҳим (тарихи ва бугунги куни);
ҳикоя жойи (тарихи ва муаммога алоқадорлиги);
ҳикоя қахрамонлари ва уларнинг мавзу билан боғлиқ муаммолари;
мутахассисларнинг фикрлари;
мавзу доирасидаги бошқа маълумотлар (инфографика, графика шаклида)

Агарда ана шу тамойил бўйича тўпланган материалларингизни жойлаштирсангиз улар чизиксиз форматга ҳамда алоҳида мустақил маънога эга бўлади. Сторителлинг бош саҳифаси эса асосий сурат ва ҳикоянинг турли хил қисмларига ҳаволаларни ўз ичига олади. Шундан сўнг ҳикоянгизни қисмларга ажратинг

- видео, фотосурат, аудио, графика ва матн. Ҳикоянгизнинг қайси қисми видеоформатда, қайсиси аудио ва суратларда яхшироқ акс этишини ўйлаб кўринг. Анимациялашган графикалар айнан солиштирма характерга эга бўлади ва ўқувчи диққатини ўзига тортади. Сизнинг ҳикоянгизга харита зарурми? Агарда зарур бўлса интерактив харитадан фойдалансангиз, ўқувчига ҳикоянгиз айнан аҳоли пунктнинг қайси нуқтасида ривожланаётганини яққол кўрсатишга хизмат қилади. Сторителлингда матн сиз ахборотни видео, аудио ёки фотосурат орқали бера олмайдиган жойда қўллаш учун зарурдир. Сизнинг журналистик материалнингизнинг ҳар бир қисми бир бирини тўлдириши лозим. Мультимедиавий сторителлингнинг асосий жиҳати унинг интерфаоллигидир. Интерфаолликни қуйидаги сервислар орқали амалга ошириш мумкин:

<https://juxtapose.knightlab.com> – қиёсий иккита “олдин” ва “кейин” фотосуратни солиштириш имкониятини беради⁸⁴.
<http://storymap.knightlab.com>. Интерактив харитани яратиш учун қулай сервис.
wirewax.com ёки thinglink.com сервислари эса ўз навбатида интерактив видео ёки фотони яратиш имконини беради .

ZooBurst – ушбу сервис орқали сизда 3D поп-ап форматдаги рақамли китобингизни яратиш имкони мавжуд. Сервис маълумотлар базасида 10 000 дан ортиқ бепул тасвирлар ва бошқа материаллар бор. ZooBurst фойдаланувчилари гиперҳаволадан фойдаланган ҳолда ўз китобчалари билан улашишлари мумкин.

StoryBird бир-икки дақиқа ичида рақамли визуал ҳикояларни яратиш имконини берувчи бепул ресурс Бутун дунё аниматор ва иллюстраторлари ижодидан фойдаланган ҳолда ўз ҳикоянгизни ёрқинроқ, кўримлироқ қилишингиз мумкин.

Мультимедиавий сторителлингни яратиш асосларини ўрганиш журналистларга нафақат янги технологияларни ўрганиш, балки ўз материалига

⁸⁴ <https://juxtapose.knightlab.com>

глобал тармоқ орқали бутун жаҳондаги барча қизиқувчилар имконини жалб этиш имкони ҳамдир.

Назорат учун саволлар:

1. Сторителлинг нима?
2. Мультимедиавий ҳикоя қандай яратилади?
3. Мультимедиавий интерфаолликка хизмат қилувчи сервисларни айтиб беринг.

3.7 §. Замонавий парламент журналистикаси тилининг холислиги

Жамоатчилик Парламентга нисбатан оммавий ахборот воситалари орқали ўз фикрини билдиради. Ўз навбатида, “демократияни ахборот билан таъминлаш учун муштарийлар билимдонлиги устида ҳар куни фаол ишлаш талаб этилади”⁸⁵. Бироқ, тан олиб айтиш керакки, жамоатчиликнинг матбуот орқали эълон қилинган материалга нисбатан муносабати кўп кузатилмайди. Маълумки, Парламентда бирор қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганидан сўнг, партия фракцияларида таҳлил этилади, умумхалқ муҳокамасидан ўтказилади. Бу жараёнлар газета саҳифаларида акс этади. Хусусан, “Адолат” газетасида “Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасидан олиб берилган репортаж очиқ, содда ва партия позициясидан келиб чиққан ҳолда ёзилгани ва ўқувчини ўзига жалб қила олгани билан аҳамиятлидир.

“Шу ўринда бир мулоҳаза. Қонун лойиҳасида овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норманинг кўзда тутилиши, шубҳасиз, сиёсий партиялар учун муҳим аҳамият касб этади. Агар ушбу норма “бир кун” эмас, “бир сутка” қолганида деб ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки сайловолди ташвиқотини амалга оширишда бундай чекловнинг белгиланиши, сайловчиларга ўз нуқтаи назарларини аниқлаштириб олиш ва қайси сиёсий партия вакилига овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақтни

⁸⁵ Прохоров Е.П. Журналистика и демократия. Учебное пособие. -М: Аспект Пресс. 2011. 57 б.

янада аниқлаштиради”⁸⁶. Сиёсий партиялар учун синов, фуқаролар учун танлов даври ҳисобланадиган сайлов қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти очиб берилган репортаж ўқувчида яхши таассурот қолидириши шубҳасиз. Мазкур материални ўқиган газетхон сайлов жараёнларига қизиқиб, қайси партия бу борада ўз манфаатларига мос фикр ва ғояларни кўтариб чиқаётганини мушоҳада қилади. Маслақдошлари билан бу борада фикрлашади.

“Адолат” ижтимоий-сиёсий газетасининг 2017 йил 37-сонида “Қатнов йўлга қўйилди, йўл ҳақи арзонлаштирилди” сарлавҳали материалда Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари фуқаролар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, мурожаатларда билдирилган масалаларни ҳал этиш борасида бир қатор ишларни амалга ошираётганлиги баён этилган. Айнан бу ерда журналист томонидан тил холислигига қисман риоя этилган. Зеро, бевосита муаммодан азият чекканларнинг фикри берилмаган. Журналист томонидан депутатлар гуруҳи муаммони ҳал қилганлиги кўрсатилган холос: *“К.Бомуродов мазкур муаммоларни ҳал этиш юзасидан туман транспорт департаменти раҳбари номига депутатлик сўрови киритди. Ташиқлот мутасаддилари ушбу масалаларни атрофлича ўрганишди ҳамда тировардида ижобий натижаларга эришилди. Таъкидлаш ўринлики, партия депутатлари фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида жойларда бўлиб, қатор тадбирлар ташиқлот этишимоқда. Шунингдек, бир қатор маънавий-маърифий давра суҳбатларининг ўтказилиши ёшларни юксак маънавиятли, баркамол авлод қилиб тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда. Хусусан, “Ёшларга эътибор — келажакка эътибор”, “Ёшларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланишида маҳалланинг ўрни”, “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Фуқаролар мурожаатларини ҳал этишга барчамиз масъулмиз” сингари тарғибот тадбирлари самимий суҳбат, очиқ мулоқот тарзида олиб борилмоқда.”⁸⁷*

Мазкур мулоқотнинг очиқ ва самимийлигини исботлайдиган қарама-қарши томон, яъни оддий фуқароларнинг фикри йўқ. Афсуски, бир томонлама ва фақатгина журналист нуқта назари билан берилган мақолаларни партия нашрларида кўплаб учратиш мумкин. Шулардан бири “XXI asr” мухбири З.Раҳмонова томонидан тайёрланган “Бегуноҳ болада нима айб?”⁸⁸ материалдир. Мақолада фақатгина депутатнинг отаси ташлаб кетган оилага отани қайтариш борасидаги хатти-ҳаракати, бунинг сабаблари ҳикоя қилиниб, на аёл, на эркек, на маҳалла фаолларининг фикри берилмади. Мақола бошдан оёқ айблов руҳида

⁸⁶ Эсонов Ф. Сайлов: демократик тамойиллар такомиллашади // Адолат, 2013, 1-сентябрь.

⁸⁷ <http://www.adolatg.zt.uz/adolat/partiya-hayoti/4789>

⁸⁸ <http://21asr.uz/post/begunoh-bolada-nima-ayb>

ёзилган: “Тўполон кейин бошланди. Ҳомиднинг биринчи аёли бундай номаъқул ишдан маҳаллага арз қилди. Бўй етган болалари олдида отасининг бу қилмишидан номус қилаётганини айтиб, маҳалла маслаҳатчисидан кўмак сўради. Аммо... иллатнинг илдизи маҳаллада эканини шўрлик аёл қаердан билсин. Маслаҳатчи хотин оила бутунлигини сақлаб қолиш ўрнига Ҳомид билан тил бириктириб, унинг бошқа аёл билан ноқонуний яшаб келишига ўзи шароит яратиб берганига не дейсиз?! Не ҳолки, зиммасидаги масъулиятни, маҳалла маънавий муҳитига жавобгарликни унутган маҳалла “суянчи”нинг ўзи тарбияга муҳтож! Бошқаларга маънавият улашиши, дарз кетаётган оилаларни тиклашга ҳаракат қилиши керак бўлган инсон ўзига юклатилган вазифанинг аксини қилаётганига қандай изоҳ керак?!” Шу ўринда савол туғилади, фақат битта манбага таянилган ҳолда ёзилган материалда журналист қахрамонларни айблашга қанчалик ҳақли?

“Миллий тикланиш” газетасининг 2017 йил 28 август сонидан босилган журналист А.Менгимуродовнинг “Одамлар шунчаки мурожаат юбормайди ёхуд депутат фаолияти амалий иш билан ўлчанади” мақоласида, аксинча, фикрлар хилма хиллигига риоя этилган. Депутат сўрови орқали боши шикастланган ўсмирга Республика илмий нейрохирургия марказида бепул муваффақиятли операция қилинганлиги қайд этилиб, ўсмирнинг онаси, жарроҳ, депутат фикрлари келтирилган ва ҳолислик тамойилига риоя этилган.

“Ўзбекистон овози” газетасининг 2014 йил 1 апрель сонидан журналист Тўлқин Тўрахоновнинг “Сайловчилар билан учрашувлардан сўнг: натижалар, таҳлил ва хулосалар” номли репортажи чоп этилган. Унда ЎзХДП фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлардан сўнг уюштирган давра суҳбати иштирокчиларининг фикрлари акс этган. Мисолни ўз ҳолича келтиришни жоиз деб билдик.

Алишер СОДИҚОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

“Битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича барча ҳудудларда кенг кўламли ишлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик. Аммо, минг афсуски, жиддий чора-тадбирларга қарамасдан, битирувчиларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириши, айниқса, қишлоқ ёшларини ўз мустақил ишини очишга жалб этиш, шунга шароит яратиб бериш масалаларида ҳамон айрим камчиликлар учрамоқда. Фракциямиз аъзолари битирувчиларнинг ишга жойлашгани ҳақидаги маълумотлар ҳаққонийлигини ўрганганда, айрим жойларда битирувчилар ишга жойлашгани ҳақидаги маълумотлар нотўғрилиги маълум бўлди. Баъзи ҳудудларда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари ёшларни иш билан таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш масаласига етарли даражада эътибор

қаратмаяпти. Бундай камчилик ва муаммолар коллеж битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мос иш билан таъминлаш юзасидан тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруратга айланганини кўрсатмоқда”⁸⁹. Жойларда партия электоратини ўйлантириётган муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинган шу каби интервьюлардан сўнг мухбир ўз хулосалари берган:

“ЎзХДП фракцияси аъзолари сайловчилар билан ўтказилган учрашувларнинг натижаларини ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилди. Фракциянинг келгуси фаолият йўналишлари белгилаб олинди. Хусусан, коллеж битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасига Парламент эшитуви ўтказиш масаласини киритишга қарор қилинди”⁹⁰.

Репортаж жанрида ёзилган мазкур материал, маълум сиёсий масалани кўтариб чиқиб, унинг ечимига қаратилган чора-тадбирларни белгилаб бергани билан аҳамиятли ва ўқишли бўлган, дейиш мумкин. Энг асосийси, журналист газета услубидан четга чиқмаган ҳолда муаммони кўтарган, тил меъёрларига, холислик, очиқлик тамойилларига риоя этган.

“XXI asr” газетасида “Фракциялараро рақобат” рукни остида Фирдавс Ҳамидуллаевнинг “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси: Парламентда қизгин мунозаралар кузатилмоқда” номли мунозарали мақоласи чоп этилган. Муаллиф сарлавҳада номи тилга олиб ўтилган қонун лойиҳаси доирасида Парламентда қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтаётгани, бу эса қонун ижодкорлиги жараёнида фракциялар имкониятини кенгайтириб, қонун лойиҳаси юзасидан ўзларининг аниқ нуқтаи назарлари билан чиқишлари, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатларида назарда тутилган вазифалардан келиб чиқиб, ўз ёндашувларини ҳимоя қилишларига замин яратаётганини таъкидлайди. Шундан сўнг “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси нормалари бўйича ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларининг мулоҳазалари, ёндашув ва партия позициясини келтириб ўтади. “ХДП вакиллари қонун лойиҳасида мулкни сотиб олувчи томонидан амал қилиниши лозим бўлган меҳнат жамоаси олдидаги ижтимоий мажбуриятлар етарли даражада очиқ берилмаганини, лойиҳада мазкур масалаларга нисбатан мулкдорлар манфаати кўпроқ инобатга олинганини қайд этяптилар. ХДП аъзоларининг бу масаладаги қарашлари ҳам асоссиздир”⁹¹, – деб ёзади муаллиф.

⁸⁹ Тўрахонов Т. Сайловчилар билан учрашувлардан сўнг: натижалар, таҳлил ва хулосалар. // Ўзбекистон овози, 2014, 1 апрель.

⁹⁰ Ўша манба

⁹¹ Ҳамидуллаев Ф. Парламентда қизгин мунозаралар кузатилмоқда // XXI asr, 2016, 19 декабрь.

Мазкур мунозарали мақолани таҳлил қилар эканмиз, энг аввало, мақоланинг сарлавҳа, тагсарлавҳаси эътиборимизни тортди. Мақола сарлавҳаси “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси: Парламентда қизгин мунозаралар кузатилмоқда” деб номланган. Тагсарлавҳа эса маълумки, иқтисодиётни изчил ислоҳ ва бозор механизмларини жорий этиш мулкка бўлган муносабат билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, мулкчилик шаклининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги бозор муносабатларининг асосий тамойилларидан саналади, деган узундан-узун иборалар билан ифодаланган. Маълумки, сарлавҳа мақоланинг биринчи факти ҳисобланади. Бутун мақоланинг мазмун-моҳияти, журналист маҳорати сарлавҳада намоён бўлиб, ўқувчининг эътиборини жалб қилиб, унда фикр уйғотувчи омил ҳам сарлавҳа ҳисобланади. Шунингдек, сарлавҳалар иложи борица қисқа, аниқ ва эътибор жалб этадиган сўзлар жамланмаси бўлиши лозимлиги журналистика назариясидан маълум. Аммо мазкур мунозарали мақоланинг сарлавҳаси 8 та сўздан ва тагсарлавҳа 28 та сўздан ташкил топган. Мақолада айтилмоқчи бўлган фикр, мунозарани олиб бориш учун сабаб бўлган факт унинг олтинчи сўзбошисида келтирилган.

Газетанинг 2016 йил 19 сентябрь сонида Бехзод Исроиловнинг “Қонун лойиҳаси жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда” номли материали чоп этилган. Унда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган ҳуқуқий эксперимент жараёнида ташкил этилган Парламентдаги тадбир ёритилган. Репортаж жанрида ёзилган мазкур материалнинг аҳамияти шундаки, унда давра суҳбатидаги очик мулоқотлар ўз ифодасини топган. Мавзу ўртага ташланиб, шу мавзу юзасидан депутатлар ва жамоатчилик фикри олинган. Қонун лойиҳаси бўйича депутатлар билан бир қаторда жамоатчиликнинг фикри эътиборга олиниб, репортажда акс этгани публицистик материалнинг қимматини оширган. *“СамДУ талабаси Шохруҳ Жўрақулов эса янги қонун ёшлар учун ҳам кенг имкониятлар яратишини маълум қилди, – дейилади мақолада. — “Бугун олийгоҳни битириб, катта ҳаётга қадам қўяётганлар олдида, шубҳасиз, келажамизни мустақил қуриш вазифаси турибди, — дейди Шохруҳ. — Масалан, мен иқтисодчи мутахассислигига эга бўлиб, ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман. Бунинг учун юртимизда барча шароитлар яратилган, мукамал қонунларимиз бор. Шундай бир пайтда зарур маълумотлар, керакли ҳужжатларни қаердан олиш мумкин, деган савол пайдо бўлади, албатта. Янги қонун лойиҳасида бу саволга ҳам аниқ жавоб бор. Чунинчи, илгари керакли маълумотларни lex.uz сайтидан олган бўлсак, энди давлат бошқарув органлари билан интерактив мулоқотлар қилиш имконига эга бўламиз. Қандай меъёрий*

ҳужжатлар қабул қилинмоқда, уларда қандай имтиёзлар белгиланган тарзидаги саволларга ҳам жавоб топамиз”⁹².

Кўриниб турибдики, фақат расмий фикр-мулоҳазалар билан чекланмасдан, оддий фуқаро, ёшлар номидан берилган ҳаётий, халқчил тилда берилган интервью репортажнинг ўқишлилигини ошириб, жамоатчиликни ўзига жалб қила олган. Материални ўқиган газетхон беихтиёр қонун лойиҳасига қизиқиб, ундан ўз манфаатларини излайди, иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан хулоса чиқариб, бу жараёнда ўзи ҳам иштирок этишга интилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Парламент фаолиятини ёритишда услуб ва тилнинг равонлиги, фикрлар хилма хиллиги, тушунарсиз атамаларнинг кам ишлатилиши, ишлатилган тақдирда ҳам уларнинг моҳиятини очиб бериш Парламент журналистиксида муҳим аҳамият касб этади. Парламент ҳаётини ёритувчи журналистлар ОАВ да ижтимоий-сиёсий ҳаётни акс эттириш, уни ўрганиш, таҳлил қилиш ва унга қайтадан таъсир қилиб, жамоатчилик фикрини уйғотиш лозимлигини ҳис қилишса, Парламентга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга фуқароларнинг ишончи янада ортишига муносиб ҳисса қўшишган бўларди.

Назорат учун саволлар:

1. Партия нашрлари тилида қандай камчиликлар учрайди?
2. Мақолаларда сарлавҳанинг ҳажми қандай бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади?
3. Партия нашрларида қандай жанрлардаги материаллар устуворлик қилади?

4-БОБ.САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЁРИТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

4.1§.Оммавий ахборот воситаларида сайлов кампаниясини ёритишнинг ҳуқуқий асослари

Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи кўп жиҳатдан сайловларнинг қай даражада очиқ ва ошкора амалга оширилишига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, эркин ва адолатли сайловлар нафақат фуқароларнинг ўз овозларини бериш имконияти таъминланганлиги, балки уларнинг тегишли номзодлар ва умуман бутун сайлов жараёни тўғрисидаги ахборотларга бўлган ҳуқуқларини кафолатлашга ҳам боғлиқ бўлади.

⁹² Исроилов Б. Қонун лойиҳаси жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда // XXI аср, 2016, 19 сентябрь.

Сайловлар жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта бўлиб, бир томондан улар сайловчиларни сайлов жараёнларининг боришидан хабардор қилишса, иккинчи томондан сайловолди ташвиқотини олиб бориш, номзодларни ташвиқ қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қиладилар. Шу билан биргаликда, ОАВ вакиллари миллий ва халқаро кузатувчилар, ишончли вакиллар, сайлов штабларининг вакиллари билан биргаликда сайлов жараёнининг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаб, аҳолини сайлов натижалари билан таништирадилар. Демак, Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган сайловларнинг демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтказилишида журналистлар зиммасига катта масъулият юклатилади. ОАВ кенг жамоатчиликни сайлов жараёнлари тўғрисида изчил ва тизимли тарзда хабардор қилиб бориш билан бирга депутатликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларини электоратга етказиш учун минбар вазифасини бажаради. Фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида сайлов ўтказиш жараёни устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг сайлов ташвиқотида оид 271-моддасида алоҳида қайд этилганидек, сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари, шунингдек, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, интернет орқали амалга оширилади.

Хўш, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнидаги асосий фаолият йўналишлари нималардан иборат? Манбаларда бу борада бир неча омиллар эътиборга олинган:

1. **Маънавий-маърифий йўналиш.** Бунда сайловларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, шакллари ҳамда ибратли жиҳатлари, хорижий тажрибалар кенг ёритилади.

2. **Қонунчилик тарғиботи.** Сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайлов тўғрисидаги қонунчилик, ундаги ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида тушунча берилади.

3. **Ахборот тарқатиш йўналиши.** Сайловга тайёргарлик жараёни ОАВ орқали ёритиб борилади. Семинар-тренинглар, форумлар, давра суҳбатлари, конференциялар тафсилотлари ҳақида сайловчилар хабардор қилиб борилади.

4. **Сайловолди ташвиқоти.** Сиёсий партия ёки депутатликка номзодлар тарғиб қилинади. Бу муҳим жараён сайловчиларнинг муайян партия сайловолди дастурини, муайян номзодни ёқлаб ёки қарши овоз беришига туртки бўлади.

5. **Сайлов жараёни таҳлили.** Сайлов жараёни билан боғлиқ тенденциялар кенг ёритилади, унда сайловга тайёргарликнинг бориши, амалга оширилаётган ишлар, сайлов натижалари таҳлил қилинади.

6. **Жамоатчилик назорати йўналиши.** Сайловларнинг очиқ, ошкора ва қонуний ўтишига ёрдам кўрсатилади.

Ҳозирги пайтда дунёда инсоннинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик адолатли сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, уларни ОАВда ёритиш билан боғлиқ 30 дан зиёд халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген Кенгаши ҳужжати, Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларда фуқароларнинг сўз эркинлиги ва сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиши билан боғлиқ алоҳида нормалар қайд этилган. Табиийки, бу нормалар миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тамойил ва қоидалар асосида шакллантирилган бўлиб, бевосита миллий сайлов қонунчилигимиз халқаро сайлов стандартлари талабларига тўла мос келади. Бундай меъёр ва мезонлар эса мамлакатимиз сайлов тизимини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора амалга оширилади. Сайлов комиссиялари барча фуқароларга ўз қарорлари билан танишишлари учун шароит яратиб беради. Сайлов комиссиялари йиғилишларида номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар, журналистлар қатнашишлари мумкин. Сайлов куни сайлов участкасининг очилиши вақтидан бошлаб ҳамда овоз бериш натижалари аниқланган дақиқагача ҳар бир номзоддан биттадан ишончли вакил, аккредитациядан ўтган ОАВ вакиллари, ҳар бир сиёсий партиядан ёки бошқа жамоатчилик, нодавлат ташкилотларидан кузатувчи ва хорижий давлат ҳамда халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Сайлов комиссиясининг қарори ва фаолияти Марказий сайлов комиссияси ва суд томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб, агарда

амалдаги қонунчилик билан бошқа муддатлар белгиланмаган тақдирда ўн кун муддатда кўриб чиқилиши зарур.

Сайловчиларни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирлар хусусидаги ахборот билан таъминлаб бориш учун сайлов комиссиялари ОАВда:

- фуқароларни ўз фаолиятлари;
- сайлов участкаларининг чегаралари, участка сайлов комиссияларининг таркиби;
- ҳудудий сайлов комиссиялари таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақти;
- номзодларни рўйхатга олинганлиги хусусидаги маълумотлар;
- учрашув жойини кўрсатган ҳолда номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашиш жадвали;
- сайловчиларнинг рўйхатлари,
- сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадидлар,
- депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунларини ёритадилар.

Мажбурий ахборот материаллари маҳаллий ижро органлари томонидан таъсис этилган ОАВда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан сайлов тадбирларини амалга ошириш учун ажратилган маблағ эвазига чоп этилади. Марказий ва маҳаллий ижро органларининг даврий босма нашрлари сайлов комиссияларининг хабарлари, сайловда қатнашаётган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни ўз саҳифаларида бериб боришга мажбурдирлар. Оммавий ахборот воситалари зарур ҳолатларда зудлик билан тегишли сайлов комиссияларига сайловолди кампанияси ҳақидаги хабарларни ёритишга имкон яратиб берадилар. Шу билан биргаликда ОАВ сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради. Сайловчиларга ўз ҳуқуқларини қай тартибда амалга оширишларини тушунтиришга кўмаклашиб, сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаклланган амалиётимизнинг хусусиятлари ва хорижий тажриба ҳақида кенг кўламли ахборот ва маълумотлар беради.

Назорат учун саволлар:

1. ОАВнинг сайлов жараёнидаги фаолияти нималарда акс этади?

2. Сайлов комиссиялари томонидан ОАВда нималар ёритиб борилиши керак?

3. Сайлов куни ОАВ ходими сайлов участкасида бўлишга ҳақлими?

4.2§. Журналистларнинг сайлов жараёнида қатнашиши ва уни ёритишдаги ҳуқуқлари

Сайлов жараёнида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида ОАВ фаолиятини мувофиқлаштирувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари, хусусан “Ахборот олиш кафолатлари ва ҳуқуқи тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (айни пайтда Қонуннинг янги таҳрири устида иш олиб борилмоқда), “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, шунингдек “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонунлари асосида ўз фаолиятларини олиб бориб, журналист депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш, овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баёнларини тузишда ҳозир бўлиш, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш ҳуқуқига эга. Сайлов жараёнларини ёритадиган журналистлар амалдаги тартиб-қоидалар асосида аккредитациядан ўтказилади. Бу ҳақда кейинги параграфда батафсил маълумот берилади.

Амалдаги қонунчилик билан сайлов комиссиялари сайлов кампанияси ва сайлов ўтказилиши борасидаги ахборотни ОАВда ёритишга мажбурийлигидан қатъий назар журналистлар ўзлари қизиқтирган барча маълумотларни сайлов комиссиялари вакилларида олишлари мумкин.

Сайлов кампанияси вақтида журналистларнинг сўрови бўйича ахборот олишнинг умумий қоидалари амал қилиб, унга кўра ОАВ таҳририятининг ёзма сўровига жавоб уч кундан кечикмаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Агарда

сўровга рад жавоби бериладиган бўлса, у асослаб берилиши, жавоб кечиктирилган тақдирда ахборотни бериш муддати кўрсатилиши лозим.

Назорат учун саволлар:

1. Сайлов жараёнида ОАВ ва унинг журналистлари қандай ҳуқуқларга эга бўлишади?
2. Сайлов билан боғлиқ маълумотларни кимлардан олиш мумкин?
3. ОАВ сўровларига жавоб қанча муддатда берилади?

4.3§. Сайлов жараёнида журналистлар аккредитацияси

Аккредитация латинча “acredere” сўзидан олинган бўлиб, “ишонч билдириш” маъносини англатади⁹³ ва журналистларнинг ваколатларини эътироф этиш тартибини белгилайди. Мамлакатимизда 2006 йили аккредитация институтининг асослари, аккредитация қилиш тартиби, аккредитация қилинган журналист ва уни аккредитациядан ўтказган ташкилотнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизм яратилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги Низомлар қабул қилинди⁹⁴. Аккредитация журналистларнинг ваколатларини давлат ҳокимияти органлари томонидан эътироф этиш тартиботи бўлиб, унинг натижаларига кўра аккредитация қилган орган ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун журналистга аккредитация гувоҳномасини беради.⁹⁵

“Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан Марказий сайлов комиссияси матбуот, телевидение, радио вакилларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди. Журналист Марказий сайлов комиссиясида ёки сайлов комиссиялари қошида аккредитациядан ўтказилади. Ушбу жараён сайлов жараёнини холис ёритиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш учун маҳаллий ва хорижий журналистларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хузурида аккредитациядан ўтказиш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

⁹³ Журналист в поисках информации. Отв.ред. А. Симонов.- М.: 2004. 29 с.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2006 й.

⁹⁵ Ўсаров О. Давлат ҳокимияти органларида журналистларни аккредитация қилиш мажбуриятми ёки зарурат. - Т.: 2014. -12 б.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш учун маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказди.

2. Аккредитациядан ўтиш учун журналистлар белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

–Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси номига ОАВ расмий бланкасида журналистни аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

–аккредитациядан ўтказиладиган журналистнинг 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосурати;

–ОАВ давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома, электрон ОАВ учун эфирга узатиш лицензияси нусхаси, хорижий журналистлар учун – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси.

3. Кўрсатилган маълумотлар ва журналистнинг фотосуратларисиз тақдим этилган аризалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

4. Тақдим этилган ҳужжатлар юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда аккредитациядан ўтган журналистларга белгиланган намунадаги аккредитация гувоҳномалари (бейджиклар) топширилади⁹⁶.

Журналист аккредитациядан ўтган орган олдиндан уни йиғилишлар, кенгашлар ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида хабардор қилиши, тадбир баённомаси, стенограммаси ёки бошқа ҳужжатлар билан таъминлаши, йиғилишларда қатнашишига имкон яратиши зарур. Марказий сайлов комиссияси журналистларни аккредитациядан ўтказиш ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш борасида йўриқнома қабул қилиши мумкин. Айтиш жоизки, оммавий ахборот воситаларига тааллуқли амалдаги қонунчиликда журналистларни аккредитация қилмаслик борасида бирор бир модда мавжуд эмас. Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган брифинг ва матбуот анжуманларида иштирок этиш учун журналистлардан аккредитациядан ўтиш талаб этилмайди. Сайлов комиссиялари барча ОАВни уларнинг мулкӣ шаклидан қатъий назар сайлов жараёни бўйича ташкил

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 17 сентябрдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш учун маҳаллий ва хорижий журналистларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳузурида аккредитациядан ўтказиш тартиби.

этиладиган брифинг ва матбуот анжуманлари тўғрисида хабардор қилишлари зарур.

Агарда вилоят сайлов комиссияси журналистни аккредитациядан ўтказиш борасида рад жавобини берса ва таҳририятни матбуот анжуманлари хусусида хабардор қилишни унутса, уларнинг фаолияти хусусида ОАВ таҳририяти Марказий сайлов комиссиясига шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли. Бундай шикоятлар Марказий сайлов комиссияси томонидан шикоят келиб тушган кундан бошлаб беш кун мобайнида кўриб чиқилади. Сайлов комиссиясининг қарори ва фаолияти ёки фаолиятсизлиги борасидаги шикоятлар эса юқори турган комиссия томонидан унинг келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

Мамлакатимизда сайлов жараёнларини холисона ёритиш, кенг жамоатчиликни ва сайловчиларни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари билан таништириш, сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари, сайловда овоз бериш тартиби, депутатликка номзодларнинг фаолият кўрсатиши кафолатлари, сайлов комиссияларига у ёки бу вазиятда қандай тутиш бўйича методик ёрдам кўрсатиш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва билим даражасини кенгайтиришга қаратилган давра суҳбатлари, семинар ва бошқа анжуманлар ўтказиш, сайлов кампаниясининг барча босқичларида очиклик ва ошкораликни таъминлаш каби вазифаларни ҳал этиш борасида ижобий тажриба тўпланган.

Назорат учун саволлар:

1. ОАВнинг, журналистнинг аккредитацияси нима учун зарур?
2. ОАВга аккредитациядан ўтказишда рад жавоби берилса, муаммо қай тартибда ҳал этилади?
3. Қандай тадбирларда аккредитациясиз ҳам иштирок этиш мумкин?

4.4§. ОАВ орқали олиб бориладиган сайловолди ташвиқоти ва унинг ўзига хосликлари

Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди. Сайловолди ташвиқоти ОАВ орқали, оммавий тадбирлар(сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш ва бошқа сайловолди тадбирларни ташкил этиш)ни

ўтказиш, босма, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чоп этиш ва тарқатиш орқали амалга оширилади. Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари институтидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади. Сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади:

- сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

- депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

- Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

- оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

- босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

- сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

- Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуллари ҳам фойдаланиши мумкин.

Агар Марказий сайлов комиссияси сайловолди ташвиқот қоидалари бузилган ҳолда тарқатилган материални ташвиқот материали деб ҳисобласа, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Комиссия судга мурожаат этишга ҳақли.

Сайловолди ташвиқотини ёритишда ОАВда амал қилиниши лозим бўлган қоидалар:

1-қоида. Теле-радио ва босма ОАВда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бериш.

Миллий қонунчилигимизда белгиланганидек, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда, давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун тенг шароит яратиб берилиши, даврий матбуот нашрлари депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш билан боғлиқ чиқишлари учун тенг миқдорда босма майдони, бир хил жой, бир хил шрифт ва бошқа шу каби шароитларни таъминлаб беришлари лозим.

Масалан, 2009 йили ўтказилган сайловларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарорига кўра, давлат телевидениеси ва радиоэшиттириш ташкилоти томонидан депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга ажратиладиган бепул эфир вақтининг умумий миқдори ҳафтасига 40 дақиқа этиб белгиланди. Давлат даврий матбуот нашрлари томонидан эса ҳар ҳафтада улар учун ажратиладиган энг кам босма майдони умумий ҳафталик босма майдонининг камида 10 фоизини ташкил қилиши кераклиги қайд этилди. Алоҳида таъкидлаш керакки, давлат, нодавлат, хусусий телевидениеси ва радиоэшиттиришларида ажратиладиган бепул эфир вақти прайм-тайм (энг кўп томошабинлар (тингловчилар) йиғиладиган) вақтга тўғри келиши керак.

ОАВ рўйхатдан ўтган номзодларга эфир вақти, босма нашрларда майдон ҳажми бепул ва ҳақ тўлаш асосда берилади. Мазкур имтиёз у ёки бу номзод учун устуворлик бермаслиги лозимлигини унутмаслик керак. Ҳақ тўланадиган эфир вақти миқдори ёки босма майдонинининг ҳажми сайловолди ташвиқоти учун бепул ажратилган эфир вақти ёки босма майдони миқдоридан ошмаслиги лозим. Сайлов кампаниясида иштирок этадиган оммавий ахборот воситалари томонидан ажратиладиган эфир вақти, босма майдони учун ҳақ тўлаш шартлари ва бошқа талаблари барча номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши шарт. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, кўрсатиладиган ахборот хизматларига тўловлар тарифи оммавий ахборот воситалари томонидан мустақил тарзда белгиланади. номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказган ташвиқот тадбирлари билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратиш билан боғлиқ муносабатлар эса оммавий ахборот воситалари маъмуриятлари билан тегишли сиёсий партиялар ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Юқоридагилар билан бирга, Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда эфир вақти, босма майдони тақдим этишда оммавий ахборот воситаларига қўйиладиган талаблар ҳам назарда тутилади.

Улар қоида тариқасида асосан қуйидагилардан иборат бўлади:

– оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги кераклиги;

– телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, даврий матбуот нашрларида сайловолди тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блоки билан берилиши ҳамда уларда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, сиёсий партиялар учун ажратиладиган эфир вақти ва босма майдони ҳажми тенг бўлиши кераклиги;

– сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, сиёсий партияларнинг розилигисиз таҳрир қилиниши мумкин эмаслиги;

– сайловолди ташвиқоти материалларини эълон қиладиган даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари бирор-бир Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодга, сиёсий партияга нашр тиражи ёки даврийлигини ўзгартириш йўли билан устунлик беришга ҳақли эмаслиги (сиёсий партияларнинг нашрлари бундан мустасно).

Юқоридагилар билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари ишончли бўлмаган, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатишдан ўзларини тийишлари керак. Ўз ўрнида, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод таҳририятдан оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ишончли бўлмаган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларга раддия берилишини талаб қилишга ҳақли. Мақола эълон қилиш натижасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган депутатликка номзод мазкур оммавий ахборот воситасида раддия эълон қилишга ҳақли. Раддия ёки жавоб мазкур рукн остида ёки жавоб пайдо бўлишига сабаб бўлган материал жойлашган ўша саҳифада эълон қилиниши зарур.

Телевидение ёки радиоэшиттириш таҳририяти олган раддия ёки жавоб ўша дастур ёки кўрсатув (эшиттириш)лар туркумида эфирга узатилади. Агар асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнининг ҳажми ва узатиш вақти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига путур етказмаса, уни таҳрир қилишга йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилмаса ёхуд эълон қилишнинг белгиланган муддатини бузса, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзаро тенглик тамойилини тўлиқ таъминлаш мақсадида сайлов кампанияси пайтида муассислари (Кузатув кенгашлари ва бошқа органларнинг аъзолари) тегишлилиги бўйича сиёсий партиялар, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бўлган компаниялар,

ташкiлотларнинг хайрия фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилмайди.

2-қоида. Оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқотида иштирок этиш учун барча рўйхатдан ўтган номзодлар учун тенг имкониятларни яратиб беришлари зарур.

Номзодларни рўйхатдан ўтказиш муддати тугаган кундан бошлаб сайловолди ташвиқоти тугаганича номзодлар ўз дастурларини босма ва электрон ОАВда, интернет сайтларида ташвиқ қилиш ҳуқуқига эгалар. Номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун барча ОАВда чиқиш қилишлари учун тенг шароитлар яратилади. Номзодларнинг ёки сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишларининг кетма-кетлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан куръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида белгиланади. Номзодларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинадиган тартибда белгиланган миқдор ва ҳажмда бепул чиқиш ҳуқуқи берилади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, сайловолди ташвиқоти учун муайян депутатликка номзодга, сиёсий партияга ажратилган бепул эфир вақти ёки босма майдонидан бошқа депутатликка номзод, сиёсий партия фойдаланиши мумкин эмас.

3-қоида. ОАВда ижтимоий сўровларни эълон қилиш

Сайлов жараёни билан боғлиқ ижтимоий сўровлар эълон қилинганда ОАВ ижтимоий сўров ўтказган ташкилот, сўровга буюртма берган номзод ёки партияни, сўровнинг ўтказилган вақти, ахборотни йиғиш усуллари ва ижтимоий сўров натижаларини эълон қилиши лозим.

Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш кунини жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Назорат учун саволлар:

1. Сайловолди ташвиқоти нима?
2. Депутатликка номзодлар ёки сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти ОАВда қандай тартиб асосида амалга оширилади?
3. Сайловолди ташвиқотида нималарга йўл қўйилмайди?

4.5§ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати ва унинг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати мустақил бўлим ҳисобланади ва ўз фаолиятини оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш вазифаларини ҳал қилишга қаратган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, ОАВда, авваламбор, Комиссия фаолиятини холисона ва тезкор равишда ҳар томонлама ёритилишини ташкил қилиш орқали миллий сайлов тизими ҳақида ижобий жамотчилик фикрини шакллантириш унинг асосий вазифалари сирасига киради. Албатта, журналистлар томонидан сайлов жараёни хусусида тўлиқ маълумот олишга жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган фаолият билан шуғулланувчи Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати ёрдам беради. Бундан ташқари, Парламент сайловларини ўтказиш тажрибаси кўрсатганидек, жойларда ҳам вилоят сайлов комиссияларининг матбуот гуруҳларини тузиш ўзини оқлаб келмоқда. Чунки бундай матбуот тузилмаларининг асосий вазифаси оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов жараёнлари билан боғлиқ ахборотлардан тезкор фойдаланишга барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2004 йил 9 ноябрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти тўғрисида”ги Низомига⁹⁷ биноан Матбуот хизматининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

–Марказий сайлов комиссияси мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакилларининг қатнашишини, шунингдек Комиссия фаолиятида ошкоралик тамойилига риоя этилишини таъминлаш;

–Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини, сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишларни ёритиш учун оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатиш, сайлов кампанияси, референдум даврида ушбу жараёнларни ёритадиган журналистларни аккредитациядан ўтишини таъминлаш;

– сайлов кампанияси ва референдумни ёритиш бўйича Республика матбуот марказини ташкил этиш ва унинг иш режаси бўйича таклифларни тайёрлаш;

– сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини тушунтириш борасидаги фаолиятида Комиссия аъзоларига кўмаклашиш, улар ва котибият ходимларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкиллаштириш;

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий архиви

– сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан матбуот анжуманларини ташкил этиш;

– сайловолди ташвиқоти ишларини ўтказиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва бу тадбирларнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда Комиссия аъзоларига кўмаклашиш;

– “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси” – “Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” журналинини нашрга тайёрлаш ва чоп этилишини ташкил қилиш ва бошқалар.

Шу билан бирга, сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритишни мувофиқлаштириш учун сайлов кампаниясида давомида фаолияти сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида очиклик ва ошкораликни таъминлашга кўмаклашишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ташкил этилади ва унинг фаолият доирасини белгилайдиган Низом тасдиқланади. Матбуот маркази ўз фаолияти даврида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлар ва ўз фаолиятини тартибга соладиган Низом⁹⁸га амал қилади.

Қоида тариқасида Матбуот маркази раҳбар, унинг ўринбосари ва ходимлар таркибида иш олиб боради ҳамда Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Матбуот маркази ҳузурида жамоатчилик асосида журналистлар, экспертлар ва мутахассислар таркибида турли ижодий гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

Матбуот марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланадиган Низомда кўрсатилади. Қоида тариқасида унинг ҳуқуқларига қуйидагилар киритилади:

Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари аъзолари ҳамда бошқа сайлов ташкилотчиларининг сайлов қонунчилиги моҳиятини кенг оммага тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқишлари режасини ишлаб чиқиш ва Марказий сайлов комиссияси раисига тасдиқлаш учун киритиш;

Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ зарур маълумотларни сўраб олиш;

оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар сўровига биноан Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти билан келишган ҳолда унинг номидан

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий архиви

сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ баёнотлар ва маълумотлар бериш;

оммавий ахборот воситаларида тарқатилган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ асоссиз маълумотлар, ҳақиқий ҳолатга мос келмайдиган чиқишлар ҳамда бошқа қонунга зид материаллар юзасидан белгиланган тартибда раддиялар бериш;

сайлов кампанияси даврида амалдаги сайлов қонунчилигига зид равишда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситасининг жавобгарлиги масаласини тегишли тартибда кўриб чиқиш ҳамда аккредитация қилинган журналистларнинг аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари амал қилишини тугатиш ҳақида Марказий сайлов комиссиясига таклифлар киритиш ва бошқалар.

Қуйидагилар қоида тариқасида Матбуот марказининг мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ва аъзоларининг мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини ўрнатиш, интервьюларини, матбуот конференциялари ва брифингларини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ҳолисона ва тўлиқ ёритиш мақсадида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўтказадиган тадбирларга нисбатан ОАВнинг муносабатини таҳлил қилиш ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мажлислари, Комиссия томонидан ўтказиладиган семинар, конференциялар ва бошқа тадбирлар хусусида анонслар, расмий хабарлар тайёрлаш ва тарқатиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг турли йўналишлари бўйича мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг ахборот таъминотини ташкил қилиш;

сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга давлат телерадиоканалларида текин эфир вақти, газеталарда эса текин босма майдони ажратиш масалаларини Комиссия мажлисида муҳокама қилиш учун тайёрлаш ва тегишли қарор тайёрлашда иштирок этиш;

сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар давлат телерадиоканалларида ажратилган текин эфир вақти, газеталарнинг текин босма майдонидан фойдаланишини мониторинг қилиш ва Комиссия мажлиси муҳокамасига ушбу масала юзасидан ахборот материаллари тайёрлаш ишларида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мурожаатлари, баёноتلари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлашда қатнашади ва уларнинг оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш ва тарқатилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Жаҳон” ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агенликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ҳузуридаги матбуот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб бориш;

Марказий сайлов комиссияси ҳузурида аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакилларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ маълумот ҳамда материаллар билан таъминлаш;

Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга мўлжалланган баёнотларини тайёрлаш, Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти ҳамда аъзоларининг мақола, интервьюларини тайёрлашга кўмаклашиш;

Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган матбуот конференциялари материалларини тайёрлаш;

маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича эълон қилинаётган материалларни ўрганиб бориш, нотўғри маълумотлар тарқатилиши ва оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар томонидан йўл қўйилган бошқа қонун бузилишлар ҳақида Марказий сайлов комиссияси раҳбариятига тезкорлик билан маълумотлар тақдим этиб бориш;

номзодларга, сиёсий партияларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда бериладиган тенг ҳуқуққа риоя этилишида бевосита кўмаклашиш;

Марказий сайлов комиссиясининг Интернет тармоғидаги веб сайтини (www.elections.uz) мунтазам равишда материаллар билан таъминлаш, ўтказиладиган тадбирлар бўйича тегишли хабарларни сифатли, фактик

жихатдан аниқ ва тўғрилигини таъминлаган ҳолда зудлик билан киритиб бориш ишларини амалга ошириш;

сайлов кампанияси даврида округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг ишини мувофиқлаштириб бориш ва бошқалар.

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ҳузуридаги матбуот гуруҳлари, сиёсий партияларнинг ахборот хизматлари, шунингдек бошқа жамоат бирлашмаларининг ахборот хизматлари билан сайлов кампаниялари мобайнида вужудга келадиган масалалар юзасидан ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, Комиссиянинг веб-сайтига ахборот материаллари ва хабарлар жойлаштиради, ҳамда бошқа тадбирларни ҳам амалга оширади

Айнан шу каби вазифаларни, лекин тегишли ҳудуд доирасида вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ҳузуридаги матбуот гуруҳлари амалга оширади.

Назорат учун саволлар:

1. Марказий сайлов комиссияси матбуот марказининг вазифалари нималардан иборат?

2. Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

3. Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази қайси қонун ҳужжатлари асосида фаолият олиб боради?

4.6§. Сайловни ёритаётган журналистнинг касб одоби тамойиллари

Сайловни ёритишда ОАВга бир қанча қонуний талаблар қўйилади. Бу, ўз навбатида, ушбу сиёсий жараённинг очиқ, ошкора ва қонунларга мос тарзда ўтишини таъминлайди. Бунинг учун сайлов жараёни бўйича ахборотлар ҳақиқатга тўғри келиши ҳамда номзодлар, сиёсий партияларнинг қонуний манфаатлари бузилмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғри-сида”ги қонуни 6-моддаси “Оммавий ахборот воситалари эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги” деб номланади. Бу моддада, асосан, етгита муҳим йўналиш бўйича суиистеъмолликларга йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, уларнинг ҳаммаси конституциявий қоидалар талабларидан келиб чиққан.

Хусусан, оммавий ахборот воситаларидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи ахборот тарқатиш;

агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб этиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Бундай суиистеъмолликларнинг тақиқланишига қаратилган қоидалар соҳага доир бошқа қонунлар моддаларида ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 7-моддасида фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек, факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сири сифатида қонунлаштирилган. Ушбу модданинг иккинчи бандига кўра, журналистнинг журналистика соҳаси сири ҳисобланадиган маълумотларни бу маълумотлар манбаининг розилигисиз ошкор этиши, шунингдек, улардан ўзининг ғаразли манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб фойдаланиши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 13-моддасида: “Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради”, деб белгилаб қуйилган. Демак, сайлов жараёнларида журналистлар, оммавий ахборот воситалари бундай ахборотни тарқатишда қонун талабларидан келиб чиқиши зарурлиги тақозо этилади.

Сайлов кампаниясини ёритаётган ОАВ ёки журналистга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- Сайлов жараёни бўйича ахборотлар ҳақиқатга тўғри келиши керак;
- Номзодлар, сиёсий партияларнинг қонуний манфаатлари бузилмаслиги керак;
- Номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши керак;
- Ташвиқот материаллар тақдим этган номзод ёки сиёсий партия розилигисиз таҳрир қилинмаслиги керак.
- Нашрлар у ёки бу сиёсий партияга даврийлик ёки тиражда устунлик бермаслиги зарур;

• Муассислари (кузатув кенгашлари ва бошқа органларнинг аъзолари) тегишли сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакили бўлган компаниялар, ташкилотлар хайрия фаолиятини ёритмаслик;

• Хукуқи, қонуний манфаати бузилган партияга, номзодга раддия билан чиқиш имкониятини тақдим қилиш.

Агар журналист сайлов жараёнида номзод, у ёки бу партиядан кузатувчи, у ёки бу номзод ишончли вакили ёки уларга тўғридан-тўғри қариндошлик ҳолатида бўлса, унинг сайлов жараёнини ёритишда иштирок этиши, шунингдек сайлов жараёнини ёритишда журналистнинг партия аъзоси бўлиши тавсия қилинмайди.

Журналист сайлов куни қуйидагиларни бажариши мумкин:

- Сайлов участкасида ҳозир бўлиш;
- Сайлов жараёни, сайлов қутилари ҳолати, сайловчиларнинг яширин камерага кириб чиқишини кузатиши;
- Қайд қилиши, сурат ёки видеога олиши;
- Сайлов участкасидан ташқарида тегишли сайлов комиссияси вакили, кузатувчилар, ишончли вакиллар, сайловчилардан интервью олиши.

Журналист сайлов куни қуйидагиларни бажариши мумкин эмас:

- Сайлов участкасидаги ваколатли вакилларга ёрдам бериши;
- Сайлов жараёнига халақит қилиши;
- Сайловчига бюллетенни тўлдиришга кўмаклашиши;
- Бюллетенни санашга ёрдам бериши.

Шундай қилиб, сайлов кампанияси мобайнида сайлов комиссияларининг ОАВ билан алоқаларини таъминлаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Чунки сайлов комиссиялари фаолиятининг асосий принципларидан бири ошкоралик ва очиқлик тамойилидир. Бундан ташқари, сайлов комиссиялари сайловчилар, сиёсий партиялар, уларнинг ваколатли вакиллари, кузатувчилари, номзодлари, ишончли вакиллари билан бевосита ҳамкорлик қилади. Сайлов комиссиялари ОАВ билан алоқаларни ривожлантиришда босма оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио, Интернет тармоғи, веб-сайт, электрон почта, он-лайн конференциялар, он-лайн форумлар, ахборот-коммуникатив технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланади ва бу борада матбуот хизматларига таянади. Пировард мақсадида медиа рилейшнз фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ва қафолатланган сайлов ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

Назорат учун саволлар:

1. Сайловни ёритаётган журналистга қандай қонуний ва ахлоқий талаблар қўйилади?
2. Сайлов куни журналистга нималар мумкин ва нималар мумкин эмас?
3. Сайлов комиссияси ОАВ билан муносабатда қандай имкониятлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ?

5-БОБ. ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИНИНГ КАСБИЙ АХЛОҚИ

5.1§. Депутатлар фаолияти ҳақидаги материалларда стереотиплар ва архетиплар

Оммавий ахборот воситаларида Парламент фаолиятини ёритиш билан боғлиқ стереотиплар, яъни бир қолипга тушиш ёки бир томонлама қарашларнинг мавжудлиги ачинарли ҳол. ОАВда стереотип тушунчаси америкалик журналист Уолтер Липпман томонидан 1922 йили “Жамоатчилик фикри” асарида илк мартаба қўлланилиб, у стереотипга “инсоннинг шахсий тажрибасидан келиб чиқмаган, олдиндан қабул қилинган тасаввур”⁹⁹ дея таъриф берган. У.Липпманнинг айтишича, стереотиплар бошқаларнинг фикрини текширмай, қабул қилиш орқали вужудга келади. Аммо улар абадий эмас. Жамият ривожланган ва ОАВ ўз йўналишини ўзгартирган сари улар йўқолиши мумкин.

Стереотиплар бошқаларнинг фикрини текширмай, қабул қилиш орқали вужудга келади.

Ижтимоий стереотипларни таҳлил қилар эканмиз, республика ва хорижий босма ОАВнинг мониторингига кўра, уларда берилган материалларда қуйидагиларни кўриш мумкин:

1. Одамлар қатта ижтимоий гуруҳларга осонгина ҳолис бўлмаган, қўпол баҳолар беришади.
2. Мазкур тавсифлар ёхуд баҳо узоқ муддат сақланиб қолади.
3. Ижтимоий стереотиплар жамиятдаги ижтимоий, сиёсий ислохотлар натижасида ўзгаради, аммо бу жараён жуда ҳам секинлик билан амалга ошади.
4. Гуруҳлар ўртасида низоларнинг кучайиши натижасида ижтимоий стереотипнинг салбий томонлари кучаяди.

⁹⁹ Уолтер Липпман. Общественное мнение. -М., 1922 г. 23 с.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари таҳлил этилганда, аксарият ҳолатларда уларда Парламент фаолиятини ёритишда турлича қарашлар мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Аммо сўнгги йилларда депутатларнинг фаолиятсизлиги оқибатида уларга нисбатан ишончнинг сусайганлиги аҳолида стереотипларнинг шаклланишига асос бўлди. Шундай стереотиплардан айримларини кўриб ўтамиз.

1-стереотип.

Депутатлар атрофдаги содир бўлаётган воқеаларга пассив муносабатда бўлишади.

Телевизор орқали Парламентда қонун қабул қилиш жараёнлари кўрсатилган лавҳаларда ҳам депутатларнинг пассив фаолияти мазкур ишончсизликни кучайтиради.

2-стереотип.

Депутатлар ўз сайловчиларини чалғитишади.

Сайлов пайтида дастурларини эълон қилган депутатлар, албатта ўз сайловчилари билан учрашиш чоғида дастур доирасида фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун бир қанча ваъдалар беришади. Аммо сайлангач, аксарият ҳолатда мазкур ваъдалар унутилади. Ваҳоланки, Президентимиз томонидан депутатлар ва сенаторларга бир ой ичида 10 кун давомида ўзлари сайланган вилоятнинг бир туманига бориб уйма-уй юриб муаммо ва таклифлар билан танишиб боришлари ҳамда ўша туман поликлиника, тез ёрдам пунктлари шароити, мавжуд камчиликларни ўрганишлари талаби қўйилган. Албатта депутатлар орасида бевосита ўз вазифасини сидқидилдан бажараётганлар ҳам оз эмас. Бу нарса баъзи депутатларга нисбатан сайловчилари ишончининг сўнишига олиб келди.

3-стереотип.

Депутатлар фақатгина шахсий манфаатларини амалга ошириш учун сайланишга интилишади.

Мамлакатимизда депутатларга белгиланган имтиёзлар унчалик кўп ва катта эмас. Унинг бошқа манбадан даромад олиши қонун билан тақиқланади. Депутатлар жамоат транспортдан текинга фойдаланиш ҳуқуқига эга. Йўналишли таксилар бундан мустасно. Депутатлар фаолиятлари давомида 1-марказий поликлиникага бириктирилади ва 1-марказий клиник шифохонасида даволаниш ҳуқуқига эга. Бу уларнинг тиббий-ижтимоий муҳофазасини таъминлаб, профессионал фаолиятини самарали амалга оширишга хизмат қилади. Уй-жой учун кредитлар депутатларга ҳам барча фуқароларга қай тарзда берилса, шу тарика ажратилади.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан сайланган депутатлар учун хизмат уйлари ажратилади. Депутатлик ваколатлари тугагач, улар топширилади. Депутатга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

4-стереотип.

Парламент қабул қилаётган қонунларнинг аксарияти суст ишламоқда.

26 йиллик мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасида жаҳон андозаларига мувофиқ янги қонунчилик базаси ишлаб чиқилди. Ҳар йили маънан эскирган қонунлар қайта кўриб чиқилиб, долзарб муаммони акс этувчи қонунлар қабул қилинади. Аммо ўтган йилларда қабул қилинган баъзи бир қонунларнинг бугунги кун талабларига мос келмаслиги, шу билан биргаликда фуқаролар ҳуқуқлари билан биргаликда мажбуриятларини аксарият ҳолатда бажармасликлари мазкур стереотипнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Хўш, Парламент ва депутатларнинг фаолияти ҳақидаги стереотипларни бартараф этиш мумкинми? Албатта йиллар давомида шаклланган стереотипларни бузиш жуда ҳам қийин. Бунинг асосий йўлларида бири ОАВда бевосита қонун чиқарувчи ва қабул қилувчи органларнинг фаолиятини турли хил ракурсларда ёритиш, депутатнинг бугунги кундаги жонли фаолияти, халқ билан мулоқоти, депутат сўровларининг бажарилиши ҳақидаги материалларнинг чоп этилиши қисман бўлсада юқорида келтириб ўтган стереотипларни бартараф этишга хизмат қилади. Бунинг учун қиёсий метод қўл келади. Парламентнинг кечаги ва бугунги фаолиятини қиёслаш, шунингдек депутатлар сўрови орқали муаммоларнинг ҳал бўлаётганлигини жонли тарзда кўрсатиш, қабул қилинаётган қонунлар ўзида бевосита йиллар давомида халқни қийнаб келётган муаммолар ечимини акс эттирганлигини шарҳлаб бериш, “Депутатнинг бир куни”, “Депутат билан мулоқот”, “Парламент ҳаёти”, “Парламент соати” каби рукнлар остида босма, электрон ва мультимедиавий материалларнинг кўплаб тайёрланиши ва уларнинг ижтимоий тармоқлар орқали илгари сурилиши юқорида келтириб ўтган стереотипларни бартараф этиши, шубҳасиз.

Назорат учун саволлар:

1. Стереотип нима?
2. Парламент ва депутатларнинг фаолияти ҳақида қандай стереотиплар мавжуд?
3. Стереотипларни йўқотишнинг қандай усуллари бор?

5.2§. Парламент журналистининг касбий мажбуриятлари ва ахлоқий тамойиллари

Парламент журналисти Парламент ва аҳоли ўртасида воситачидир. Шу боис Парламент фаолиятини ёритишда журналист холислик, ишонччилик ва тезкорлик тамойилларига риоя этиши зарур. Парламент журналисти аввало:

- Парламент фаолиятини фақат холис ва ҳаққоний ёритиши лозим.
- Парламент ва депутатлар ҳақида факт йиғиш жараёнида ахборотни ёлгон йўллар, кўрқитиш ва таъмагирлик билан олмаслиги керак;
- Парламент ёхуд депутат ҳақида нотўғри ахборот тарқатилганда ўзи фаолият юритадиган ОАВ орқали дарҳол расмий раддия бериши керак;
- интервью пайтида суҳбатдошига босим ўтказмаслиги ва яширин ҳолда диктофон ва бошқа ёзув қурилмасидан фойдаланмаслиги зарур;
- фақатгина ишончли ахборот манбаларидан олинган маълумотларни чоп этиши керак;
- ахборот кампанияларини фуқаролар ва ташкилотлар дискредитацияси мақсадида ўтказиш тақиқланади;
- агар узатилаётган хабардаги фактлар аниқ бўлмаса, телетомошабин ёки радиотингловчи янгиликни икки ёки уч томонлама тушуниши мумкин;
- миш-мишларга йўл қўймаслиги зарур;
- қандай ҳолатда ва қандай кўринишда бўлмасин ўзининг сиёсий хайрихоҳлиги ёки аксинча кайфиятини депутатлар фаолиятини ёритишда намоён этмаслик керак;
- холис ахборот ўрнига бўлаётган воқеаларга оид ўз фикр-мулоҳазаларини баён этмаслик зарур;
- етарлича текширилмаган ахборотдан фойдаланмаслик зарур;
- депутатларнинг тасодифий айтилган, аммо сиёсий маслагага мутлақо мос тушмайдиган маълумотлардан иборат гапларини ёритмасликлари керак;
- депутатлар фикр-мулоҳазаларидан иқтибослар беришда суиистеъмолликка йўл қўймасликлари зарур;
- мафкуравий ёрликлар, ҳақоратомуз иборалар ва шу каби бошқа номатлуб сўзларни қўлламамасликлари лозим.

2006 йил 23 мартда бўлиб ўтган “Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш – жамиятнинг демократлаштиришнинг энг муҳим омили” мавзусидаги конференцияда республикадаги босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари томонидан “Босма оммавий ахборот

воситалари ва ахборот агентликлари хартияси” қабул қилинган бўлиб, унга кўра¹⁰⁰:

– ўз фикр ва қарашларини эркин ифода этадиган шахс ёки ижтимоий гуруҳ, аввало, мунозара маданияти қоидаларига амал қилиш, аниқ, асосланган мақсадларга эга бўлиш, бирон дастурий вазифани унинг оқибати учун жавобгарлик билан бирга зиммага олиш зарурлиги хусусидаги қоидага риоя этиш;

– фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги қонун талабларига, миллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг маънавияти, одоб-ахлоқига зид бўлмаслигини ёдда тутиш;

– ижтимоий манфаатлар ва умуминсоний қадриятларга риоя қилишда профессионал фаолиятнинг барча ҳолатларида етук фуқаролик хусусиятларини намоён қилиб, алоҳида шахс ҳуқуқларини тан олиш;

– юксак инсонийлик фазилатларни намоён этиб, шахс шаъни ва кадр-қимматига ҳурмат билан қараш, умумқабул қилинган ахлоқ меъёрларини такомиллаштириш;

– ўқувчи ҳукмига кимнингдир шахсий эҳтиросларига эмас, мутахассис мулоҳазаларига асосланган таҳлилий материаллар ҳавола қилиш;

– журналистика жанрларидан оқилона ва маҳорат билан фойдаланиш, далиллар ва воқеликни бузиб кўрсатувчи усуллардан қочиш;

– ахборот йиғишнинг махфий усулларидан фақат фавқулодда вазиятларда, яъни жамоатчилик осойишталиги ёки одамлар ҳаётига жиддий хавф юзага келганда ёхуд жамият учун алоҳида муҳим бўлган матнни кўлга киритишнинг бошқа имконияти бўлмаганда аудиторияни хабардор этган ҳолда фойдаланиш, маълумот олиш учун манбалар билан ишлашда маънавият ва ахлоқ меъёрларидан четга чиқмаган ҳолда қонунга мувофиқ ҳаракат қилиш;

– материаллардан манфаатдор бўлган манбаларга ҳақ тўламаслик;

– ахборот мазмунини ташқи таъсир эмас, балки далил ва воқеалар асосида тайёрлаш;

– маълумот олишда жисмоний ва юридик шахсларнинг рад этиш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ахборот олишнинг қонун билан кафолатланган ҳолатларидан ташқари ҳолларда босим ўтказмаслик, товламачиликка йўл қўймаслик, одоб қоидаларига риоя қилиш;

– мақола ёзганда одамни камситадиган ҳар қандай эҳтиётсиз мулоҳаза, танбеҳ ва киноялардан, айниқса, унинг ирқи, миллати, дини, муайян жисмоний камчилиги ва касаллигини пеш қилиб иззат-нафсига тегишдан, исм-шарифи,

¹⁰⁰ Н.Нурматов, Н.Қосимова. Сайлов жараёнларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли. Журналистлар учун амалий қўлланма. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. 109 б.

ташқи кўринишидан кулишдан, суд қарорисиз унга жиноятчи сифатида қарашдан тийилиш;

– бирон маълумотдан фойдаланаётганда унинг аниқлиги ва тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш, барча ахборотларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлигини белгилашнинг юқори меъёрларига амал қилиш ва бошқа бир қатор профессионал қоида ва меъёрларга амал қилишни ўз зиммаларига олганлар.

Шу билан бирга, мазкур Конференцияда “Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси” ҳам қабул қилинган бўлиб, унга биноан, журналист ўз вазифасини адо этишда қуйидагиларга амал қилиши шарт:

– объектив воқеликни рост акс эттириш орқали одамларнинг ҳаққоний ва рост ахборот олишини кафолатлаши;

– умумэътироф этилган ахлоқ-одоб меъёрлари, шунингдек, ўзаро муносабатлар мезонларига риоя этиши, гўзал инсоний фазилатларни намоён қилиши, инсон шаъни ва кадр-қимматини ҳурматлаши;

– инсон шаъни ва унинг шахсий ҳаёт кечиретишга бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилиши, халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунлар талабларига мувофиқ инсон ҳуқуқлари ва унинг шаънини ҳақоратлар, ғийбатлар, уйдирма ва айбловлардан ҳимоялаши;

– оммавий ахборот воситаларидан жамият манфаатларига, шахс ҳуқуқи ва унинг қонуний манфаатларига зид равишда фойдаланиш, шунингдек, уруш, зулм ва зўровонлик, миллатлараро зиддиятлар, миллий, ижтимоий ва диний келишмовчиликларни тарғиб қилиш, порнографияни тарқатиш, жамоатчилик фикрини чалғитиш ва ошкораликни монополлаштиришда фойдаланишга йўл қўйилмаслигини ёдда тутиши;

– жамият манфаати йўлида хизмат қилиш ўша жамият ва фикрлар хилма-хиллигини акс эттириш асносида воқеа ва масалаларни ёритаётиб, жўн ва юзаки ёндашувларга йўл қўймасликни тақозо этишини тан олиши;

– тажовузкор урушлар, қуролланиш пойгалари, зўравонлик, золимлик, нафрат ва камситишнинг ҳар қандай шакллари тарғиб қилиш ёки оқлашдан тийилиши;

– ўзбек халқининг анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда ўз масъулиятини тушуниши.

Шу ўринда журналистнинг касб маҳорати нималардан иборат эканлиги ҳақида ҳам фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Журналистнинг касб маҳорати, мутахассис олимларнинг фикрига кўра, қуйидагилардан иборат:

– касби билан боғлиқ барча ишларни виждонан, адолатли, ҳалоллик ва қатъият билан бажариш, мулоҳаза билан иш юритиш;

– ўз ўқувчиларида бошқа халқларнинг эҳтиёжларини жинси, ирки, тили, миллий мансублиги, диний қарашлари ва ғоявий эътиқоди қандай бўлишидан қатъи назар, ҳисобга олиш ҳиссини уйғотиш орқали миллатлараро муносабатлар маданияти тарбиясига кўмаклашиш;

– айбини суд исботламагунча, ҳар бир одам айбсиз, деган қоидага амал қилиш;

– шахсий эҳтиросларга эмас, мутахассис мулоҳазаларига асосланган таҳлилий ахборотларни тарқатиш;

– ахборот манбаининг махфийлигини ҳимоялаш бўйича барча мажбуриятларни бажариш;

– ахборот мазмунига сиёсий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилувчиларга, шунингдек, хабар тўпловчи ёки тарқатувчи шахсларни кўрқитишга уринувчиларга қарши туриш;

– ўқувчилар билан очиқ мулоқотда бўлиш, жамоатчиликнинг ўз фаолиятига нисбатан одил талабларини тўғри қабул қилиш, танқидга жавоб бериш имкониятларини яратиш ҳамда мавжуд хатоларни тезлик билан тўғрилаш орқали одамларнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

– маълумот олишда жисмоний ва юридик шахсларнинг рад этиш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ахборот олишнинг қонун билан кафолатланган ҳолатларидан ташқари барча ҳолларда босим ўтказмаслик, товламачиликка йўл қўймаслик, одоб қоидаларига риоя қилиш;

– журналистлар ҳамкорлигининг мақсад ва манфаатлари муштараклигини ҳурмат қилиш, касбий бирдамликни жамиятдаги барқарорлик ва ўзаро ишонч муҳитининг муҳим омили сифатида баҳолаш;

– ҳокимиятга жамият ҳаётини бошқаришни амалга оширишга мўлжалланган муҳим ижтимоий институт сифатида ҳурмат кўрсатиш;

– ушбу касбнинг энг яхши вакилларидан ўрнат олиш;

– ахборот ва коммуникация соҳасидаги халқаро муносабатларни кенгайтиришга кўмаклашиш, тинчликни, халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;

барча ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқаролари манфаатлари устуворлигини тан олиш¹⁰¹.

Шундай қилиб, юқорида зикр этилган тавсиялар Парламент журналистининг масъулияти, одоб қоидалари ва касбий мажбуриятларига, шунингдек, Парламент фаолиятини кенг ошкоралик асосида тузилиши принципига амал қилган ҳолда фаолият юритишга хизмат қилади.

¹⁰¹ Н.Нурматов, Н.Қосимова. Сайлов жараёнларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли. Журналистлар учун амалий қўлланма. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. 110 б.

Назорат учун саволлар:

1. Парламент журналистининг касбий ахлоқи деганда нималарни тушунасиз?
2. Парламент журналистига қандай касбий мажбуриятлар юкланади?
3. Журналистнинг касб маҳоратига нималар киради?

6-БОБ. ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ ХИЗМАТИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ

6.1§. Парламент имижини шакллантириш ва халқ билан мулоқотда транспарентликни таъминлашда ахборот хизмати фаолиятининг ўрни ва аҳамияти

Парламент имижини шакллантиришда унинг ахборот хизматининг роли катта. Шу билан биргаликда у журналистларнинг ахборот олишдаги яқин ёрдамчиси ҳамдир.

! *Имиж* – ташкилот ёки шахснинг образи, акси; у ўша шахс ёки ташкилотнинг мақсадли (танланган) аудитория билан мулоқот қилиш воситаси. Бу образ – билим, лекин энг асосийси, бу образ – маъно, у мақсадли аудиториянинг манфаатларига мувофиқ равишда яратилади¹⁰².

Образда эмоционал баҳо ўз ифодасини топган, соддалаштирилган бўлиб, унда яна бир неча хусусиятлар мавжуд бўлади, яъни аудитория онгида осонгина қолади ва аудиторияга бирор белги орқали мурожаат қилинганда, осонгина қайта тикланиш хусусиятига эга. Имиж – бу яхлит образ.

Имижнинг функциялари:

– билиш (ахборий) – аввало, нима қилмоқчи эканлиги ва эришиш имкони бўлган (потенциалга эга бўлган) мақсадлар режалаштириб олинади, кўзланган ниятга эришиш йўлида барча ахборотлар тўпланади, анализ ва синтез қилинади ҳамда прогнозлаштирилади;

– номинатив (номлаш, ўз услуби ва ўз ибораларига эга) – бошқаларни такрорламаган ҳолда индивидуал имиж яратиш тушунчаси билан баробар. Бу борада ўзига хос лексикадан, ноанъанавий слоганлардан, кутилмаган шиор, баннерлар ва роликлардан фойдаланилади;

¹⁰² Қосимова Н., РаҳимоваФ. Нодавлат но тижорат ташкилотлар имижини шакллантириш: назария ва амалиёт. Ўқув-амалий қўлланма. –Т.: Журналистларни қайта тайёрлаш маркази. 2015, 12 б.

– эстетик (ташувчини руҳини кўтаради) – аввало, атрофдагиларга эстетик таъсир ўтказа олишга ишонч бўлиши зарурлигини назарда тутаяди;

– манзилли (аудитория аниқланади) – ишламоқчи бўлган аудитория доирасини аниқлаб олиш ҳамда ана ўша аудитория талаб ва эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда ҳаракат қилиш кераклиги тушунилади.¹⁰³

Имижни яратиш босқичлари:

Имиж – бу кимга ёки нимагадир бўлган эҳтиёж образи. Шу ўринда, бу эҳтиёжни қуйидаги кетма-кетликда тушуниш ва тавсифлаш мумкин:

а) у мақсадли аудиторияни аниқлаш ва бозорни ўрганишдан бошланади;

б) идеал образларнинг хусусиятлари аниқлаб чиқилади;

в) ташқи маълумотлар: коммуникатив жиҳатлар, интеллектуал сифатлар.¹⁰⁴

Имиж – динамик конструкция, у хулқ-атвор томондан оқланиши керак. Қабул қилиш, қилиниш эффеқтлари самарали бўлиши керак. Бундай таъсирларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ореол эффеқти (галоеффеқт) – ахборот аудитория онгида анча кенг тарзда очиб берилади;

– яқин вақт самараси – таниш имиж учун охирги ахборот қимматли, нотаниши учун эса биринчиси;

– марказ самараси – тасаввурни соддалаштириш.¹⁰⁵

Парламент имижининг асосий хусусиятларини қуйида келтирилган уч вазиятни ҳисобга олган ҳолда тавсифлаш мумкин:

Биринчидан, Парламент имижи объектга нисбатан доимо соддалаштирилади;

Иккинчидан, аудитория онгида бу имиж ўзининг мустақил ҳаётига эга, бу эса, унинг ўзгарувчанлигидан ва ўзгаришидан далолат беради;

Учинчидан, у реал ва исталаётган ҳолат ҳамда қабул қилиш ва тасаввур орасида бўлади.¹⁰⁶

Имиж – бу Парламентнинг мақсадли аудитория учун ўзи ҳақида яратмоқчи бўлган, мақсадли аудиториянинг Парламент ҳақида мавжуд бўлган тасаввурларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳисобланади. Имижни шакллантириш жараёни икки йўналишда ички ва ташқи мақсадли аудиторияга йўналтирилган бўлиши керак. Имиж ҳар доим ички ва ташқи бирликнинг маҳсулида шакллантирилади. Имиж ҳақиқий, оригинал, мутаносиб, аниқ йўналишига эга бўлиши муҳимдир. Ҳақиқий имиж Парламентнинг ўзига хос хусусиятлари ва аслида мавжуд бўлган образига мос келади. Агар имиж мутаносиб бўлса, у

¹⁰³ Sampson E. The image factor. A guide to effective selfpresentation for career enhancement. – London, 1994. – P.12.

¹⁰⁴ Patterson T., McClur R. Images in Advertising. –Chicago: Univ.Press, 2000. –P.74.

¹⁰⁵ Bruce B. Image of Power. – London, 1992. – P.37.

¹⁰⁶ Patterson T., McClur R. Images in Advertising. – Chicago: Univ.Press, 2000. – P.73.

эскирмайди, урфдан қолмайди ва турлансада ўзгармас қиёфада қолгандек туюлади. Аниқ йўналишга эга бўлиш – бу аниқланган мақсадли аудиторияни ўзга жалб қила олиш демакдир.

Парламент имижни шакллантиришда фойдаланиладиган асосий воситалар:

➤ Парламентнинг ўзига хос услуби (Парламентнинг номи, рамзи, шиори ва бошқалар)

➤ визуал воситалар

➤ вербал воситалар

➤ PR

Парламент имижини шакллантириш тўртта асосий босқичда амалга оширилади:

1. Имиж асосини яратиш (мақсади, вазифалари, фалсафаси, қадриятлари, тамойиллари, стандартларини аниқ белгилаб олиш);

2. Ички имиж;

3. Ташқи имиж;

4. Имижни “ушлаб туриш”.¹⁰⁷

Ҳар бир босқич амалга оширилиш жараёнида учта муҳим вазифанинг ечимига йўналтирилиши керак. Булар:

– аудитория билан самарали ишлаш ва юқори кўрсаткичларга эришиш;

– муваффақиятли ва омадли имижни “қўлдан бой бермаслик”;

– аудитория билан эмоционал алоқа ўрнатиш.¹⁰⁸

Парламентнинг ички имиж

Парламентнинг ички имиж – “ички жамоатчилик” яъни, Парламент иккита палатасининг сенатор ва депутатлари билан муносабатларни барпо этиш.

Парламентнинг ички имижини шакллантиришни босқичма-босқич амалга оширамыз.

Биринчи қадам. *Диагностика (таҳлил)* – Парламентнинг ички маданияти ва муносабатлар ҳолатини ўрганиш. Парламентда мавжуд бўлган асосий қадрият ва мезонларни аниқлаш, уларни қиёсий таҳлил қилиш. Коммуникация каналлари оқимидаги бўшлиқларни аниқлаш.

Иккинчи қадам. *Ягона ахборот маконини шакллантириш* – Парламентда ички ОАВни ташкил этиш (журнал, сайт, ижтимоий тармоқ, электрон дастурлар ва бошқалар).

Учинчи қадам. *Ички қоидалар ва ахлоқий меъёрлар мезонини яратиш (Кодекс).*

Тўртинчи қадам. *Мониторинг ва истиқболдаги вазифаларни белгилаш.*

¹⁰⁷ Bruce B. Image of Power. – London, 1992. – P.37.

¹⁰⁸ Patterson T., McClur R. Images in Advertising. – Chicago: Univ.Press, 2000. – P.73.

Парламентнинг ташқи имиж

Парламентнинг ташқи имиж – “ташқи муҳит”, яъни тарафдорлар, ҳукумат ва мақсадли аудитория билан муваффақиятли муносабатларни ўрнатиш.

Парламентнинг ташқи имижини шакллантиришдаги алоқа воситалари мажмуи:

1. Media relations (Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик)
2. Government relations (Давлат органлари билан ҳамкорлик)
3. Public relations (Жамоатчилик билан алоқалар)

Парламентнинг ташқи имижини қуйидаги фаолият турлари ёрдамида шакллантирилади:

1. Мақсадли аудитория вакиллари билан индивидуал ишлаш.

Бу жараён шахсий учрашувлар, телефон музокаралари, ёзишмалар, тадбирдан олдин ёки кейин ташкил этиладиган мулоқотлар воситасида амалга оширилади.

2. Ахборот материалларини тайёрлаш ва тарқатиш.

Бу жараёнда мақсадли аудиторияни тўлалигича эгаллаб олиш мақсадида ОАВ билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш керак бўлади. Ахборий материалларни аудитория томонидан ўзлаштирилишига қараб қуйидагича таснифлаймиз:

- ✓ босма материаллар
- ✓ аудио материаллар
- ✓ визуал материаллар

Босма материалларнинг “Кичик шаклдаги” энг кўп фойдаланиладиган турлари:

- таклифнома
- анонс
- пресс-релиз
- дастур
- бэкграундер, ёки ахборот варақаси
- савол-жавоблар варағи
- хотиранома
- пресс-кит
- эълон
- пост-пресс-релиз
- баёнот
- мурожаат
- очиқ хат

Босма материалларнинг “Катта шаклдаги” энг кўп фойдаланиладиган турлари:

- буклет

- брошюра
- каталог
- газета ва журналлар
- китоблар

Аудиоматериаллар кенг тарқалган шакллари:

- радиоролик (джингл)
- аудио кетма-кетлик
- тарқатма материаллар (CD/MP3)

Визуал материаллар ахборотни кенг ва самарали тарқатиши имкониятини беради. Булар:

- видео материаллар (видеоролик, видеотақдимот)
- фото материаллар
- электрон материаллар (диск, дискета, флешка)
- ахборот стендлари

3. Реклама материалларини тайёрлаш ва тарқатиш.

Бу жараёнда ахборотни босма, аудио, визуал кўринишларда тақдим этиш мумкин.

- албатта ташкилот логотипидан фойдаланиш
- визитка (ташриф қоғози)
- табрикномалар
- флаерлар
- тақвимлар
- наклейклар
- билетлар
- купонлар
- плакатлар
- баннер
- билборд
- реклама тахтаси
- жингл, видеоролик, ижтимоий реклама
- эсталик совғалари (Парламент, ёки сиёсий партиянинг фоалияти ҳақида кичик ахборот тарқатувчи буюмлар, ручка, ён дафтар, футболка ва бошқалар)

4. Жамоатчилик олдида чиқишлар қилиш.

Бу жараёнда ОАВ ва интернет коммуникация воситаларидан фойдаланиш яхши самара беради.

5. Оммавий тадбирларни ташкил этиш.

- анъанавий тадбирлар (матбуот анжумани, давра суҳбатлари)
- махсус тадбирлар (event – форумлар, team building)

Парламентнинг оддий фуқаролар билан мулоқоти муҳим аҳамиятга эга. Айнан жамоатчилик билан алоқаларнинг мустақамланиши халқда Парламентга бўлган ишончни уйғотади.

! “Public Relations” (PR), яъни жамоатчилик билан алоқалар аниқ, ҳаққоний ахборотларга асосланган, ўзаро бир-бирини тушунишни уйғунлаштирувчи санъатдир. “Public Relations” иборасини АҚШнинг учинчи президенти Томас Жефферсон 1807 йили “Конгрессга еттинчи мурожаати”да илк мартаба қўллаган¹⁰⁹. Мақсад - ҳукуматнинг жамоатчилик билан алоқаларини давлат даражасига кўтариш, илмий-ташқилий жиҳатдан йўлга қўйиш эди.

“Public Relations” фани асосчиларидан бири Эдвард Бернайз бу иборанинг моҳиятини “жамият манфаатлари йўлидаги ҳаракатдир”,¹¹⁰ деб таърифлайди.

Парламент ахборот хизмати томонидан жамоатчилик билан алоқалар ўрнатишда пиар кампаниядан фойдаланиш самара беради.

PR-кампания мақсадли, тизимли равишда ташкил этилган ва амалга оширилган, ташкилотнинг аниқ муаммосини ҳал этишга йўналтирилган тадбирлар ва усуллар мажмуасидир¹¹¹. PR-кампания ўтказишни режалаштириш Парламент фаолияти ҳақида аҳолига тўлиқ маълумот бериш ва таништиришдир.

Парламентнинг имижини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида PR фаолияти қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи:

- ғояларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- жамоатчилик фикри таҳлили;
- вазифаларни белгилаб олиш.

2. Асосий босқич:

- PR-компаниясини режалаштириш ва ривожлантириш;
- “ахборот тизгини”ни яратиш;
- ишнинг самарадорлигига ҳисса қўшадиган одамлар, гуруҳлар ёки жамиятнинг ижтимоий қатламлари билан алоқани йўлга қўйиш;

- реклама компаниясини ўтказиш;
- дастлабки мониторинг (назорат);

3. Яқунловчи босқич:

- олинган натижаларни баҳолаш;

¹⁰⁹ Муминов Ф. Паблик рилейшнз: история и теория. Т.: Ижод дунёси, 2004, Б.32.

¹¹⁰ Verneys E. L. The Later Years. Public Relations Insights 1956-1986.-Rhinebeck: Free Press, 1986. P.12.

¹¹¹ Шишкин Д.П., Гавра Д.П., Бровко С.Л. PR-компания: мето дология и технология: Учебное пособие. – СПб.: Роза мира, 2004. С.67

□ истикболдаги режаларни таҳлил қилиш.

Биринчи, яъни тайёрлов босқичида пиар кампания қаратилган мақсад аниқланади ва айнан шу йўналишга эътибор қаратиш қанчалик зарурлиги таҳлил этилади.

PR-кампанияни ўтказиш босқичлари

Биринчи қадам.

Самарали PR-кампанияни ўтказиш учун аввало мақсадли аудиториянинг қиёфасини аниқлаб олишингиз лозим.

Улар ким? Болалар, ёшлар, катталар, ёши катталар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, аёллар ва бошқаларми? Мисол учун, сизнинг PR-кампаниянгиз ёшларга мўлжалланган бўлса, унинг мақсадларини аниқлаб олишимиз зарур. Масалан, мақсад Экоҳаракат ва унинг Парламентдаги депутатлар гуруҳи томонидан иқлим ўзгаришига ҳудуд аҳолисининг мослашувини шакллантириш.

Иккинчи қадам.

PR- кампанияга кирадиган тадбирларнинг режасини тузиш

Кампанияни самарали амалга ошириш учун бир неча тадбирни ўтказиш мумкин.

5-6 ноябрь кунлари N шаҳарчасида ўтказиладиган PR- кампания режаси

№	Тадбирлар номи	Вақти ва жойи	Масъул ва ҳамкорлар	Қатнашчилар категорияси	Шакли
1.	“Табиат муқаддас даргоҳ” шиори остида ёшлар учун акция	N шаҳридаги истироҳат боғи 5 ноябрь соат 10.00 да	Ф.В.Г Экоҳаракатни нг вилоят бўлими, депутатлар	Талабалар, мактаб ўқувчилари	Викториналар Концерт дастурлари Интерактив ўйинлар
2.	Иқлим ўзгаришининг келажак авлодга таъсири	N маҳаллалари аҳолиси 6 ноябрь соат 11. 00 да	Экоҳаракатни нг вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят соғлиқни	Маҳалла аҳолиси, асосан уй бекалари	Маъруза

			сақлаш бошқармаси		
--	--	--	----------------------	--	--

Учинчи қадам.

Ҳамкорлар билан келишиш.

Бу ҳолатда ҳамкорларга расмий хат билан чиқилиб, унда кампаниянинг мақсад ва вазифалари ҳамда ҳамкорлардан кутилаётган ёрдам батафсил ёзилади.

Тўртинчи қадам.

Ахборот хатлари ва эълонларни тарқатиш воситалари ва уни жойлаштириш каналларини аниқлаш.

Тайёр ахборот хатларини факс, электрон почта, почта орқали жўнатишингиз мумкин. Бевосита сизнинг йўналишингизга доир материалларни бериб борадиган тахририятларга тадбир хусусида маълумот жўнатиш, ижтимоий тармоқлардаги Парламент саҳифасига ёки сайтга жойлаштириш мумкин.

Бешинчи қадам.

PR-кампания бюджетини тузиш¹¹².

Бюджетда ўтказилаётган тадбирлар ва уларга кетадиган барча харажатлар, яъни жой ижараси, тарғибот материаллари – буклетлар, плакатларни чоп этиш, баннерларни ясаш, викторина ғолиблари учун совғалар сотиб олиш ва бошқа харажатлар инобатга олинади. Масалан,

1. КАМПАНИЯНИНГ УМУМИЙ БЮДЖЕТИ					
шу жумладан мавжуд қўшимча молиялаштириш манбалари (сўм)					
№	Харажатлар моддаси номи	Сони ва бир донасининг нархи	Харажат суммаси (сўм)	Жалб қилинган маблағлар	
				Шахсий улуш	Ҳамкорлар улуши
I. Тадбирлар ўтказиш учун харажатлар					
1.1.	“Инсон манфаатлари энг олий кадрият” шиори остида ёшлар учун акция	1	XXX	XXX	XXX
1.2.	Ўқув тарғибот материалларни кўпайтириш ёки нашр	500	XXX	XXX	

¹¹² Стифонова Е. Как проводить эффективные PR-кампании в НКО? Технология успеха без лишних вложений. <http://perspektiva-inva.ru/files/effektivnye-kampanii-v-smi%5B1%5D.pdf>

	қилиш				
1.3.	Танлов ғолиблари учун совғалар сотиб олиш харажатлари	10	XXXX		XXXX
1.4.	Бошқа харажатлар (банк харажатлари)		XXXX		XXXXX
Яқун:			xxx	xxx	xxx

Парламент имижини ривожлантиришда E-PR (electronic PR) имкониятлари¹¹³

E-PR учта асосий қисмдан иборат:

1. Web-PR:

- ✓ интерактив сайтлар, FAQ –тезкор савол-жавоблар хизмати;
- ✓ веб-конференциялар;
- ✓ веб-тақдимотлар.

2. Net-PR:

- ✓ электрон жўнатмалар;
- ✓ чатлар, форумлар, блоглар, ижтимоий тармоқлар;
- ✓ интернетдаги виртуал ташкилотлар.

3. Online PR:

- ✓ offline ахборотдан online фойдаланиш;
- ✓ Тармоқли ахборот ресурслари воситасида online хабардорлик;
- ✓ баннерлар ва виджетларни жойлаштириш;
- ✓ электрон интерактив маълумотлар базаси.

Назорат учун саволлар:

1. Парламентнинг ички ва ташқи имижини неча босқичда шакллантирилади?
2. Парламент фаолияти тарғиботида PR-кампания қандай ўрин тутди?
3. PR-кампаниянинг қандай турлари мавжуд?

6.2§. Медиарежалаштириш асослари

Медиарежалаштириш (*media planning*) – ахборот кампанияси режасини тузиш, материални жойлаштириш учун ОАВ ва бошқа медиа-майдонларни

¹¹³ Перспективность e-PR. <http://www.piar.ru/businesspr/perspektivnost-e-pr>

танлаш. Тўғри медиарежалаштириш хабарнинг керакли аудиторияга етиб бориши учун имконият яратади. Медиа-майдонни ва намойиш вақтини оқилона танлаш хабар қандай аудиторияга мўлжалланган бўлса, айнан шу аудитория уни кўриши ва эшитиши учун гаров бўлади. Медиарежалаштириш ОАВни танлашни, ахборот кампанияси босқичларини вақт нуқтаи назаридан режалаштиришни ўз ичига олади. Одатда, медиарежа жадвал кўринишида тузилади. Жадвалда медиа-майдон, хабарнинг тури (мақола, аудио-видео ролик, баннер ва ҳоказо), чиқарилиш куни, неча марта чиқарилиши, хронометраж (теле-радио хабарлари учун), бетлар сони (газета, журналлар учун) кўрсатилади. Бундай жадвал шакли эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши мумкин. Шундай қилиб, медиарежалаштиришда унинг учта асосий негизини кўрсатиш мумкин: мақсадларни шакллантириш, фаолият стратегияси ва тактикасини танлаш¹¹⁴.

Парламент, ёки ундаги фракцияларнинг олдида қўйилган мақсадларнинг турига қараб, *стратегик, тактик ва тезкор* медиарежани ишлаб чиқилади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ахборот хизмати тактик ва тезкор медиарежани амалга ошириши, яъни ўз олдида ўрта муддатли (бир йилга) ва қисқа муддатли (ҳафта, ой, чорак) мақсадларни қўйиши мумкин.

Медиарежалаштириш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ✓ ахборот кампаниясининг мақсад ва вазифаларини аниқлаб олиш;
- ✓ кўзланган аудиторияни белгилаш;
- ✓ ахборотни тарқатишнинг энг мақбул каналлари ва усулларини излаш, шу жумладан, ОАВ рейтингини таҳлил қилиш: умумий қамров, кўзланган аудиторияни кенг қамраб олиш;
- ✓ ахборот кампанияси медиарежасини тузиш;
- ✓ ахборот кампанияси бюджетини тузиш ва асослаб бериш;
- ✓ ахборот кампанияси самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш.

Медиарежалаштириш бўйича мисол

ОАВ ва жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланган тадбирлар

№	Мавзу	Кўзланган аудитория	Шакл	Утказиш вақти ва жойи	Масъул шахс
1.	Парламент муҳокамасига киритилган янги қонун	ОАВ журналистлари, манфатдор ташкилотлар	“Давра суҳбати”	20.01. 2016 й. Миллий матбуот маркази	ХХ

¹¹⁴ Н. Қосимова ва бошқалар. Жамоатчилик билан самарали мулоқот: ахборот хизматлари учун қўлланма. –Т.: БМТДД. 2012 й. 67 б.

	лойиҳалари				
2.	Парламентлараро хамкорлик доирасида Россия Давлат думасига ташриф тафсилотлари хақида	ОАВ вакиллари	ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани	12.02. 2016 й. Миллий матбуот маркази	XX

Назорат учун саволлар:

1. Медиарежалаштириш нима?
2. Медиарежалаштириш ўз ичига нималарни олади?
3. Медиарежалаштиришнинг қандай турлари мавжуд?

6.3§. Парламент имижии тараққиётида янги медиавоситалар

Коммуникация воситаларининг шиддат билан тараққий этиб бориш жараёни ҳаётимизга кундан-кунга янги медиа воситаларини олиб кирмоқда. “Янги медиа” деб номланувчи сайтлар, ижтимоий тармоқлар, блоглар ва бошқалар, уларнинг ННТ имижии тараққиётидаги аҳамиятли жиҳатлари нималардан иборатлиги, улардан самарали фойдаланиш усуллари хақида батафсил баён қилиб ўтсак.

Парламент фаолиятида янги медиа воситаларнинг афзалликлари имкониятларини қуйидагича таснифлаймиз:

- тўғридан-тўғри мақсадли аудиторияга чиқиш имконияти;
- тарафдорларни жалб этиш ва жамлаш;
- молиявий имкониятларингиз чекланган вазиятларда ҳам ҳаракат қилиш, чунки улардан фойдаланиш бепул ёки жуда арзон. Қисқа дақиқалар ичида ташкилотнинг видеоканалини, ижтимоий сайтларда akkaунтини яратиш ва аудио, видеороликларни тайёрлаб жойлаш мумкин;
- интернет ёрдамида бу воситалар сизнинг мақсад ва вазифаларингизни кенг аудиторияга эълон қилиш ва уларни бу жараёнга жалб этиш имконияти яратади;
- мулоқот қадриятини сақлаш, сиз берган ахборотни кўрган, унга фикр билдирган ҳар бир одамни кўриш ва у билан мулоқот қилиш шароити мавжуд.

Парламент фаолияти жараёнида кенг фойдаланиш мумкин бўлган, ҳаммабон ва самарали воситалар мажмуи:

- Сайт

- Ижтимоий тармоқ
- Подкастинг
- Вебинар (онлайн семинар, веб анжуман)
- Слайдкаст ва тақдимотлар
- Блог, микроблог
- Интернет-радио
- QR-код

*Парламентнинг янги медиадаги фаолиятини самарали ташкил этишининг 10 та қоидаси.*¹¹⁵

Биринчи қоида. Қандай мавзу юзасидан одамларни бирлаштирмақчи эканлигингизни аниқлаб олинг. Бу муаммонинг натижали ечимини таъминлайди.

Иккинчи қоида. Лойиҳангизнинг барча иштирокчилари – ходимлар ва кўнгилчиларнинг профилларини яратинг. Бу шахсий маслаҳатларни бериш, шунингдек, салбий таъсирларнинг олдини олишда кўмак беради.

Учинчи қоида. Гуруҳ ташкил қилинг, унга барча ходимларингизни маъмур сифатида кўшинг ва фойдали ахборотлар билан тўлдиришда давом этинг. Муаммонинг ечими бўйича халқаро майдонда одамлар ва ташкилотлар қандай ишларни олиб бораётганликлари тўғрисидаги ахборотларни эълон қилиб боринг.

Тўртинчи қоида. Мунтазам (кунига бир мартадан уч мартагача) гуруҳ саҳифасида материалларни жойлаб боринг, сўровномалар ўтказинг, қизиқарли манбаларга ҳаволалар эълон қилинг, мунозаралар ташкил этинг ва Парламентнинг ҳозирги кунда нималар билан шуғулланаётганлигини хабар қилинг.

Бешинчи қоида. Янги медиа воситаларининг олтин қоидасига амал қилинг:
мақсад+эътиборни тортиш+жалб қилинганлик+кутилаётган ҳаракат = натижа

Олтинчи қоида. Оддий матнли материалларга нисбатан фотосуратли материаллар кунига ўртача икки марта, видео материаллар уч-тўрт марта кўп ўқиётганига диққат қилинг, ҳар бир эълон қиладиган материални тайёрлашга 30 минутдан 90 минутгача вақт ажратинг.

Еттинчи қоида. “Хабардор қилувчи томирлар” усулидан фойдаланинг. Мақсадли аудиториянгизга мўлжалланган бошқа гуруҳлар билан ҳамкорликни йўлга қўйинг. Мунтазам равишда (ҳафтада бир марта) бу гуруҳларда ўз материалларингизни эълон қилиб боринг.

¹¹⁵ <http://nko.economy.gov.ru/Files/NewsDocuments/НКО в пространстве новых медиа .pdf>

Саккизинчи қоида. Реклама материаллари (ташриф қоғози, буклетлар, роликлар)да гуруҳ хақида қисқа жумлаларда маълумот бериб боринг.

Тўққизинчи қоида. Виртуал рейтингни оширишда танловлар ташкил этишдан фойдаланинг. Энг яхши фикр, энг таъсирчан фотосурат, энг фаол иштирокчи ва бошқалар.

Ўнинчи қоида. Гуруҳнинг энг фаол иштирокчиларидан ва профилида катта миқдордаги дўстларга эга бўлган фойдаланувчилардан ҳафтада бир марта сизнинг лойиҳангиз хақидаги ахборотларни ўз аудиториясига эълон қилиб боришини сўранг.

Унутманг, янги медиалар аудитория билан тез ва сифатли алоқа ўрнатишга эришишни таъминлаши учун сиздан доимий эътибор фаолликни талаб қилади.

Назорат учун саволлар:

1. Янги медиалар нима?
2. Парламент имижини шакллантиришда янги медиавоситаларнинг ўрни қандай?
3. Парламент имижини шакллантиришда фойдаланиш мумкин бўлган ҳаммабоп ва самарали воситаларни санаб беринг.

6.4§ ОАВ ва жамоатчилик учун тадбирлар ташкил этиш

Бир қарашда, ОАВ учун ташкил этиладиган барча тадбирлар бир-бирига ўхшайди. Ягона мақсадли аудитория ўз қонун ва тартибларини ўтказишга ҳаракат қилади. Ахборот бериш билан боғлиқ ҳар бир тадбир ўзининг бошқалардан мутлақо фарқ қиладиган ёндашувлари, эътибор қаратиладиган жиҳатлари, таъсир қилиш воситаларига эга. Баъзида фарқ унчалик кўзга ташланмайди, аммо, нима бўлганда ҳам, тадбирни нотўғри ташкил этиш ишнинг умумий самарадорлигига таъсир қилади. Парламент журналистлари учун ташкил этиладиган тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ахборотни ОАВ орқали узатиб, жамоатчиликни бохабар қилиш. Гарчи, соҳадан йироқ бўлган кишига журналистлар учун ташкил этиладиган барча тадбирлар бир хилдек туюлсада, улар ягона ахборот тадбирига бирлашган ҳолда, кўзланган мақсад ва ўтказиш хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Матбуот анжумани

Матбуот анжумани журналистлар учун ташкил этиладиган тадбир бўлиб, унда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот ва янгиликлар ваколатга эга

кишиларнинг шарҳи билан берилади. Матбуот анжумани ўртача 45-60 дақиқа давом этади.

Агар Сизда ОАВга айтмоқчи ва етказмоқчи бўлган янгилик ёки бирон ахборот бўлса, юз берган вазиятни тушунтириб бермоқчи бўлсангиз ва бу жамоатчилик учун муҳим бўлса, матбуот анжумани матбуотга хабар етказишнинг энг мақбул шакли ҳисобланади, матбуот эса ўз навбатида, турли коммуникация каналлари орқали бу янгилик ёки хабарни жамоатчиликка маълум қилади.

Матбуот анжуманини ташкил этиш босқичлари¹¹⁶

Матбуот анжумани олдидан

ОАВ билан ҳамкорликнинг энг самарали усулларида бири бўлган матбуот анжуманига пухта тайёрланиш лозим. Мавзу ОАВда қанчалик кўп ва кенг ёритилиши унинг самарали ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Демак, матбуот анжумани олдидан сиз:

Биринчи босқич. Матбуот анжумани ўтказишга сабаб бўладиган ахборот топамиз.

Матбуот анжумани ўтказиш учун доимо бирон-бир ахборот сабаб бўлади. Сиз журналистларни шунчаки учрашмоқчилигингизни билдириб, таклиф эта олмайсиз. Тадбир ўтказишга сабаб бўладиган ва шунга арзийдиган ахборот қидиринг, зарур бўлса уларни ўзингиз яратинг. Ахборот асосида доим бирон янгилик ётади. Масалан, Парламентдаги партия фракцияси томонидан амалга оширилган тадбирнинг натижалари хусусида ахборот бериш.

Иккинчи босқич. Журналистларни таклиф этиш

Матбуот анжуманига журналистларни доим олдиндан таклиф қилиш керак. Одатда, ОАВ вакиллари тадбирдан бир ҳафта олдин таклиф этилади. Таклифномани бир неча каналлар – электрон почта, факс, телефон орқали жўнатган, шахсий таклиф билан чиққан маъқул. Таклифномада матбуот анжумани мавзуси (сабаб бўлган ахборот), ўтказиладиган сана ва вақт, ўтказиш жойи ва, албатта, алоқа маълумотлари – телефон, факс, электрон почта манзили, боғланиш мумкин бўлган шахс кўсатилади. Матбуот анжумани арафасида таҳририятга телефон қилинг, бўлажак тадбир тўғрисида эслатинг, матбуот анжуманида иштирок этадиган журналистнинг исми-шарифини аниқлаб олинг.

Маслаҳат: Матбуот анжуманини ўтказиш кунини таклиф этиладиган ОАВ вакилларининг бўш кунларига мослаб белгиланг. Юртимизда аксарият газеталар ҳафталик нашрлар бўлиб, улар асосан чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Демак, уларнинг саҳифалаш жараёни сешанба ва пайшанба, жума

¹¹⁶ Қосимова Н.ва бошқалар. Ахборот хизмати: жамоатчилик билан самарали мулоқот. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД),Т., 2012 й. Б.90.

кунлари амалга оширилади. Аксарият журналистлар “вёрстка” кунлари банд бўладилар ва айнан шу сонга матбуот анжумани хусусидаги материални беришга қийналадилар.

Учинчи босқич. Пресс-релиз тайёрлаш

Пресс-релиз журналистик материалнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Тўғри тузилган пресс-релиз фактлар, исмлар, ташкилотлар номи, статистика маълумотларининг бузиб кўрсатилмаслиги, энг муҳими ахборотнинг ҳаққоний ва одоб билан етказилиши гаровидир. Пресс-релизда фактлар қанча аниқ бўлса, ўтказилган ёки ўтказилаётган тадбир хусусида қисқа ва лўнда ёзилса, тадбир ёки лойиҳа номи тўлиқ кўрсатилса, журналистик материалда хатолик кетмайди.

Тўртинчи босқич. Модератор тайинлаш.

Матбуот анжуманининг самарали ўтиши кўп ҳолатларга модераторга боғлиқ. Модератор анжумани қанчалик усталик билан бошқарса ва журналистларнинг саволларини тўғри йўналтирса, матбуот анжумани шунчалик муваффақиятли ўтади. Модераторнинг бир нечта функцияси бўлиб, булар бошловчилик, мавзунини ёритиш, йўналтириш, назорат қилиш ва имиж ташувчидир. Матбуот анжумани ёки бирор бир тадбирда модераторлик эмоционал таъсирни, ишонтиришни, эътиборни ушлаб туришни, мавзудан четга чиқмасликни ва тадбирни чиройли тугатишни ўз ичига олади. Тадбирни юқори савияда ўтказиш учун тайинланган модератор куйидаги хатоларга йўл қўймаслиги лозим:

- мавзу юзасидан фактлар, рақамлар, охириги тенденциялар, янгиликлар, саналар, терминлардан бохабар бўлмаслик;
- энг зарур ҳужжат бўлган тадбир дастурига қатъий риоя этмаслик;
- маърузачиларнинг барчасини таништирмаслик, ташриф буюрмаган инсонни таништириш, маърузачиларнинг исми шарифини хато айтиш;
- маърузачи томонидан регламентга риоя қилмаслик, савол беришда регламентнинг бузилиши ва тадбирнинг белгиланган вақтдан ўтиб кетиши;
- тадбирни бошқариш жараёнида нигоҳни олиб қочиш, имо-ишоралардан самарасиз фойдаланиш ва ёпиқ позада нутқ сўзлаш.

Бешинчи босқич. Матбуот анжуманига таклиф этилганларни кутиб олиш

Матбуот анжумани ўтказиладиган бинонинг кираверишига тадбир ўтказиладиган жой ва қават кўрсатилган эълонни илиб қўйинг. Иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш учун тадбир ўтказиладиган зал олдида стол қўйиб, “Иштирокчиларни рўйхатга олиш” деган тахтача ўрнатинг. Рўйхатга олиш учун масъул ходимни тайинланг, у олдиндан тайёрланган рўйхатда келган иштирокчиларни белгилаб туриши керак. Рўйхатда бўлган

иштирокчи имзо чекади ва матбуот-кит олади, сўнг ходим уни залга таклиф этади.

Маслаҳат: Асосий кўрсаткичларни шундай жойлаштирингки, иштирокчи жойни бемалол топсин: бинога киришда тадбир қаерда ўтказилиши кўрсатилган эълон; “Матбуот анжумани” деб ёзилган кўрсаткич; бино эшигида кичкина тахтача; кираверишда иштирокчиларни рўйхатга олиш учун стол ва унда “рўйхатга олиш” деган ёзув.

Барча ташкилотчиларда ахборот хизмати ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган бейжик (кўкракка тақиладиган нишон) бўлгани маъқул, сабаби журналистлар турли масала юзасидан кимга мурожаат қилиш кераклигини билишлари керак. Столга – сўзга чиқувчилар олдида иштирокчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган табличкаларни қўйиб қўйинг.

Парламент баннерини шундай қўйингки, у кўпроқ кадрга тушсин ва биринчи планда бўлсин. Одатда, баннер сўзга чиқадиган ташкилотчиларнинг столи орқасига осилади. Ҳар бир иштирокчи микрофондан бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Олтинчи босқич. Сўзга чиқувчиларни кутиб олиш

Матбуот анжуманида сўзга чиқувчи депутатлар ва экспертларни бинога киришда кутиб олинг. Матбуот анжуманини ўтказиш тартиби бузилмаслиги учун эксперт ва бошқа иштирокчиларни олдиндан регламент билан таништириш зарур.

Еттинчи босқич. Вазифаларни тақсимлаш

Матбуот анжуманини олиб бориш учун модератор масъул ҳисобланади. Видео тақдимот кўзда тутилган бўлса, тадбирнинг техник жиҳати учун масъул ходимни тайинланг. Тадбир бошланишида уни олиб борувчи барчани олқишлайди ва иштирокиларни таништиради, сўзга чиқиш регламентини эълон қилади, савол беришга навбат тузади, матбуот анжумани тугаганлигини эълон қилади.

Матбуот анжуманларида уяли алоқа телефонларни ўчириш ёки товушсиз режимга ўтказиб қўйиш қабул қилинган, савол бериш учун қўлни кўтариш керак. Журналистлар ўзини таништириши – исмини ва ОАВнинг номини айтиши керак.

Маслаҳат: Матбуот анжуманини таъкил этаётганда барча техник воситаларни текширувдан ўтказинг, чунки уларнинг ишдан чиқиши тадбирни тўхтатиб қўйиши ва умумий кайфиятга салбий таъсир

Саккизинчи босқич. Матбуот анжумани бошланди. Матбуот анжумани қанча вақт давом эттиши мумкин?

Матбуот анжуманини белгиланган вақтда бошланг. Баъзан 3-5 дақиқа кеч бошлаш мумкин. Матбуот анжуманини чўзиб юбормаган маъқул. Матбуот анжуманига ажратилган вақт – узоғи билан 1 соат. Агар берилмаган саволлар қолиб кетган бўлса, матбуот анжуманини одоб билан тугатиш керак. Ёдингизда тутинг, матбуот анжумани тугагач, айрим журналистлар шахсан депутатлар, эксперт ёки бошқа таклиф этилган иштирокчилардан интервью олишни истайдилар. Матбуот анжуманини режалаштираётганингизда ва вақтни тақсимлаётганингизда шу босқични ҳам ёддан чиқарманг.

***Маслаҳат:** журналистларнинг бошқа режалаштирган тадбирлари бўлиши мумкин, шунинг учун матбуот анжуманини чўзиб юборманг.*

Тўққизинчи босқич. Саволларга жавоб берамиз¹¹⁷

Агар матбуот анжумани чоғида шундай вазият юзага келиб, Сизни танқид остига олсалар ёки эътироз билдирсалар, танқид ва эътирозни диққат билан тингланг. Ҳеч қачон очик-ойдин эътироз билдирманг. Эътирозлардан ва ифвогарлик мақсадида берилган саволлардан ҳижолат чекканингизни кўрсатманг.

Жавобни “Ўтқир савол учун раҳмат” ёки “Ҳа, Сиз кўтарган муаммо ҳақиқатан ҳам бор” деган жумла билан бошланг. Ўзингиз яхши билган ва керак деб ҳисоблаган мавзуда гапиринг ва маълумот беринг.

***Маслаҳат:** Агар жавобингиз бўлмаса, “Ҳозирги пайтда менда бу ҳақда маълумотлар йўқ” дег, бу “изоҳ йўқ” ёки “Жавоб беришни истамайман” дегандан кўра яхши. Жавобни билмасангиз, худди шундай деб айтинг. Акс ҳолда журналистлар Сиз учун фикрни тугатиши ёки материалда Сизни жавоб беришдан бош тортди, деб кўрсатиши мумкин. Бу эса Парламент, сиёсий партия фракцияси обрўсига путур етказиши мумкин. Саволни ёзиб олинг ва уни берганга бу саволга маълум вақтдан кейин жавоб беришингизни айтинг (масалан, 24 соат ичида – бундай жавоб доим яхши қабул қилинади).*

Ўнинчи босқич. Яқун яшаш

¹¹⁷ Қосимова Н.ва бошқалар. Ахборот хизмати: жамоатчилик билан самарали мулоқот. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД),Т., 2012 й. Б.91.

Кўп ҳолларда тадбир тугагандан кейин журналистлар қўшимча маълумот олиш учун ташкилотчилар ва экспертларга мурожаат қиладилар. Бу ҳақда маърузачиларни олдиндан огоҳлантириб қўйиш керак.

Матбуот анжуманидан бир неча кун ўтгач, ОАВда матбуот анжуманида олинган ахборот асосида эълон қилинган материаллар мониторингини олиб боринг. Ёдда тутинг, босма ОАВда ахборотни нашр қилиш учун вақт керак – одатда, бир неча кун. Электрон ОАВда материаллар шу куннинг ўзида ёки тадбирдан кейинги куни чиқади.

Матбуот анжуманида нима қилиш керак?¹¹⁸	Матбуот анжуманида нима қилмаслик керак?
<p>Матбуот-анжуманидан бир неча кун олдин ахборот хизмати ходимлари таклифномалар тайёрлаб, ОАВ вакилларига жўнатишлари керак. Бу ОАВ матбуот анжуманида у ёки бу ходимнинг иштирок этишини режалаштириши учун керак.</p>	<p>Сизга бирон сабабдан ёқмайдиган ёки номаъқул журналистни эътибордан четга қолдириш тўғри бўлмайди. Унга масалани муҳокама қилишда иштирок этиш ва ўз фикрини билдириш имконини бериш керак. Журналистлар билан яхши алоқада бўлиш доимо Парламент ёки фракциянинг ишчанлик обрўсига ижобий таъсир кўрсатади.</p>
<p>Таклифномада матбуот анжумани ўтказиладиган жой, сана ва вақт, муҳокама қилинадиган масалалар рўйхати, шунингдек, асосий иштирокчиларнинг фамилияси ва лавозими кўрсатилиши керак. Таклифномада мурожаат қилиш учун ташкилотчилар билан боғланиш мумкин бўлган ахборотни кўрсатинг.</p>	<p>ОАВнинг тадбирга қизиқишини сусайтирмаслик мақсадида таклифномада матбуот анжуманида кўтариладиган асосий масалаларни батафсил санаб ўтиш, айниқса, шарҳлаш тавсия этилмайди.</p>
<p>Матбуот анжуманини ўтказиш кунини белгилаётганда, журналистларни йиғишга ҳалақит берадиган асосий омилларни инобатга олган</p>	<p>Матбуот анжуманини бошқа тошкilotлар томонидан матбуот учун бирон-бир тадбир белгилаган куни ўтказмаган маъқул.</p>

¹¹⁸ Қосимова Н.ва бошқалар. Ахборот хизмати: жамоатчилик билан самарали мулоқот. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД),Т., 2012 й. Б.93.

<p>маъқул. Тадбирни ҳафта охирига тайинлаган маъқул, бу вақтда газеталар вёрстка қилинган бўлади ва журналистларда бўш вақт топилади.</p>	
<p>Тарқатилган таклифномалар сони доим ҳам тадбирга келган иштирокчилар сони билан мос келмаслигини эътиборга олиш керак. Матбуот анжумани иштирокчиларини рўйхатдан ўтказишни ташкил қилинг. Буни муҳокама қилинган масалалар юзасидан нашр қилинган ва эфирга узатилган материаллар орқали матбуот анжумани самарадорлигига берилган баҳо сифатида кўриш мумкин.</p>	<p>Матбуот анжуманида иштирок этмаганликлари учун ОАВ раҳбарлари ва журналистларга эътироз билдириш ўринли эмас. Кейинги гал мазкур ОАВнинг диққатини тортиш учун нима қилиш кераклигини ўйлаб кўринг.</p>
<p>Муҳокама қилинадиган масалани яхши биладиган кишини модератор этиб тайинланг. Матбуот хизматининг раҳбари кўпчилик журналистларни яхши билиши ва Парламентда ваколатга шахс ҳисобланиши инобатга олинадиган бўлса, айнан у модераторликка мосдир.</p>	<p>Муҳокама қилинадиган мавзу билан нотаниш бўлган кишини модератор этиб тайинлаш тўғри бўлмайди, ҳатто у моҳир нотик бўлган тақдирда ҳам.</p>
<p>Матбуот анжумани савол-жавобга асосланади. Масалани муҳокама қилишга кетадиган вақтни чўзиб юборманг. Матбуот анжумани “давра суҳбати”дан шуниси билан ажралиб туради.</p>	<p>Матбуот анжуманини “давра суҳбати”га айлантирмаслик керак. Матбуот анжуман чуқур мунозара олиб бориладиган жой эмас.</p>
<p>Журналист кутилмаган саволни берса, унга кейинроқ</p>	<p>Сизга ноқулай савол учун журналистга нисбатан эътиборсизлик ва танқид қилманг.</p>

жавоб беришни ваъда қилиш ва албатта ваъдани устидан чиқиш керак.	“Ноқулай” саволлар бериш унинг журналистлик ҳуқуқи. Уни танқид қилиб, ахборот хизмати ва Парламент ёки фракциянинг обрўсини тушириб юборишингиз мумкин.
Журналистларни ахборот хизмати томонидан ушбу тадбир учун тайёрланган махсус ахборот пакети билан таъминлаш лозим.	Ахборот пакетини матбуот анжумани мавзусига оид бўлмаган бошқа материаллар билан тўлдирмаслик керак.
Тадбир тугагач, матбуот конференцияси натижалари бўйича ОАВда чоп этилган барча материалларни таҳлил этиш керак.	Агар матбуот анжуманидан сўнг, журналист материални чоп этмаган бўлса, уни душманлар қаторига қўшиб қўйиш ва муносабатларни узиш тўғри бўлмайди. Балки у хизмат қилаётган нашрнинг йўналиши бу мавзунини ёритишни тақозо этмас.

Матбуот анжуманини ўтказишда энг кўп йўл қўйиладиган хатолар¹¹⁹

1-хато. Матбуот анжумани ташкилотчилари учун муҳим мавзунини журналистлар учун ҳам аҳамиятли деб ўйлаш.

2-хато. Матбуот анжуманида жуда кўп атамалар қўлланилади. Баъзан журналист гап нима ҳақиқатлигини тушунмай қолиши мумкин. Одатда, журналистлар нотаниш атамаларни эшитганда, гарчи саволлар бериш тўғрисидаги илтимос бир неча бор айтилган бўлса ҳам, индамай қўя қолади.

3-хато. Матбуот анжуманини оддий тадбир, деб ҳисоблаб, шу вақтда ўтказилиши режалаштирилган аҳамиятга эга бошқа тадбирларни инobatга олмаган ҳолда унга журналистларни ва иштирокчиларни икки кун олдин таклиф этиш.

4-хато. Мажлис минбаридаги кимнинг ким эканлигига ишора қиладиган табличкаларни, иштирокчи ва ташкилотларнинг бейжикларини, шунингдек, келган меҳмонлар рўйхатини куруқ расмиятчилик, деб ҳисоблаш. Минбарда табличкаларнинг йўқлиги журналистлар томонидан матбуот анжумани чоғида ҳам, ОАВда материални чоп этишга тайёрлаётганларида ҳам иштирокчи ва сўзга чиққанларнинг исми шарифи, лавозимини адаштириб юборишларига олиб келиши мумкин.

5-хато. Баъзи ташкилотчилар пресс-релиз матбуот анжуманида зарурий элемент эмас, деб ҳисоблайдилар. Аммо пресс-релиз ОАВ вакилларининг

¹¹⁹ Қосимова Н. ва бошқалар. Ахборот хизмати: жамоатчилик билан самарали мулоқот. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД), Т., 2012 й. Б.97.

ишини енгиллаштиради, уларга материални сифатлироқ тайёрлашга ёрдам беради.

6-хато. Матбуот анжуманини сўзга чиқувчининг ўзи олиб бориши керак, деган фикр.

7-хато. Журналист – кўп масалаларда дилетант бўлади ва саволларига жавоб қайтараётганда унинг беҳабарлигини таъкидлаш мумкин, деган фикрдан йироқ бўлинг. Бу мутлақо нотўғри фикр. Бунинг устига журналист иш жараёнида дуч келадиган барча масалаларни бир хил ва чуқур тушунмаслиги ҳам мумкин ва у бунга мажбур ҳам эмас. Бу унинг ваколатига кирмайди. Журналистнинг вазифаси – ахборот узатиш, уни оммага етказиб беришдир.

8-хато. Журналистларни таклиф этаётганингизда уларнинг ўз наشريда ёритадиган мавзуларини инобатга олмаслик. Агар Сиз ким ва унинг нималар тўғрисида ёзиши юзасидан картотека олиб бормасангиз, журналистларнинг шахсий симпатия ва антипатиялари тўғрисидаги маълумотга эга бўлмасангиз, журналистлар ўзини қандай тутишини, қандай саволлар бериши мумкинлигини, шунингдек, қандай фикр-мулоҳазалар билдиришини олдиндан айтиб беришингиз осон бўлмайди¹²⁰.

ОАВ учун уюштириладиган бошқа тадбирлар

Брифинг

Матбуот анжуманидан фарqli ўлароқ брифинг долзарб янгиликни тезлик билан тарқатиш ва уни қисқача қилиб матбуот вакилларига баён қилиш учун ташкил этилади. Брифинг 15-20 дақиқа давом этади (brief сўзи инглизчадан “қисқа”, деб таржима қилинади). Парламент, фракция фаолиятига оид муҳим маълумотни, муқаддам ҳеч қаерда маълум қилинмаган хабарни ОАВ вакилларига етказиш учун брифингдан фойдаланилади. Одатда, брифингда журналистларнинг фақат бир неча саволларига жавоб берилади.

Ахборот учрашуви

Бундай учрашувдан мақсад – ахборот бериш. Агар журналистларни Парламент, фракция ёки ахборот хизмати фаолиятидан шунчаки бохабар қилмоқчи бўлсангиз, ахборот учрашуви ташкил этинг. Бундай учрашув чоғида ташкилотчилар томонидан янгилик маълум қилинади, аммо муҳокама этилмайди. Фақат битта масала учрашув мавзуси бўлиши мумкин.

Давра суҳбати¹²¹

¹²⁰ О.Дейнега. Простые ошибки серьезного мероприятия. //http://www.triz-ri.ru/themes/method

¹²¹ Қосимова Н.ва бошқалар. Ахборот хизмати: жамоатчилик билан самарали мулоқот. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД),Т., 2012 й. Б.90.

Давра суҳбати журналистлар учун ташкил этиладиган бошқа тадбирлардан нимаси билан фарқ қилади? Албатта, стол атрофига стуллар қандай терилгани билан эмас, балки муҳокама қилиниши талаб этиладиган муаммонинг борлиги билан ажралиб туради, бунда уни муҳокама этишда мутахассислар ва манфаатдор ташкилотлар вакиллари билан бир қаторда журналистлар ҳам иштирок этади. Мазкур тадбир энг қулай ва яхши ташкил этиладиган мунозара ҳисобланади. Давра суҳбатини муаммо билан таниш бўлган модератор бошқаргани маъқул. Бу журналистларга муаммони турли қирралардан кўриш имконини беради.

Давра суҳбатини ташкил этаётганда масала муҳокамасига шу мавзу билан қизиқадиган ва кўтарилаётган муаммо таҳририят йўналишига мос бўлган ОАВ вакилларини таклиф этиш керак.

Давра суҳбати модератори кўтариладиган масала билан атрофлича таниш бўлишдан ташқари “аудиторияни бошқариш” техникасини ўзлаштирган, ифвокорона ва илмоқли саволлардан моҳирона узоқлаша оладиган бўлиши, чўзилиб кетиши хавфи бўлган мунозараларни вақтида тўхтатиши ва давра суҳбати қоидаларини бузмаган ҳолда мавзу доирасидан чиқмаслиги керак. Бошқа тадбирлардан фарқли ўлароқ давра суҳбати бир соат ва ундан ҳам кўп давом этиши мумкин. Шунга кўра иштирокчиларнинг кўтарилган масалани муҳокама қилишлари учун вақт ажратиш керак.

Тақдимот¹²²

Тақдимот – бу Парламент ёки фракциянинг муайян мақсадга йўналтирилган фаолиятини ёки у ҳал этиш ва муҳокама қилиш ниятида бўлган муаммони намойиш этишдир. Масалан, давлат бюджет лойиҳаси, ижтимоий соҳадаги ислохотлар ва ҳоказо. Яхши ташкил этилган тақдимот журналистларга кўпроқ ахборот олиш имконини беради. Тақдимот ОАВнинг максимал турларини қамраб олиш учун мақсадга мувофиқ тадбир. Ёддан чиқармаслик керакки, журналистлар тақдимот давомида ҳатто эркин мулоқот чоғида ҳам ўз материаллари учун маълумот йиғишлари мумкин. Тадбир доирасида журналистларнинг қизиқарли экспертлар билан учрашувини ташкил этиш ҳам мумкин.

Пресс-тур¹²³

Бу ахборот хизмати томонидан режалаштирилган ва журналистлар учун махсус мўлжалланган тадбир бўлиб, у объектив журналистик чиқишларни ОАВда эълон қилиш учун уюштирилади. Пресс-турлар бир неча соатдан бир неча кунгача давом этиши мумкин.

¹²² Ўша ерда. Б.98

¹²³ Ўша ерда. Б. 102

Пресс-турни ташкил этиш босқичлари:
пресс-турни ўтказишдан кўзланган мақсадни белгилаб олиш
пресс-турни ўтказиш куни ва вақтини белгилаш
журналистлар учун пресс-тур объектini белгилаш ва мазкур объект бўйича барча зарур маълумотни берадиган мутахассисларни танлаш
пресс-тур маршрутини, яъни объектларни кўздан кечириш навбатини белгилаш
тўхташ режалаштирилган ҳар бир объектда тадбирларни ўтказиш учун масъул шахсларни белгилаш
таклиф этиладиган журналистлар рўйхатини тузиш
пресс-тур дастурини тузиш
ОАВга дастлабки пресс-релиз (анонс) жўнатиш, сўнг батафсил пресс-релиз (янгиликдан иборат) жўнатиш
пресс-тур логистикасини ташкил этиш
пресс-тур иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш

Пресс-турнинг асосий афзаллик томони – унинг норасмий тусда ўтишидир. Тадбир давомида журналистлар бирон ходисани ичкаридан кўрадилар, ҳатто унда иштирок этишлари ҳам мумкин. Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари матбуот саёҳатига тайёргарлик кўриш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- журналистларни кутиб олиш ва жойлаштириш (шу жумладан, транспортда ташиш, зарурат бўлса меҳмонхонада жойларни бронь қилиш ва ҳоказо);
- иштирокчиларнинг овқатланишини таъминлаш;
- бошқа шаҳардан келган журналистлар учун маданий дастурлар ташкил этиш;
- журналистларнинг ташаббускор ва ташкилотчилар билан яқуний учрашувини уюштириш;
- жўнаб кетишни ташкил этиш. Ёдингизда бўлсин, жўнаб кетишга енгил-елпи қараш барча саъй-ҳаракатларингизни пучга чиқариши мумкин¹²⁴.

Пресс-тур дастурига мисол

Экоҳаракат ва унинг Парламентдаги депутатлар гуруҳи томониан ўтказиладиган иқлим ўзгаришига маҳаллий аҳолининг мослашиши мавзусидаги пресс-тур

ДАСТУРИ

Йил, сана, ой.

8:00 - 8:45 – *майдонда журналистларни автобусга тўплаш;*

8:45 - ... *манзилдаги мўлжалланган жойга кетиш;*

¹²⁴ Қосимова Н.ва бошқалар. Ахборот хизмати: жамоатчилик билан самарали мулоқот. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД),Т., 2012 й. 103 б.

10:00 - 10:30 – Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани маҳалла фаоллари ва фермерлар билан учрашув;

10:30 - 13:00– Мўйноқ туманида туризмни ривожлантириш борасидаги ишлар билан танишиш

13:10 - 14:10 – тушлик;

14:20 - 15.30 – Мўйноқ тумани ҳокимлиги мутахассислари билан учрашув ва пресс-турни ёритиш бўйича ОАВ вакилларининг медиарежасини (ҳокимлик биносиди) ишлаб чиқиш;

15.40 – жўнаб кетиш.

Ахборот хизмат телефонлари: _____

e-mail: _____

Назорат учун саволлар:

1. ОАВ учун қандай тадбирлар ташкил этилиши мумкин?
2. ОАВ учун ташкил этиладиган тадбирларда модераторнинг ўрни қандай?
3. Пресс-тур бошқа тадбирлардан нимаси билан фарқ қилади?

6.5§. Парламент ва депутатлар фаолиятини тақдим қилиш сирлари

ОАВ вакиллари учун ахборот тайёрлаш. ОАВ учун тайёрланадиган ахборотларнинг ичида энг самаралиси пресс-релиз ҳисобланади.

Пресс-релиз¹²⁵ – ахборот хизмати томонидан деярли ҳар қандай йирик тадбирларга тайёрланадиган асосий тезкор ишчи ҳужжатдир. Пресс-релиз – матбуот учун ахборот бўлиб, унда янгилик, Парламент ёки фракция, кўмитанинг бирон масала бўйича нуқтаи назари баён этилади ва ОАВда чоп этиш учун юборилади. Одатда, ташкилотнинг у ёки бу воқеа-ҳодисага кўринишидаги расмий позицияси пресс-релизда акс эттирилади¹²⁶.

Пресс-релиз тарихи. 1906 йил 28 октябрь АҚШнинг Пенсильвания темир йўлида поезд ҳалокатга учраб, 50 киши ҳалок бўлгач, журналист Айви Ли темир йўл раҳбариятини ҳалокат сабаблари ҳақида баёнот беришга кўндириб, журналистика тарихидаги биринчи пресс-релизни ёзади. Ишга бундай ёндашув “Нью-Йорк Таймс” газетаси бош муҳарририни ҳайратга солиб, уни газетада “Темир йўл баёноти” сарлавҳаси остида чоп этади. Бир ҳафта ўтгач шаҳар ҳокимияти томонидан Пенсильвания темир йўлига очиқлиги ва ҳаққонийлиги учун ташаккурнома билдирилади. 1907 йилда бир нечта кўмир

¹²⁵ Роман Масленников. 101 совет по PR. – М.: “Альпина Паблишер”, 2012. 74 с.

¹²⁶ Ўша манба.

компаниялари Айви Лини фаолиятларини ёритиш учун ёллайдилар. Уларнинг фаолиятлари тўғрисида таҳририятларга тарқатилган хабарномалар журналистларнинг жаҳлини чиқариб, «пасткаш реклама» деб аталади. Бунга қарши Айви Ли “Тамойиллар декларацияси”ни чоп этиб, унда: “Бизнинг фаолиятимиз очиқдир. Биз фақатгина янгиликларни тарқатамиз. Агарда бизнинг хабарларимиз сизнинг ишингизга ҳалақит берса, ундан фойдаланманг” дейилган эди.

Пресс-релиз материали керакли ОАВда чоп этилиши учун у қуйидаги қоидаларга¹²⁷ мос тарзда тузилгани маъқул:

- 1) пресс-релиздаги ахборот у юборилаётган нашр мухлислари учун қизиқарли ва керакли бўлиши керак;
- 2) ахборот ҳозирги кун учун долзарб бўлиши керак;
- 3) ахборот ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши ва ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши керак;
- 4) пресс-релизда таникли раҳбар ёки мутахассисларнинг ушбу масала юзасидан фикр-мулоҳазалари акс эттирилган бўлса, нур устига аъло нур бўлади.

Бирон янгилик ёки ахборотни ўз ичига олмаган пресс-релиз тарқатиладиган бўлса, унинг янгилик манбаи сифатидаги обрўсига путур етади.

Пресс-релизнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Пресс-релиз – анонс¹²⁸. У янги ҳодиса тўғрисида ахборот беради, унда иштирок этишга таклиф этади ва у жуда қисқа бўлади.

2. Таҳлилий пресс-релиз¹²⁹. Нашр учун деярли тайёр материал бўлиб, унда фақат ахборот берилибгина қолмай, балки асослаб ҳам берилади, бу факт ва ҳодисалар таҳлилидир.

3. News-релиз¹³⁰. Журналистларга янгилик таклиф этувчи ахборот материали.

Пресс-релиз – тузилиш шаклига кўра қуйидагиларга бўлинади¹³¹:

Нашрий пресс-релиз. Ўзгариш ва кўшимча ишловларсиз чоп этишга тайёр материал.

Техник пресс-релиз. Унда ахборот бериш сабабининг барча асосий жиҳатлари ва тафсилотлари баён этилади. Аммо унинг устида адабий жиҳатдан ишлаш талаб этилади.

¹²⁷ Игнатъев Д., Бекетов А. Настольная энциклопедия Public Relations. – М.: “Альпина Паблишер”, 2004 г. – с. 134.

¹²⁸ Гундарин М. Книга руководителя отдела PR. Практические рекомендации. – СПб.: Питер, 2006 г. С.87

¹²⁹ Ўша манба.

¹³⁰ Гундарин М. Книга руководителя отдела PR. Практические рекомендации. – СПб.: Питер, 2006 г.

¹³¹ Игнатъев Д., Бекетов А. Настольная энциклопедия Public Relations. – М.: “Альпина Паблишер”, 2004 г. С.98

Пресс-релиз – резюме. Бирон ҳисобот, чиқиш, тақдимотнинг асосий жиҳатлари, яқунлари, хулосалар қисқача баён этилади.

Илова қилинадиган маълумот пресс-релизи. Унда асосий янгиликни тўлиқроқ ёритиб бериш имконини берувчи қўшимча маълумотлар чоп этилади.

Пресс-релиз – эълон. Атиги бир неча гапдан ташкил топган бўлиши мумкин.

Пресс-релизнинг тузилиши

Пресс-релиз ёзишни бошлар экансиз варақнинг юқори қисмига албатта ташкилотингизнинг логотипини, унинг пастидан чап томонига тадбир ўтказиладиган санани, ўнг томонига шаҳарнинг номини ёзиш зарур. Сўнг ўртага “Пресс-релиз” деб ёзилиб, тадбир сарлавҳаси қўйилади. Сарлавҳа қисқа ифода этилиши ва тадбирнинг моҳиятини акс эттириши лозим.

Лид (сўзбоши) —биринчи хатбоши бўлиб, унда материалнинг “асл” моҳияти баён этилади. У битта гапдан кўп бўлмаслиги керак.

Лидда қуйидаги ахборот берилади:

1. Ҳодиса, тадбир иштирокчилари ва ҳоказо;
2. Қандай ҳодиса, янгилик юз берди;
3. Ҳодиса қачон ва қаерда содир бўлган ёки бўлади;
4. Ҳодиса жараёни.

Асосий матнда албатта тадбир билан боғлиқ аниқ рақамлар, фактлар, ҳодиса иштирокчиларининг шарҳи келтирилиши керак. Аксарият ҳолатларда матнда масъулларнинг тадбир ёки лойиҳа хусусидаги фикри берилади.

Тегишли жой номлари тўлиқ ва бехато ёзилиши шарт. Масалан, ЕХХТ-ДИИХБ деган қисқартма сўзни газета шундоқ ёритса, ҳамма бирдек тушунмайди. Аввало, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, деб ёзиш, сўнг қавс ичида (кейинги ўринда – ЕХХТ-ДИИХБ) деб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, “МСК” деган ёзувга илгари дуч келмаган киши унинг – Марказий сайлов комиссияси эканини билмайди. Айрим номлар қисқартма ҳолида кўпол сўзларга айланадиган бўлса, яхшиси уни тўлиқ ҳолида ёзган маъқул. Шу ўринда, инглиз олими Сэм Блэкнинг фикрича, қисқартма номларни ҳам тўғри ёзиш керак. Айтайлик, БМТни Б.М.Т. ёки АҚШни А.Қ.Ш. тарзида ёзиш нотўғри.

Кишиларнинг исми шарифларини тўлиқ ва тўғри ёзиш шарт. (Айтайлик, Ж.К. Тахтаев эмас, балки Жўракул Комилович Тўхтаев қабилида ёзиш зарур). Ўшанда уни телевидение ёки радиода ўқиб эшиттиришда ҳам ноқулайлик туғилмайди.

Жой номларини тўғри ёзиш муҳим. (Масалан, Фарғонани – Ферғана, Тошкентни – Ташкент ё Тошкан қабилида ёзиш керак эмас). Бошқа

мамлакатлар ҳақида сўз кетганда уларнинг номини ҳам асл ҳолича ёзиш зарур. (Масалан, Индия эмас – Ҳиндистон, Египет эмас – Миср Араб Республикаси, Эмират эмас – Бирлашган Араб Амирликлари, Киргизия эмас – Қирғизистон ва ҳоказо).

Рақамларни тушуниб ёзиш, хатоликка йўл қўймаслик, керак бўлса, бу борада мутахассислардан маслаҳат сўрашдан тортинмаслик даркор. Баъзилар рақамлар моҳиятини тушунмасдан шундоқ ёзадилар: “Мазкур ўқув даргоҳида 1000 **минг** нафар ўқувчи таълим олмоқда”. Бу ерда ўқувчилар сони – миллионта деб кўрсатилмоқда. Бундай пайт энг мақбули рақамдан сўнгги сўзни қавс ичида “1000 (минг) нафар” қабилида ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Имловий хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Тилимиз шу қадар бой ва сержилоки, ундаги сўзлардан атиги битта ҳарфи хато ёзилса, маъноси бутунлай ўзгариб кетиши ҳеч гапмас. Айтайлик, “кузга яқин” билан “кўзга яқин” ибораларининг маънолари бутунлай бошқа-бошқа.

Пресс-релизни мутасаддилар билан маслаҳатлашган ҳолда тайёрлаш ва раҳбариятга кўрсатиб олиш лозим.

Пресс-релиз сўнггида ташкилот, унинг фаолият йўналиши хусусида маълумот берилади.

Агарда пресс-релиз тадбирдан бир икки кун олдин тарқатилса унда ОАВ вакилларига рўйхат ёки таклифномалар бўйича тадбир иштирокчиси бўлиш тартибини маълум қилиш лозим. Бундан ташқари, Матбуот хизматига таҳририят ва журналист тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш санаси кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Энг охирида **алоқа ўрнатиш ёки қайта боғланиш учун маълумотлар**, яъни ОАВ билан алоқада бўладиган шахс, лавозими факс, e-mail, расмий сайт, телефон рақамлари берилади.

***Маслаҳат.** Пресс-релиз реклама варақасига айланиб қолмаслиги, бир варақдан ошмаслиги ва фақат битта янгилик тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак. Пресс-релизни бевосита сизнинг йўналишингизни ёритадиган ОАВга юборган маъқул. Агарда тадбир хотин –қизларнинг ижтимоий ҳимояси масаласига қаратилган бўлиб, сиз уни спорт наширига юборсангиз, албатта сизнинг ахборотингиз эътибордан четда қолади.*

Сиз тақдим этган ахборот чоп этилишини хоҳласангиз, журналистларга нима ёқмаслигини билишингиз керак:

- Факс орқали ўтказилган хира нусха. Яхшиси, пресс-релизни электрон почта орқали юборинг.

- Матнда йўл қўйилган грамматик хатолар. Бу матн билан ишлаётган барчанинг ғашига тегади. Матнни жўнатишдан олдин текширинг.

- Ахборотни ўз вақтида узатинг. Аммо нашрнинг навбатдаги сони чиқадиган вақтга тақаб эмас. Бундай қилсангиз ахборот ушбу сонга киритилмаслиги аниқ – ҳеч ким ахборот хизмати ходимининг масъулиятсизлиги туфайли газетанинг чиқишини кечиктирмайди¹³².

Пресс-релизни ёзиш қоидалари

Пресс-релиз ёзишни бошлашдан олдин “Бу матн кимга мўлжалланган?” деган савол қўйиши керак. Ёдингиздан чиқарманг – пресс-релизлар ОАВ вакиллари учун ёзилади. Журналистлар Сизнинг ахборотингиздан аниқ фактларга таянган ҳолда ва самарали фойдаланиши керак. Сиз берган ахборотнинг асосини нима ташкил қилади? Ўқувчига қандай фикрни етказмоқчисиз? Шу саволлардан келиб чиқиб, пресс-релиз тайёрлашда қуйидагиларни эътиборга олинг:

- Ортиқча сўзларни ишлатманг. Агар маъносига путур етказмасдан туриб, матндан бирон сўз ёки иборани олиб ташлашнинг имкони бўлса, олиб ташланг. Қисқа, 7-9 сўздан иборат гаплар билан ёзинг.

- Агар Сиз бир мавзу бўйича бир неча тадбир ўтказган бўлсангиз, уларни бирлаштиринг ва битта пресс-релиз тайёрланг. Агар ҳодисалар турли характерга эга бўлса, ҳар бир ҳодиса бўйича алоҳида пресс-релиз тайёрлаш керак ва бу пресс-релизларда фактлар, сатистик ва бошқа маълумотлар тўлиқ акс эттирилиши керак.

- Пресс-релиз ёзишдан мақсад – жамоатчиликни хабардор қилиш, ижобий имижни шакллантириш.

- Пресс-релиз газета саҳифасига эълон қилиниши учун одамлар уларнинг ҳаётига таъсир қилиши мумкин бўлган нарсалар тўғрисида ёки уларга жуда қизиқ бўлган мавзулар тўғрисида ўқишни хоҳлашларини унутманг. ОАВни барча содир бўлаётган ҳодисалар қизиқтиришини доимо ёдда тутинг.

Пресс-релизни тузиш ва расмийлаштириш

Умум қабул қилинган қоидаларга¹³³ мувофиқ, пресс-релизда журналистга пресс-релиздан қачон фойдаланиш ва қандай фойдаланмасликни ўргатиш мумкин эмас. Аниқ кўрсатмалар мавжуд бўлмасда, пресс-релизни қуйидаги қабул қилинган шакл бўйича, тескари ағдарилган пирамида тамойилига кўра тузишингиз мумкин. Асосий мақсад биринчи жумлада баён этилиб, биринчи

¹³² Қосимова Н. ва бошқалар. Ахборот хизмати: жамоатчилик билан самарали мулоқот. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД), Т., 2012 й. Б.97.

¹³³ Антропов С. Как правильно написать пресс-релиз? Примеры и образцы пресс-релизов. <http://brave-agency.ru/articles>

хатбоши ҳодиса ҳақида қисқа маълумот бериши керак. Лид йўғон шрифт билан ажратилади. Сўнги хатбошида ташкилотнинг тўлиқ номи, манзили, телефон рақами, ёзилган сана, алоқа телефонлари ва маълумот берувчи шахснинг Ф.И.Ш. кўрсатилади. Матн 1,5 интервалда ёзилади. Пресс-релизда журналистларнинг диққатини бирон-бир жумлага қаратиб қўймаслик учун алоҳида гапнинг тагига чизиш ёки ажратиш мумкин эмас. Матн қисқа бўлиши керак. Энг мақбули – 1 варақдан иборат. Катта ҳарфлардан имкон қадар кам фойдаланинг. Пресс-релизда 1 дан 9 гача бўлган сонлар ҳарф билан ёзилади. Бошқалари, шу жумладан, саналар ҳам сонлар билан ифодаланилади. Агар Сиз кўп сонли рақамдан иборат мисол келтираётган бўлсангиз, ноллар ўрнига “минг” ёки “миллион” деб ёзиш мумкин. Бу журналистлар томонидан рақамларнинг тўғри берилишини кафолатлайди. Албатта матнни ёзаётганингизда ўзбек адабий тил қоидаларига риоя этинг. Қўштирноқ фақат кўчирма гапда ишлатилишини унутманг. Матнни илмий атамаларга тўлдирманг.

Пресс-релиз ёзаётганда 12-14 кегель размерда Arial ёки Times New Roman шрифтдан фойдаланган маъқул. Бу шрифтлар электрон кўринишда яхши ўқилади ва пресс-релиз факс орқали жўнатилганда сифатли чиқади.

Назорат учун саволлар:

1. Пресс-релиз нима?
2. Пресс-релиз қандай ёзилади?
3. Пресс-релиз тайёрлашда нималарга эътибор қаратиш зарур?

6.6§. Журналистларга интервью бериш

Нотиқлик санъатини эгаллаймиз

Парламентнинг профессионал имижини шакллантиришда биринчи қадам депутатлар ва ахборот хизмати ходимларининг жамоат жойларида конференция, учрашувлар, турли хил тадбирларда иштирок этишларидан бошланади. Парламент имижини яратишда унинг фаолиятига доир тақдимотлар ўтказиш муҳим. Чунки инсон сизни 75 фоизга биринчи чиқишингизда эслаб қолади. Демак, бирор бир акцияда, ОАВ вакиллари учун мўлжалланган тадбирда сиз нутқингиз билан Парламент фаолияти хусусида сўзлаб бермоқчисиз. Хўш, бунда нималарга эътибор бериш лозим бўлади? Аввало нутқингизни тайёрлашдан олдин «**Буни нима учун қиляпман?**», «**Нимага эришмоқчиман?**», «**Буни қандай амалга ошираман?**» деган саволларга

жавоб беринг. Сўнг айнан Парламент фаолиятининг қайси жиҳатларига урғу беришингизни ўйлаб кўринг. Сиз қандай мақсадга эришмоқчисиз?

Нутқ санъати – бу аниқ-равшан, грамматик тўғри, ортиқча сўзларсиз, хушмуомалалик ва қўйилган овоз билан ўз фикрларини билдириш. Сухбатни олиб бориш санъати, фикрини ифодалаш, гаптириш услуби, интонациялар бойлиги ва нутқнинг ҳиссий маданияти – бунинг ҳаммаси инсон, уни ўраб турган муҳит, ҳамкасблари, қайси жамият вакилилиги ҳақида маълумот беради.

Нутқда мақсадга эришиш усуллари уч катта гуруҳга бўлинади¹³⁴.

1. Императив - нутқий таъсирнинг кучга таянган усули. Бу усул авторитар нутқнинг асосини ташкил этади (буйрук, кўрқитиш, шахсиятта тегиш ва шу кабилар).

2. Инонтириш - демократик нутқ асосини ташкил этади ва асослаш орқали ўз қараш ва нуқтаи назарни ўзга одам онгига сингдириш (исботлаш, тушунтириш, йўналтириш ва шу кабилар)

3. Мойиллик уйғотиш - либерал нутқнинг асосини ташкил этади ва ахборот олиш истаги билан боғлиқ (бахс-мунозара, сўроқлаш ва бошқалар).

Тингловчилар онгининг турли аспектларига таъсир ўтказишга мувофик тарзда нутқ йўналиши самарадорликни оширишнинг турли жиҳатларига қаратилиши мумкин:

1. Ҳиссиётни уйғотиш.
2. Диққатни жалб этиш.
3. Билим тарқатиш.
4. Хоҳиш-истак уйғотиш.
5. Ҳаракатга даъват этиш.

Демак мақсад ва асосий ғояни аниқлаб олдик. Сўнг, албатта, сизга бериладиган вақтни аниқлаштиринг. Аниқ вақт белгиланмаган бўлса-да, узун нутқ тайёрлаш ярамайди. Ўртача 5—7 дақиқа, кўпи билан 10 дақиқани назарда тутинг. Руҳшуносларнинг фикрига кўра инсон ўзгалар нутқининг фақатгина биринчи 10 дақиқасини диққат билан тинглайди. Шундан сўнг нутқ режасини тузинг, режа қанчалик батафсил бўлса, матннинг ўзини ёзиш шунчалик осон кечади. Маъруза маъноли, мазмундор ва мантиқан бир-бирига боғланган гаплардан иборат бўлиши лозим. Албатта чиқиш қилишда аудиторияни эътиборга олиш жуда зарур¹³⁵. Чунки ҳар бир аҳоли қатламига нутқда ўзига

¹³⁴ Касбий нутқ асослари ва нутқнинг мақсад ва йўналишлари. <http://www.shoir.uz/dolzarb-mavzu/manaviyat/486-2011-10-09-02-52-41.htm>

¹³⁵ Ўша ерда

хос ёндашув талаб этилади. Мисол учун сиз ҳуқуқшунос бўлсангиз ва ўз ҳамкасбларингиз қаршисида сўзга чиқсангиз, махсус атамалар маъносини тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Тингловчилар бошқа касб эгалари бўлса, бу, аксинча ўринли бўлади. Чиқишдан олдин нутқ сўзлашни машқ қилинг. Нутқ матнини кўзгу ёки яқинларингиз қаршисида ўқиб беринг, овозингизни ҳам сошлаб олинг.

Нутқ маданияти тил софлигига боғлиқдир. Талаффузнинг тўлиқ усули лекторлар, актёрлар, сухандонлар, нотиклар нутқи учун ҳарактерли бўлиб, адабий тил нормаларига риоя қилишни талаб этади. Унда ҳар бир сўз аниқ, дона-дона талаффуз қилиниши шарт. Талаффузнинг қисқартма усули эса осон, жонли сўзлашувда, оғзаки нутқда учрайди. Албатта, нутқингизда қуйидагиларга эътибор бериб, улардан қочишга ҳаракат қилинг:

1. Сўз таркибидаги товушларнинг ўрин алмашилиши: қийғир, шапра, налат, ўрпимоқ сўзлари талаффузига кўра жонли сўзлашувга хос бўлиб, уларнинг адабий талаффуз шакли қирғий, лаънат, шарпа, ўпирмоқдир.

2. Сўз таркибидаги товушларнинг тушиб қолиши ҳам сўзлашув тилида бирмунча учрайди: қуфламоқ (қулфламоқ), ташамоқ (ташламоқ), кўкартмоқ (кўкартирмоқ), бари карам (барги карам),

3. Бирор товушнинг орттирилиши: чечмоқ (ечмоқ), қамчин (қамчи), корчаллон (корчалон), янгитдан (янгидан).

4. Товуш алмашилиши: бўқоқ (буқоқ), мўнчоқ, минчоқ (мунчоқ), кўмирчак (кемирчак), кўйнак (кўйлак), тармов (тарнов), қамич (қамиш), нусқа (нусха), қалмоқ (қармоқ), қимилла (қимирла), тиқиллатмоқ (тиқирлатмоқ), бойламоқ (боғламоқ), махтамоқ (мақтамоқ) каби.

5. Аффикслар қўшилиши натижасида ўзак негизларида ҳосил бўладиган қисқартмалар учрайди: опти (олибди), кепти (келибди).

6. Паразит сўзлардан қочиш: “Шу тарзда”, “мана”, “шундай қилиб”, “хўш”, “блин”, “қисқаси” ва ҳоказо.

Агар нутқ жаргон сўзлар билан бузилган бўлса, талаффуз, урғу бериш, оҳанг оғзаки нутқ талабларига жавоб бермаса, у ҳолда сизнинг нутқингизга бўлган қизиқиш йўқолади. Депутат ҳақида салбий, ўз фикрини тўлиқ баён этиб бера олмайдиган шахс сифатида фикр шаклланади.

Чиқувчини эслаб қолишлари учун тадбир ўтказаетганда ёхуд бошқа ташкилотлар сиз билан ҳамкорликда тадбир ўтказишса, кўринарли жойга лого акси туширилган баннерни илиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Баннер қанчалик кўп жойда кўринса, сизни шунчалик кўп эслаб қолишади.

Тақдимот усуллари бир неча турга бўлиниб, булар телевидение ва радиога интервью бериш, матбуотда мунтазам чиқиш қилиш, ижтимоий тармоқларда

Ўзингиз ҳақида маълумот тарқатиш, матбуот анжуманларини ўтказиш ва уларда журналистларга пресс-китлар тарқатишдир.

! Пресс-кит- журналист учун тайёрланадиган ахборот паккиси. У ўз ичига матбуот анжумани материаллари, пресс-релиз, Парламент қўмитаси ҳақида маълумот, дискка ёзилган суратлар жамланмасидан иборат бўлади

Телевидение ва радиого интервью бериш

Депутатларнинг фаолияти кенг оммага етказилишида уларнинг телевидениега интервью бериши муҳим аҳамият касб этади.

Оммага таъсир кўрсатишнинг асосий усулларида бири жамоатчилик эътиборини ўзига қаратувчи муҳокама мавзуси ҳамда йўналишини белгилаб олишдир. Одатда, ОАВнинг ўзи жамоатчилик ҳукмига нимани ҳавола қилиш керак ёки керак эмаслигини белгилайди. Ўз фаолияти хусусида жамоатчиликка ахборот беришнинг усулларида бири интервьюдир. Журналистикада интервью бир шахснинг бошқа шахс ёки шахслар гуруҳидан ахборот излаш ва топиши жараёнидир. Интервьюда асосий эътибор бир муаммо ёки бир мавзуга қаратилади.

Бугунги кунда Парламент фаолиятидан лавҳалар тайёрлашда ОАВ вакиллари бир қанча муаммоларга дуч келишмоқда. Булар қуйидагилардан иборат:

- журналист муурожаат қилганда депутатлар интервьюга тайёр эмасликларини сабаб қилиб кўрсатиб, интервью беришдан бош тортишади;
- интервью бериш жараёнида аксарият ҳолатларда депутатлар қўлидаги матн билан чиқиб, унга қараши натижасида аудиторияда унга нисбатан ишонч йўқолади. Кўп ҳолатда камера олдида ҳаяжонланганлиги боис матн равон ўқилмайди. Бу ўз навбатида журналист томонидан тайёрланган материал сифатининг тушишига сабаб бўлиб, телетомошабиннинг ОАВ холислиги хусусида фикрининг ўзгаришига олиб келади;
- интервью олиш жараёнида саволга жавоб бера олмаслик ҳолатлари учрайди;
- интервью берувчи ўз фикрига эга эмаслиги оқибатида журналист респондент топишга қийналади;
- депутатлар ўзларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларида ўз партиялари фаолияти ва позициясини тўлиқ очиб бермайдилар. Бу Парламент имижи ва унинг нуфузини пасайишига олиб келади.

- айрим депутатлар ва сенаторларда мавзу ва масаладан яхши хабардор бўлсада, сўзамолликнинг етишмаслиги оқибатида деярли ҳар бир кўмитада маълум бир интервью берувчилар шаклланиб қолади. Бу эса ҳар сафар экранда бир хил қиёфаларнинг кўринишига сабаб бўлади.

Замонавий пиар қоидаларида журналистга респондент томонидан бериладиган интервьюга қўйиладиган талаблар мавжуд. Жумладан:

- интервью бериш жараёнида шопилмаслик, воқеани бўрттирмаслик, аудиторияни алдамаслик, содир бўлмаган нарсаларни гапга қўшмаслик, ҳақиқий ҳолатни очиб беришга ҳаракат қилиш, камерага эмас, журналистга қараб гапириш интервьюнинг жонли ва ишонарли чиқишига ёрдам беради;

- спикер, кўмита раҳбари, депутат ўз фаолияти ва қабул қилинаётган қарор ва қонунлар билан яхши таниш бўлиши;

- интервьюга олдиндан тайёргарлик кўриши, яъни журналистлар таклиф этиладиган йиғилиш доирасида кўрилаётган масалаларни яхши билиши ва улар хусусида ўз фикрини ифода қилиши;

- маълум ахборотни етказиш, фаолиятнинг янги йўналишлари тўғрисида сўзлаб бериш, бирон муаммо, масала юзасидан ўз нуқтаи назари ҳақида сўзлаб бериши ва шу орқали муайян хатти-ҳаракатларга ундашга, аудиториянинг бирон нарсага муносабатини, нуқтаи назарини ўзгартиришга ҳаракат қилиши лозим.

Яхши интервью олиниши учун саволлар изчиллиги биринчи ўринда туради. Агар журналист савол беришни танқиддан бошласа, депутат мулоқот давомида ўта ҳушёр бўлиб, иложи борича берилган саволларга аниқ фактлар билан жавоб бериши керак.

Интервью пайтида депутатнинг нутқи аудиторияга тушунарли бўлиши керак. Албатта, бу нутқда содда сўзлашувга хос сўзлардан фойдаланиш керак дегани эмас. Нутқда техник, илмий ва бошқа тор аудиторияга тушунарли атамалардан фойдаланишдан интервью берувчи шахс қочиши лозим. Телевидениега берилётган интервью телетомошабинларга имкон қадар тушунарли тилда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ана шунда интервьюдан кўзланган мақсадга эришилади.

Аксарият депутатлар интервью бериш қоидаларини яхши билмасликлари натижасида кўпинча уларнинг интервьюлари олиб ташланади ёки қисқарттирилади, кўп ҳолатларда асосий мазмуни йўқотилган тарзда эфирга берилди.

Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Аввало:

▪ *Чиқишга тайёргарлик кўришда қисқа, лунда қилиб, “нима, нима учун, нега ва қандай қилиб?” деган саволларга жавоб беришингиз лозим.*

▪ *Шева ва жаргондан қочинг.*

- *Оҳангингиз пессимистик руҳда бўлмаслигига эътибор беринг.*
- *Мавзунни танлаб, айнан қайси саволга жавоб беришингизни аниқлаб олинг.*
 - *Чиқиши қилишдан олдин матнни ёзиб, овоз чиқариб ўқинг ва кераксиз гапларни, сўзларни олиб ташланг.*
 - *Гапларингиз қисқа, махсус сўзлардан холи бўлиши зарур.*
 - *Гапингизни умумийликдан хусусийлик томон олиб боринг. Мисоллар келтиринг.*
 - *Ҳар бир гапингизнинг аҳамиятини ҳис этинг. Берилган маълумотни, айтилган гапларни такрорламанг.*
 - *“Мен” сўзини ишлатманг.*
 - *Ҳар бир маълумотни мантиқий равишда бир бирига боғланг.*
 - *Шошилманг.*
 - *Воқеани бўрттирманг, алдаманг.*
 - *Содир бўлмаган нарсаларни гапингизга қўшманг.*
 - *Ҳақиқий ҳолатни беринг.*
 - *Интервью бераётганда ҳолатни назорат қилишга ҳаракат қилинг.*
 - *Камерага эмас, журналистга қараб гапиринг. Бу интервьюнинг жонли ва ишонарли чиқишига ёрдам беради¹³⁶.*

Назорат учун саволлар:

1. Депутатга нотиклик санъати қанчалик керак?
2. Интервьюга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
3. Интервью яхши чиқиши учун нималарга эътибор қаратиш зарур?

6.7§. Ахборот узатишда ОАВ вакиллари билан мулоқотда юзага келадиган муаммолар¹³⁷

Парламент фаолияти хусусида ахборот тарқатишда қайси жиҳатлар журналистларга маъқул келмаслиги мумкин? Булар хусусида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Аввало:

¹³⁶ “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш – жамоатчилик билан самарали ҳамкорликнинг муҳим омили” мавзусидаги республика семинар-тренинг материалларидан. 2013 й.

¹³⁷ Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан амалга оширилган “Нодавлат но тижорат ташкилотларнинг вилоятлар ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга оширишда иштирокининг ОАВда ёритилиши” лойиҳаси доирасида ўтказилган семинар-тренинг материалларидан. 2015 йил, ноябрь

1. Нотўғри танланган вақт (матбуот конференциясини иш вақтининг охирида ёки дам олиш куни ўтказилиши ёки зарур ахборотнинг материални топшириш куни олиниши);

2. Тақдим этилаётган ахборотда далилларнинг йўқлиги, умумий гап;

3. Журналистлар ишини тушунмаслик (радиога нутқида нуқсони бор одамнинг интервью бериши ёки телевидениега интервью олдидан юзингиз ялтирамаслиги учун унга енгилгина упа суртиш(грим)дан бош тортиш ва ҳоказо).

Вақтни тўғри танлаш ОАВ билан ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Вақтни тўғри танлаш деганда жумладан куйидаги ташкилий саволларга жавоб берилиши ҳам назарда тутилади:

- шу куни ОАВ вакиллари таклиф этилган бошқа тадбир белгиланмаганми?
- ОАВнинг эътибори бошқа муҳим саналар ва байрамлар билан банд эмасми?

- сиз тақдим этаётган ахборотни ОАВ учун муҳим бўлган бирор санага боғлаш мумкинми? (Масалан, Халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни)

- ўтказилган тадбир ҳақидаги ахборотни айнан тадбир куни тарқатиш кечикишдан далолат. Буни ҳеч бўлмаганда уч кун олдин пресс-релизлар орқали журналистларнинг электрон манзилларига жўнатиш лозим ёки тадбир ҳақидаги ахборот ва расмларни у ўтиб бўлгач, ўша куни юборишингиз мақсадга мувофиқ (уч кун ёки бир ҳафта кечиксангиз унинг ОАВда ёритилишидан умид қилмаса ҳам бўлади).

Муаммо ва далиллар. Ахборот тақдим қилишдан олдин ахборот хизматининг ходимлари қайси кўмиталар фаолиятини аудиторияга маълум қилмоқчилигини ўйлаб кўриши лозим. Энг зарур ва муҳим ахборот билан чекланган маъқул. Ҳар бир тарқатилаётган хабар албатта далиллар ва рақамларга бой бўлиши керак. Бу ахборотингиз тўғри ва ишончлилигини яна бир тасдиқлайди.

! Ахборот аниқ, тушунарли, далиллар билан исботланган бўлиши лозим.

Журналистлар сизнинг фикрларингизни аудиторияга етказишади. Айнан таҳририят раҳбарлари сизнинг фаолиятингизни ўз нашрларида бериш ёки бермаслик, қай тарзда беришни ҳал этишади. Шунинг учун ОАВ билан ҳамкорликни амалга оширишда журналистлар муаммосига жиддий эътибор қаратиш зарур.

Журналистлар билан мулоқот қилиш бўйича тавсиялар

1. Журналистлар билан учрашганда доимо ўз телефон рақамларингизни, электрон почта манзилени қолдиринг. Сизни топиш осон бўлса, фаолиятингиз ҳақида кўпроқ материал берилади.

2. Доимо телефон қўнғироқларига жавоб беринг.

3. Ўз аудиториянгизни ва шу йўналишда ёзадиган журналистларни таниб олинг. Бунинг учун бевосита Парламент фаолиятини ёритадиган ОАВ мониторингини ўтказиб, уларнинг йўналишларини ўрганиб чиқиш зарур.

4. Агарда сизда журналистларни қизиқтирадиган янгилик бўлса дарҳол уларга қўнғироқ қилинг ёки электрон почтасига жўнатинг.

5. Агарда журналистлар билан алоқа ўрнатиб, унга интервью бериш ҳақида келишган бўлсангиз албатта ваъдангизни устидан чиқинг. ОАВда сиз ҳақингизда чоп этилган воқеа шу йўналишда фаолият олиб бораётган бошқа ОАВ вакиллари томонидан кўрилиб, сиз билан қайта боғланишга омил бўлади.

6. Парламент журналистлари гуруҳи билан дўстона ва ишончга асосланган муносабатларни ривожлантиринг.

Назорат учун саволлар:

1. ОАВ билан ҳамкорликда вақтни тўғри танлаш қанчалик муҳим?
2. Тақдим этилаётган ахборотга қандай талаблар қўйилади?
3. Журналист билан мулоқотда нималарга эътибор қаратиш зарур?

ГЛОССАРИЙ

Парламент (Parliament, фр.Parlement, французча Parler – гапирмоқ деган маънони билдиради) – демократик давлатларда олий вакиллик ва қонун чиқарувчи орган. Бир ва икки палатали Парламентлар мавжуд.

Икки палатали тизим (Бикамерализм, фр.Bicamérisme) – умуммиллий вакиллик органлари (Парламент)нинг тузилиши бўлиб, унда Парламент турлича ваколатларга эга иккита палатадан ташкил топган бўлади. Бунда Парламентнинг қуйи палатаси ҳар доим халқ томонидан сайланади. Юқори палата эса бевосита ёки билвосита сайловлар ёки наслдан наслга ўтиш йўли билан шакллантирилади.

Депутат (Deputy) – маълум бир сайлов округи ҳудудида истиқомат қилувчи сайловчилар томонидан давлат ҳокимиятининг вакиллик органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига умумий тенг ва тўғридан тўғри овоз бериш йўли билан сайланган шахс.

Европа Парламенти (ЕвроПарламент) (European Parliament (Europarlament)) – Европа Иттифоқига аъзо давлатлар аҳолиси томонидан беш йил муддатга тўғридан тўғри сайланадиган 626 нафар депутатдан иборат орган. ЕвроПарламент Раиси икки ярим йил муддатга сайланади. ЕвроПарламент депутатлари қонун лойиҳаларини ўрганиб чиқишади ва бюджетни тасдиқлашади, ЕИ кенгашлари ва Европа Комиссияси фаолиятини назорат қилади. ЕвроПарламентнинг йиғилишлари Страсбург (Франция) ва Брюссел (Бельгия) шаҳарларида ўтказилади.

Қонунчилик Парламент комиссияси – Парламентлар томонидан қабул қилинаётган қонун лойиҳалари, қарор ва бошқа расмий ҳужжатлар лойиҳаларининг бир қисми кўриб чиқиш учун бериладиган комиссия. Ваколатлари, иш юритиш тартиби ва ҳажмига кўра қонунчилик Парламент комиссиялари икки хил бўлади: 1) Парламент фаолият олиб борадиган бутун муддатга тузиладиган доимий комиссия; 2) маълум бир масалани кўриб чиқиш учун тузиладиган муваққат комиссия.

Бутун палата кўмитаси – палатанинг барча депутатларини бирлаштиради, аммо унга палата раиси эмас, балки кўмита раиси раҳбарлик қилади.

Парламентлараро иттифоқ – 1889 йилда ташкил этилган халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, миллий Парламент гуруҳларини ўз атрофига бирлаштирган. Иттифоқнинг мақсади барча Парламентлар аъзолари ўртасида шахсий алоқаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда бутун жаҳонда тинчлик ва ҳамкорлик ўрнатиш йўлида уларнинг фаолиятини бирлаштиришдан иборат.

Бирлашган Парламент комиссияси – Парламентнинг ҳар икки палатаси томонидан ташкил этилган комиссия.

Бир палатали тизим (Монокамерализм) – умуммиллий вакиллик органлари (Парламентлар)нинг иккита палатага бўлиниши назарда тутилмаган шакли. Бир палатали тизим Парламент унитар давлатлари учун хосдир.

Парламент республикаси (Parliamentary republic) – бошқарувнинг республика шакли бўлиб, унга кўра: 1) Парламент расман тўлақонли ҳокимлик органи бўлиб, у ҳукуматни тузади ва президентни сайлайди; 2) Парламент ҳукуматни истеъфога чиқариб юбориши, унга ишончсизлик билдириши мумкин.

Парламент комиссияси – Парламентларда ташкил этиладиган ёрдамчи орган. Одатда, Парламент комиссиялари регламент асосида сайлов йўли билан шакллантирилади ва ўз таркибида партиялар кучлари нисбатини сақлайди.

Парламент сессияси (лот.Sessio – йиғилиш) – Парламент ва унинг комиссияларининг ялпи мажлислари бўлиб ўтадиган давр. Бир йил давомида ўтказиладиган Парламент сессиялари сони қонун йўли билан, ёки анъаналарга кўра белгиланади.

Парламент таътиллари – Парламент сессиялари оралиғидаги вақт. Парламент таътилларидан депутатлар дам олиш ва ўзлари сайланган округда сайловчилар билан ишлаш мақсадида фойдаланишади.

Парламент музокаралари (Парламент дебатлари - Parliamentary debates) – Парламент фаолияти шакли; Парламентнинг ялпи мажлисида ёки алоҳида палата йиғилишларида депутатлар томонидан қонунлар ёки турли қарорлар

лойиҳаларини муҳокама қилиниши. Парламент музокаралари Парламент регламенти билан ўрнатилган тартибда ўтказилади.

Парламент эшитувлари (Parliamentary hearing) – Парламент ёки унинг палаталарининг фаолият шакли бўлиб, унда маълум бир қонун лойиҳаси ёхуд Парламент ваколатига кирувчи бошқа масала юзасидан Парламент аъзоларининг, давлат ва жамоат арбобларининг, экспертларнинг фикрлари, мулоҳазалари эшитилади. Парламент эшитувлари очик ва ёпиқ бўлади.

Парламент ўқишлари – қонун лойиҳасининг Парламентда ёки алоҳида палатада муҳокама қилиниши босқичлари. Одатда, қонун лойиҳалари учта ўқиш босқичидан ўтади. *Биринчи ўқишда* қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун тегишли комиссияга бериш тўғрисида қарор қабул қилинади. *Иккинчи ўқишда* қонун лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама қилинади, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан овоз берилади. *Учинчи ўқишда* қонун лойиҳаси юзасидан якуний овоз берилади. Бунда фақатгина айрим таҳририй ўзгаришлар киритилиши мумкин ҳолос.

Парламент назорати (Parliamentary control) – ҳукумат фаолияти устидан давлат назорати шакли. Парламент назоратининг усул ва шакллари қуйидагилардан иборат: ишочн билдириш тўғрисида масала қўйилиши, танбех бериш тўғрисида қарор, интерпелляция, ҳукуматга оғзаки ва ёзма саволлар йўллаш (Парламент саволлари), Парламент суриштируви.

Парламент чақириғи (Parliamentary calling) – вакиллик ҳокимияти органи ваколатларининг белгиланган ёки амалдаги муддати. Кўпгина давлатларда чақириқлар саноғи тегишли вакиллик органи таъсис этилган вақтдан бошланади.

Парламент ҳуқуқи – Парламентлар ва унинг палаталари аъзолари якка тартибдаги ва жамоавий фаолиятда рияо этадиган ёзма ва оддий қоидалар йиғиндиси.

Ялпи мажлис (Plenary meeting; Plenary session) – вакиллик ҳокимияти органларининг фаолият шакли; вакиллик органининг тўлиқ таркибдаги йиғилиши. Ялпи мажлисларда вакиллик органи ваколатига кирувчи қуйидаги муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади: мансабдор раҳбар шахслар ва органларни сайлаш, бюджетни тасдиқлаш, ваколатларни бошқага бериш ва бошқалар.

Президентнинг Парламентга мурожаати – мамлакатдаги вазият, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларига бағишланган ҳар йиллик расмий маъруза. Одатда, мурожаат палаталарнинг қўшма мажлисида президент томонидан шахсан ўқиб эшиттирилади.

Пророгация (Prorogation) – давлат раҳбарининг қарори билан Парламент йиғилишларининг бошқа муддатга қолдирилиши.

Парламент текширув комиссияси – палаталарнинг махсус топшириқларини бажарувчи ёки давлат ҳокимиятининг ижроия органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар ва бошқаларнинг фаолиятини текширувчи Парламент комиссияси.

Рационализацияланган Парламентаризм – Парламент тизимининг асосий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ҳукуматнинг барқарорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган конституциявий усуллар ва жараёнлар йиғиндиси.

Резолюция (Қарор, лот.Resolutio – қарор) – Парламент палаталаридан бири томонидан қабул қилинадиган ҳужжат. Қарорлар қонун лойиҳаларидан фарқли тарзда муҳокама қилинади ҳамда давлат раҳбарига имзолаш учун киритилмайди.

Парламентни тарқатиб юбориш (Dissolution of parliament) – давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг конституциявий механизми элементи. Парламентни тарқатиб юбориш (муддатидан олдин Парламент сайловларини эълон қилиш) ҳуқуқи давлат раҳбарига тегишли бўлиб, ҳукуматнинг Парламент олдидаги жавобгарлиги институти билан мувозанатни тўғрилаб туради.

Сеньорен-конвент (The Senior Council, лот.Senior - катта + Conventus – йиғилиш) – делегациялар вакилларининг ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун съездга йиғилиши.

Таъсис сессияси – янги сайланган Парламентнинг биринчи сессияси бўлиб, унда Парламентнинг ишчи органлари ташкил этилади, унинг раҳбарлари сайланади ҳамда бошқа ташкилий тадбирлар амалга оширилади.

Экспозе (Expose; Summary) – Парламент амалиётида бош вазир ёки ташқи ишлар вазири томонидан ҳозирги кундаги ташқи сиёсат масалаларининг қисқача баён қилиниши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ЎРГАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонун. 54- модда, 2005. www.lex.uz.
3. Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. <http://lex.uz>.
4. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
5. Ислом Каримовнинг референдум куни сайлов участкасида берган интервьюсидан. 2002 йил, 27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати жорий архиви, 2002 йил учун ҳужжатлар тўплами.
6. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак. \Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/> 20.08. 2017 й.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2006 й.
8. Антропов С. Как правильно написать пресс-релиз? Примеры и образцы пресс-релизов. <http://brave-agency.ru/articles>.
9. Беков И.У. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шаклланиши ва фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асослари. Юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2009.
10. Бромхед П. Эволюция Британской конституции. -М., ЮЛ, 1978
11. Белоусов М. Конституционное право зарубежных стран. <http://www.razlib.ru>
12. Государственное право Германии. М., ИГП РАН, 1994
13. “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш – жамоатчилик билан самарали ҳамкорликнинг муҳим омили” мавзусидаги республика семинар-тренинги материаллари. 2013
14. Дюги Л. Конституционное право. -М., 1908.
15. Жорж А. Кримски. Мустақил газеталар учун Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. –Т., 2003 й.

16. Игнатъев Д., Бекетов А. Настольная энциклопедия Public Relations. – М.: “Альпина Паблишер”, 2004 г
17. История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство “Зерцало”, 2000.
18. Липпман Уолтер. Общественное мнение. -М., 1922 г.
19. Масленников Р. 101 совет по PR. – М.: “Альпина Паблишер”, 2012.
20. Прело М. Конституционное право Франции. -М., 1957
21. Парламент тарихи. <http://parliament.gov.uz>
22. Очерки Парламентского права. Парламенты мира. – М., 1991.
23. Основы творческой деятельности журналиста. под ред С.Г. Корконосенко. СПб.: Знание, СПБИНВЭСЭП, 2000 г.
24. Гаджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001.
25. Федеративная Республика Германии: Конституция и законодательные акты. – М., 1992.
26. Қосимова Н. ва бошқалар. Ахборот хизмати: жамоатчилик билан самарали мулоқот. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД), Т., 2012 й.
27. Қосимова Н., Раҳимова Ф. Нодавлат нотижорат ташкилотлар имижини шакллантириш: назария ва амалиёт. Ўқув-амалий қўлланма. –Т.: Журналистларни қайта тайёрлаш маркази. 2015.
28. Шишкин Д.П., Гавра Д.П., Бровко С.Л. PR-кампании: методология и технология: Учебное пособие. – СПб.: Роза мира, 2004.
29. Щербин А. Зарождение и развитие Парламентаризма. https://duma.tomsk.ru/content/1_zarozhdenie_i_razvitie_parlamentarizma
30. Уэйд Е., Филлипс Г. Конституционное право. -М., ИЛ, 1950.
31. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”, 2000.
32. Ўсаров О. Давлат ҳокимияти органларида журналистларни аккредитация қилиш мажбуриятми ёки зарурат. -Т.: 2014.
33. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий Парламентаризмга қадар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
34. David Armstrong, Managing by Storying Around: A New Method of Leadership. New York: Doubleday Currency, 1992
35. Heidotting Conley Patricia. Presidential Mandates: How Elections Shape the National Agenda. — University of Chicago Press, 2001.